

Убайд Зоконий ўзининг юмористик ва сатирик китобларидан бирини «Рисолайи дилкушо», яъни кўнгилочар рисола, деб атаган эди.

Ха, инсон кўнгил очишга муҳтож. Айниқса қорни тўқ, усти бут инсон.

Шунинг учун ҳам газета, журналларимизнинг деярли ҳаммасида кулги бўлимлари ташкил этилган, телевизор ва радиода ханда устахоналари мунтазам ишлаб турибди, нашриётларимиз юмористик асарларга кундан-кунга кўпроқ эҳтиёж сезмокдалар.

Мана шу эҳтиёж Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётини ҳам классик адабиётимиз намояндалари ижодига мурожаат этишга олиб келди. Қўлингиздаги китоб бу жанрнинг тўрт забардаст намояндаси ижодидан олинган ҳикоят ва латифалардан ташкил топган.

Аввало шуни айтиш керакки, гоҳ заҳарханда, гоҳ қувноқ кулги, гоҳида эса юмшоқ ханда — юмор билан сугорилган бу ҳикоят ва ривоятлар ҳамда мутойибалар ҳозирги китобхон учун енгилгина кулги бўлса-да, аммо уларнинг муаллифлари ижодида жиддий орузлар, хун бўлиб эзилган юрак томчилари эканлиги унутилмаслиги керак.

Гарчанд Ўрта Осиё ва Эрон халқлари бошига энг оғир кунлар тушган ҳамда мўғуллар истилоси авж олиб турган бир даврда яшаган улўф мутафаккир шоир Шайх Саъдий бундай деган эди:

Замоне шеъру шатранжу латоиф,  
Ки хотирро бувад даъфи малоле.

У баъзи-баъзидаги шеърхонлик, шахматбозлик ва латифагўйлик хотирлари малолликни даф қилади, деган бўлса-да, бу соҳада аждодларимиз ижод қилган барча латифаларда замондошлар образи чизиб берилган, уларнинг кўпидан замон ҳиди анқиса ҳам феодал зулмидан эзилган инсон фарёди эшитилиб туради.

Аммо шунга қарамай, бу ҳикоятларда асосий қурол кулги, албатта. Инсоннинг энг яхши хусусиятларидан бири бўлган кулги бунда унинг куч-қудратини намойиш қилади, паскашлик ва тубанликлардан юқори кўтариб, олижаноблик томон чорлайди, инсон табиатини поклайди, уни жисмонан қувноқ ва руҳан бақувват қилади.

Классикларимиз яратган сатирик ёки юмористик ҳикоятлар тематикасига назар ташлар эканмиз, аввало, унда ҳоким синф намояндаларининг текинхўрлиги, ахлоқий тубанлиги, мунофиқлиги, такаббурлиги, юзсизлиги, зикна-очкўзлиги ва ҳоказо, ва ҳоказолар эканлиги яққол кўзга ташланади. Бу ҳикоячаларда шоҳлар, хонлар, амалдорлар ва руҳонийлар зулми остида эзилган халқнинг демократик кайфиятлари ўз ифодасини топган. Унда муаллифлар эзувчи синф намояндалари устидан, ер эгалари, бойлар, судхўрлар, мулла ва эшонлар, кози ва амалдорлар, хонлар ва ҳатто шоҳлар устидан аччиқ кулади.

Бу ҳикоят ва латифаларнинг кўпида халқ турмуши, меҳнат аҳлининг орзумидлари, унинг нолаю фиғони акс этади. Уларда ҳаёт борлигича, қандай бўлса шундай тасвирланади. Дехқон, ҳунарманд, қосиб ва бошқа меҳнат аҳли оғир ҳаётини енгиллаштириш орзулари кулф уриб туради.

Бу асарлар яратилган даврни кўзда тутсак, улар ёрқин социал эътироз бўлиб жаранглайди.

Уларнинг кўпчилиги халқ оғзаки ижоди булоғидан сув ичганлиги, унинг ҳосилдор заминиде етилиб, чечак отганлиги ҳар бир жило ва жилвасидан сезилиб туради.

Биз Ўрта Осиё ва Эрон халқлари оғзаки ижодида гоҳо ҳазил-мутойибага, қувноқ кулгига, гоҳида эса аччиқ кинояга, заҳарли қаҳқаҳага бой асарларни кўплаб учратамиз.

Халқ оғзаки ижодини ўрганиш жуда кеч бошланган. Форс-тожик фольклорини ўрганиши биринчи бўлиб рус шарқшунос олими В. А. Жуковский бошлаб берган эди. У XIX асрнинг охирида Эронда яшаб, халқ ижодини ўрганиди ва унинг ўткирлиги, ҳозиржавоблиги, фош қилиш кучидан ҳайратланди.

У халқ кўшиқларининг истеъзо билан тўла эканлиги, ҳаётдаги воқеаларга халқ қарашларини нақадар аниқ ва моҳирона ифода эта олишлигини қайд қилади ва уларнинг «тарихий аҳамияти катта»<sup>1</sup> эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Ёзма адабиётга халқдан кириб келган бу кайфият барча ҳақиқий классик шoirлар ижодида озми-кўпми кўзга ташланади ва уларнинг гуманистик гоёлари ифодасида муҳим роль ўйнайди. Масалан, форс-тожик классик адабиётининг асосчиларидан унинг бешиги тепасида турган шoirлар Абулҳасан Рудакий, Шохид Балхий, Абулқосим Фирдавсий ижодида ҳам, Ибн Сино, Умар Хайём каби олимларнинг бадиий ижодида ҳам, форс-тожик классик адабиёти даврини яқуллаган Абдурахмон Жомий ижодида ҳам бу йўналишнинг нақадар кучли эканлигини бугунги кунда адабиётшуносларимиз яхши аниқлаб берганлар.

Улардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин эди, аммо мен характерли биргина мисол билан чекланаман:

Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди,  
Заридан бир табиб сиқими тўлди.  
Олтини сарф бўлиб кетганидан бой,  
Сихат топган чоғда қайтадан ўлди.

Файласуф шoir Мирзо Абдуқодир Бедил ижодидан келтирилган бу мисол — кичиккина бир асар — тўртгина йўлдан иборат рубоий. Аммо унга жойлаштирилган сюжетли кичик ҳикояда нақадар чуқур мазмун, қандай улкан ахлоқий хулоса ётибди.

Бунга эришмоқ учун Бедил жуда бой анъанага эга бўлиши, ҳосилдор заминда туриши, фаровон манбалардан сероб бўлиши керак эди.

Шундай ҳам.

Жуда бой тарихга эга бўлган жаҳон бадиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган бу адабиётни унинг меъморлари поёнсиз муҳитга қиёс этадилар. Ундаги жавоҳиротлар ранго-ранг ва беқиёс. Мана шу адабиётда сатира ва юморни муайян бир оқимга айлантирган, улкан истеъдодини асосан ҳажв жанрига сарф этган ва демак, Форс-тожик адабиётида бу жанр асосчиси ҳисобланган шoir Убайд Зоконий деса бўлади.

У ҳажв ва пародиянинг турли йўлларини ижод этди, халқдан олиб ишлов берди, унинг гуманистик йўналишини мустаҳкамлади ва юксак чўққиларга кўтара билди.

У адабиёт тарихига оддий халқ ҳаққи ҳуқуқи учун жасур курашчи бўлиб кирди. Унинг яшаб ижод этган замони мўғуллар истилосидан эндигина ўнглана бошлаган халқ бошига Темур қирғинлари тушган фалокатли давр эди.

Бу давр ҳақида унинг замондоши, лириклар подшоҳи Ҳофиз Шерозий (1300—1389): «Кўзадан май қуйилгандек қон тўқувчи замон», деган бўлса, Убайд Зоконий ихчамгина бир латифада бунини шундай тасвирлайди:

«Бир киши мавлоно Азудиддиндан:

— Халифалар замонида одамлар орасида худолик ва пайғамбарлик даъвосини қилувчилар кўп бўлур эди. Нима учун энди ундайлар топилмайди? — деб сўрабди.

— Ҳозирги кишилар, — деб жавоб берибди у, — зулм ва очликдан шундай аҳволга тушиб қолдиларким, на худо эсларига келади ва на пайғамбар»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> В. А. Жуковский. Образцы персидского народного творчества, СПб, 1902, стр. 3.

<sup>2</sup> Убайд Зоконий. Куллиёти мунтахаб. Душанбе, 1953, 59-бет.

Мана шундай даврда яшаган шоир ва ёзувчи Убайд шеърларидан бирида: «Чун мо ба ҳеч ҳоле озори кас нахоҳим»<sup>1</sup>, деган бўлса-да, замон ноҳақликларига қарши исён кўтаришга, ҳажв саманига миниб, золимларга қарши от солишга мажбур бўлди.

Убайдуллоҳ 1270 (ёки 1280) йилда Қазвин яқинида, Зокон деган жойда собиқ назир оиласида дунёга келади. У ибтидоий илмини Зоконда, олий таълимни эса ўша давр илмий марказларидан бўлган Бағдод шаҳрида олади. Ўқини тугатиб келгач, Убайд давлат идораларида амалдор бўлиб ишлай бошлайди. Ўзининг ёзишига ўра, тинч ва тўқ ҳаёт кечиришига етарли шароит ва маблағ мавжуд эди. Аммо қандайдир сабабларга қўра (танқидий назари, ҳажвчилиги учун бўлса ҳам ажаб эмас), ишдан бўшатилади ва асосий машғулотни ёзувчилик бўлиб қолади.

Аммо бу даврда Ҳофиз ибораси билан айтганда, 1329 йилда Зоконий араб тилида, «Новодир ул-амсол» («Нодир масаллар») китобини Илхон сулоласи хонларидан Абу Саид шох (1315—1335) нинг вазири Аловуддинга бағишлаб, унга қасида ила мурожаат қилади. Аммо Аловуддин бу тортиқни қабул этмайди. Убайд шундан бошлаб илму адабиёт кадрини билмайдиган бу шоҳу вазирларга мурожаат этмасликка қарор беради.

Ғақиру ҳақирликда кун кечирса-да, энди уларнинг миннатли инъом-эҳсонларидан юз ўгирган эди. Сарой ҳаётидан юз ўгириб кетиш Зоконийга оддий халқ орасида бўлиш, мардум ҳаётига чуқурроқ кириб бориш имконини берди. Бу эса давр ҳукмдорларига халқ кўзи билан боқишга, улар зулмини халқ билан бирга азмойиш этишга олиб келади ва шоир ижодининг сатирик йўналишини белгилаб беради.

Дарҳақиқат, Убайд Зоконийнинг ҳажвий асарлари асосан шу даврда (1328—1341) ижод этилган, Убайд ўз давридаги ҳукмрон ақидага асосан адолатли ва илм-дўст, адабиётдўст подшо излаб сафарга чиқади ва тахминан 1341 йилларда у Бағдоддан Шерозга Хўжа Абу Исҳоқ Инжу (1340—1354) саройи хизматига қиради. Бу даврда кўпроқ қасидалар ёзади. Бунда латифалар ҳам ижод қилган бўлса-да, улар орасида ҳажвий асарлар кам эди.

Аммо замон ҳодисотлари ўша вақтдаги кўпгина илму адабиёт вакиллари каби Убайд Зоконийнинг ҳам кўп умрини дарбадарликда ўтказишга мажбур қилади. У Шероз ва Бағдод ўртасида қочиб юришга, Қирмонга бориб туришга мажбур бўлади, унга «Шероз яланғоғи», «Бағдод гадоси» каби лақаблар қўядилар.

Зоконий умрининг охириги йиллари ҳақида маълумотлар йўқ, аммо шоирнинг Исфихонга бағишланган бир қасидаси хали унинг 1367 йилда тирик эканлигидан далолат беради.

Убайд Зоконий «Куллиёти»ни босмага ҳозирлаган Эрон олими Аббос Иқбол шоирнинг охириги йиллари ҳақида бир неча фактлар келтиради: Убайд 1366 йилнинг 28 сентябрида Алишоҳ Хоразмийнинг «Ашжор ва асмор» номли тиббий китобини кўчириб ёзган ва охирида ўз қўли билан кўчириш тарихини ёзиб қўйган. Бу китоб Убайднинг Асҳақ исмли ўғлига мерос қолган. Асҳақ бу китобнинг унга отадан мерос бўлиб текканини ёзиб, остида 772 хижрий (1370—1371) санасини келтиради.

Шунинг учун Убайд Зоконий вафоти тарихи учун 1370 йил қабул қилинган. Демак, у дярли юз йил умр кўрган.

Зоконий адабий мероси сон жиҳатдан унча кўп бўлмаса-да, у мазмунан жуда салмоқли ва адабиётимиз тарихида ўта муҳим ўрин тутаети. Улар асрлар давомида кўчирилиб, ўқилиб келган, аммо фақат 1956 йилдагина Аббос Иқбол томонидан тўлиқ бир тўплам «Куллиёт» холига келтирилиб, Техронда нашр эттирилган. Унда «Ахлоқ ул-ашроф» («Зодагонлар ахлоқи»), «Сад панд» («Юз насиҳат»), «Даҳ фасл» («Ўн фасл»), «Дилкушо» («Кўнгил очар»), «Ришнома» («Соқолнома»), «Ушшоқнома» («Болалар ҳақида дoston»), «Мушу гўрба» («Мушук ва сичқон қиссаси»), «Фолномайн убуруж» («Юлдуз буржлари фолномаси») каби асарлари бор. Унинг «Наводир ул-амсол» («Нодир масалалар»), «Фолномайн вухуш ва туюр» («Дарранда ва паррандалар фолномаси») асарлари ҳозирча топилмаган.

Унинг кўп насрий китоблари ўша вақт пандномаларига, луғатларига ёки бошқа хил илмий-диний рисолаларига тақлид (пародия) сифатида ёзилган ҳажвий асарлар-

<sup>1</sup> Ўша асар, 154-бет.

дир. Уларнинг таъриф-тавсифини қилиб ўтирмайман, китобхонлар бу намуналарни тўпلامда назардан ўтказиб баҳолашлар.

Шуни айтиш лозимки, Убайд Зоконий асарлари совет даврида тожик ва рус тилларида бир неча бор босилишига қарамай, ўзбек китобхонлари ўз она тилларида бу ширинсухан шоир, моҳир ҳажвчи асарларидан кичик бир намуна билан энди танишадилар. Аммо уларга фақат эрмак, ҳазил-мазах деб қарамасликлари лозим, зеро шоирнинг ўзи бундан огоҳлантириб:

Бу мазоҳат на гуфтам ин гуфтор,  
Ҳазл бигзору жид аз у бардор.

(Яъни: бу гапларни фақат мазах учун айтмадим,  
Ҳазилини қўю жиддийсини ол) деган эди.

Тўпلامга кирган бошқа асарлар ҳам шундай муносабатда бўлишини тақозо этади. Зеро, «Ҳазил таги зил» эканлигини унутмаслик лозим.

Биз эса энди бошқа асарлар муаллифлари ҳақида қиска-қиска маълумот бериш билангина чекланамиз.

Асарлари тўпلامга кирган ёзувчиларнинг энг қадимийси Муҳаммад Авфийдир. У 1172—1176 йиллар орасида Бухорода туғилиб, шунда таҳсил кўриб, ўсиб улгайган. Унинг асли исми Садидулдин Муҳаммад бўлса-да, жуда кўп манбаларда Нуриддин Муҳаммад деб юригадилар. Тадқиқотчилар Авфий ҳаётини уч қисмга бўлиб талқин этадилар: биринчи давр 1172—1201 йилларни ўз ичига олиб, гўдақлик ва аввалги таҳсил йиллари ҳисобланади; иккинчи давр (1201—1220) унинг Самарқандга сафари-дан бошланиб барча мусофирлик йилларини ўз ичига олади. Учинчи давр эса Авфий ўз асарларини ижод этган йиллардир (1202—1233).

Ёшлигини Бухорода ўтказган Садидулдин Муҳаммад Авфий балоғатга етгач, илмини ошириш ва адибу шуаро, олимۇ фузало билан учрашмоқ мақсадида Яқин ва Ўрта Шарқ бўйлаб сафар ихтиёр қилади.

1201 йилда Самарқанддан бошланган бу сафарда шоир Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг бир қатор шаҳарларида бўлади. Булар орасида Хоразм, Марв, Нишопур, Хирот, Ғазна, Лоҳур, Канбоят, Наҳрволо, Деҳли каби шаҳарлар бор эди.

Бу сафарда замоннинг кўпгина хунарманду донишмандлари билан мулоқотда бўлади. Кўпларидан илм ўрганади ва ўз даврининг билимдон кишиларидан бири бўлиб етишади.

Ниҳоят, қатта сафардан ўз она юртига қайтган шоир бунда бошланган мўғул истилосидан қочиб, яна Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлади ва ҳаётининг охиригача унда яшаб, ижод этади, тахминан 1233—1242 йиллар орасида у оламдан ўтади.

Муҳаммад Авфийдан авлодлар учун жуда муҳим асарлар сақланиб қолган. Булар орасида энг қимматлиси унинг «Лубоб ул-албоб» («Мағизларнинг мағзи», 1222) тазкираси бўлиб, унда олим форсий тилда шеърят пайдо бўлгандан бошлаб, ўз давригача бўлган шеърый асарлардан намуналар келтиради ва шоирлар ҳақида маълумотлар беради. Бу тазкира форсий шеърят ҳақида бизгача етиб келган тазкираларнинг энг қадимгиси бўлиб, ҳозирги кунгача биринчи манба сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унда номлари келтирилган кўпчилик шоирларнинг асарлари мўғул талон-торожи натижасида йўқолиб кетган бўлиб, «Лубоб ул-албоб» улар ҳақидаги бирдан-бир манбадир.

Авфий 1223 йилда араб ёзувчиси Абу Али ал-Мухассин Аттанухийнинг «Ал-фараж баъд аш-шидда», («Қийинчиликдан кейинги шодлик») асарини арабчадан форсийга таржима қилади. Сўнгра ўзида ҳам шунга ўхшаш асар ёзиш шавқи кўзгалган бўлса керакки, 1233 йилда шундай асарни тугаллайди ҳамда унга «Жавомеъ ул-хикоеъ ва лавомеъ ур-ривоёт» («Ҳикоятлар тўплами ва ривоятлар зиёси») деб ном беради.

Китоб 2000 дан ортик ҳикоят ва ривоятни ўз ичига олган бўлиб, унда «Алфараж баъд аш-шидда» китобидан олинганлари ҳам талайгина бор. Китоб тўрт қисмдан иборат, унинг ҳар қисми ўз навбатида 25 бобга бўлинади.

Асарнинг биринчи қисмида авлиё ва анбиёлар қаромату мўъжизалари, халифалар тарихига оид, Ажам тарихига оид, ҳокиму арбоблар қиёфасига оид, адолат фазилати ва шунга ўхшаш мавзулардаги ҳикоятлар жам этилган.

Иккинчи бўлимда эса ҳаё ва тавозе, юмшоклик, одоб, саховат, лутфу карам, сабру тоқат, шижоат, меҳру вафо каби инсоний хислатлар ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар жамланган бўлса, учинчи бўлимда бунинг акси бўлган хирсу ҳасад, тама ва ёлғончилик, бахиллигу зикналик, золимлик, хиёнаткорлик ва ҳоказолар қаттиқ ҳажв қилинади. Аёллар зийраклиги, ақлу заковати, уларнинг хушахлоклиги ва бадахлоки ҳақидаги ҳикоятлар ҳам шу бўлимдан жой олган.

Асарнинг тўртинчи бўлимини турли мамлакат ҳайвонотлари ҳақидаги хилма-хил ҳикоятлар ташкил қилади.

Авфий ўз асарида юздан ортиқ бошқа китоблардан истифода этган. Булар орасида Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия», «Китоб ул-Ҳинд» асарлари, ўз тоғаси Маждуддин Муҳаммад бинни Адном Сурҳақатийнинг «Тарихи Туркистон», тарихчи Абу Жаъфар Муҳаммад бинни Жарир Табарийнинг (838—923) «Тарихи Табарий», салжуклар вазири Низомулмулкнинг (1018—1092) «Сийёсатнома», Унсурул Молий Кайковуснинг «Қобуснома» ва бошқа кўп тарихий ва бадий асарлари мавжуд. Бу манбалар ҳақида муаллифнинг ўзи маълумот бериб боради.

Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт» асари жуда машҳур китоблардан бўлган. Унинг қўлэмалари жаҳоннинг кўпгина кутубхоналарида мавжуд.

Китоб асосан сарой аъёну ақибирларига мўлжаллаб ёзилган ва кўпроқ ҳокимлар, шоҳу вазирлар ҳаётидан ҳикоя қилса-да, аммо унда форс-тожик классик адабиёти илк давридаёқ халқдан кириб, ривожлана бошлаган гуманистик ғоялар, халқчил ахлоқий нормалар мавжуд ва шунинг учун ўз даври учунгина прогрессив бўлиб қолмай, то ҳозирги кунгача ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганлари ҳам анчагина бор.

Бу китобнинг тарихий-адабий аҳамияти шундан иборатки, аввало, баъзи тарихий шахслар, воқеалар, олим ва шоирлар ҳақида манбалар йўқолиб кетган ва фақат шул китобгина бир озгина бўлса-да, маълумотни бизгача сақлаб қолган, иккинчидан, Авфийнинг содда, бетакаллүф тил билан ёзилган бу асарини XII—XIII аср прозасининг ёрқин ҳайкали деса бўлади.

Қўлингиздаги китобга киритилган ҳикоятлар орасида Али Сафий ҳикоятлари ўзининг латиф фикр ва зариф мазмуни билан кишига хузуур бахш этади.

Зеро Али Сафий ўз ҳикоятларининг кўпини энг зийрак ва энг истеъдодли ижодкор — халқнинг ўзидан олади ва форсий тилда яратилган классик шеърятнинг беш асрлик анъанасига таянган ҳолда уларга сайқал беради.

Мавлоно Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» («Турли тоифалар латифалари») асари форс-тожик адабиёти тарихида беназир ҳисобланади. Муаллиф бунда турли табақа кишилари орасидаги латифаларни йиғиб, уларга ажиб шоирона завқ билан жило беради.

Али Сафий катта адабий муҳит тарбиясини олган адиб. Унинг отаси Ҳусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомийнинг жияни, ўз даврининг забардаст шоир ва адабиётчиларидан бўлган. У ўз фарзандига яхши маълумот беришга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, Али Сафий ўз замонасининг етук адиби, барча илмлардан хабардор, баркамол кишиларидан бўлиб етишади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Али Сафийни ўзининг кичик замондошлари каторига қўйиб дейди: «Мавлоно Сафий — Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўғлидир. Бағоят дарвешваш ва фонийсифат ва дардманд шева йиғитдир... таъби, хуб...»<sup>1</sup>.

У халқ орасидаги ва китоблардаги нозик фикр ва зариф ҳиссиёт тўлиқ асарларга алоҳида меҳр билан қараб, уларни жамлаб бошлайди ва охири 1532—1533 йилларда китоб ҳолига келтиради.

Али Сафий 1533 йил Ҳиротда оламдан қўз юмади ва шунда дафн этилади. У «Латоиф ут-тавоиф»дан ташқари «Рашахоти айналҳаёт» («Ҳаёт томчилари»), «Ашшул орифин фил-мавоиз» («Панду насиҳатда орифлар дўсти»), «Маҳмуд ва Аёз», «Кашф ул-асрор» («Сирлар кашфи») номли асарлар қолдирган.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 12-том, «Мажолис ун-нафоис», Тошкент, 1966, 132-бет.

Ва ниҳоят, бу тўпلامдан жой олган ёзувчилардан бири Сурия адабиётининг классик шоири, адаби ва қомусий билим эгаси бўлган Абул Фароҳ халқ орасидаги доно ҳикмат, латиф ҳикоятларни йиғди ва дилчасп тўпلام тузиб, унга «Марокли ривоятлар» деб ном қўйди. Унинг ҳаёти ҳам мўғул босқини даврига тўғри келади.

Абул Фароҳнинг тўлик исми Григорий Иоан Бар Эбрей бўлган, у Кичик Осиёнинг Молатья шаҳрида 1226 йилда дунёга келган.

Отаси раҳбарлигида яхши ўқиб, ўз замонасининг барча фанларидан яхши хабардор олим бўлиб етишади. Яқин Шарқ ва Закавказье бўйлаб кўп саёҳатда бўлади. Ўзи Сурия христианларидан бўлишига қарамай, турли элат, турли халқ ва турли дин вакилларига бир хил муносабатда бўлиш ўша вақт учун типик бўлмаган ҳодиса — бизнингча, интернационализмни Абул Фароҳ ижодининг энг прогрессив томонларидан ҳисобласа бўлади.

У фалсафа, астрономия, медицина, филология, тарихга оид ўттиздан ортик асарлари муаллифи.

У Абу Али ибн Сино фалсафасига садоқат кўрсатди ва унинг рационалистик қарашларини ривожлантирди.

Унинг бадиий ижоди ҳам кенг ва ранго-ранг. Булар орасида бир неча ахлокий достонлар, марсиялар, тўртликлар ва бошқа шеърлар бор.

У ўз она тилидан ташқари араб, форс, юнон, яҳудий, туркий тилларни билган. Шунинг учун ҳам унинг «Марокли ривоятлар» китобини араблар эканмиз, ундаги латифа ва ҳикоятлар юнонлар, форсий халқлар, хиндлар, яҳудийлар, араблар ва бошқа халқлардан тўпланганлигини кўраммиз. Булар орасида мусулмонлар, христиан, будда ва бошқа дин вакиллари бор.

У ўз халқи ижоди намуналарини чарчамай тўплади ва кўп йиллар давомида бу асарини қаторма-қатор йиғиб борди.

Абул Фароҳ 1286 йилда Жанубий Озарбайжоннинг Мароға шаҳрида вафот этди. Қўлингиздаги китобга тўпланган ҳикоятлар ва ривоятлар фавқуллода хилма-хил, маънан бир-бирдан узок, шаклан анвойи, бунда энгил қулги аччиқ ҳажв билан, латиф шакл зукко фикр билан алмашиб туради. Аммо уларнинг ҳаммасига хос хусусият шундан иборатки, улар ота-боболаримиз тарихини, улар характерини, уларнинг бошига тушган оғир қунларни, уларнинг орзу-умидлари, дўсту душманлари, урф-одатлари, майлу ихтиёрлари, маданий алоқалари, ижтимоий табақалари, фалсафий фикрлари ҳақида яққол тасаввур беради. Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари юрак сир-фирқалари ҳақида яққол тасаввур беради. Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари юрак сир-фирқалари ҳақида яққол тасаввур беради. Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари юрак сир-фирқалари ҳақида яққол тасаввур беради. Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари юрак сир-фирқалари ҳақида яққол тасаввур беради.

Баъзиси яхшилик вафси билан бўлса, баъзиси ёмонликни инкор этиш йўли билан, баъзиси эса одамзодга хос камчиликлар устидан мулоҳим қулги билан бўлса-да, аммо барчаси инсонда ростликни барқарор қилади, қийин ва мураккаб ҳаёт сабоғини беради.

Бу ҳикоятларнинг абадий навқиронлик сабаби кўпчилигининг халқ оғзаки ижоди заминидан чечак отганлигидандир.

Бу латифа ва ҳикоятларнинг баъзилари ўзбек фольклоридан ҳам учрайди, бунинг сабабини ҳам худди ўша поёнсиз ганжина — халқ ижоди хазинасидан изламоқ даркор.

### Ш. ШОМУҲАМЕДОВ

*филология фанлари доктори, профессор*

## УБАЙД ЗОКОНИЙ

### ДИЛКУШО ҲИКОЯТЛАРДАН

\* \* \*

Бир киши худолик даъво қилган экан, уни халифа хузурига олиб боришибди. Халифа унга:

— Бултур биров келиб, мен пайғамбар бўламан деганида, уни ўлдиришган эди,— дебди.

— Жуда яхши қилишибди,— дебди ҳалиги одам,— уни мен юбормаган эдим.

\* \* \*

Бир киши мавлоно Азудиддиндан:

— Халифалар замонида одамлар орасида худолик ва пайғамбарлик даъвосини қилувчилар кўп бўлар эди. Нима учун энди ундайлар топилмайди? — деб сўрабди.

— Ҳозирги кишилар,— деб жавоб берибди у,— зулм ва очликдан шундай аҳволга тушиб қолдиларким, на худо эсларига келади ва на пайғамбар.

\* \* \*

Бир содда киши одамларнинг қўйини ўғирлаб, гўштини худойи қиларкан.

— Нега бундай қиласан? — деб сўрашса, у шундай жавоб берибди

— Эй биродарлар, худойининг савоби қўй ўғирлаганимнинг гуноҳини қоплайди, ўртада ёғ билан чарви ёнга қолади, наҳотки шунга тушунмасаларинг!

\* \* \*

Бир содда киши машиначига шогирд тушибди. Бир куни уста бир косада асал келтириб дўконга қўйибдию ўзи бир иш билан чиқиб кета туриб, шогирдига:

— Бу косадаги нарсa захар, тагин еб қўймагин, ўлиб қолсан-а,— дебди.

— Йўқ-э, еб нима қиламан уни,— дебди шогирд.

Уста кетгандан кейин шогирд дўкондаги лахтакларни сотиб, нон олибдию ўша нон билан асални бир тўйганим — чала бой бўлганим, деб паққос туширибди.

Уста қайтиб келиб, лахтакларни сўраса, шогирд шундай дебди:  
— Жон уста, мени урманг, ростини айтаман. Сиз кетгач, ўғри мени ғафлатда қолдириб, лахтакларни ўғирлаб кетибди. Келсангиз албатта мени урарсиз деб қўркиб, бор, ўлсам ўла қолай дедим-да, ўша косадаги заҳарнинг ҳаммасини еб қўйдим. Лекин ҳануз ўлганим йўқ. Энди нима қилсангиз ўзингиз биласиз.

\* \* \*

Туфайлидан сўрашибди:

— Иштаҳанг борми?

— Мен бечоранинг дунёда бундан бошқа нима бор?! — деб жавоб берибди у.

\* \* \*

Бир содда одамнинг ўғли қудуққа тушиб кетибди. Шунда у қудуққа энгашиб:

— Болагинам, ҳеч қаёққа кетиб қолма, ҳозир арқон топиб келиб, сени тортиб оламан,— деб қичқирибди.

\* \* \*

Бир киши дўстига:

— Кўзим оғрияпти, нима қилсам экан? — деса, дўсти:

— Бултур тишим оғриган эди, суғуриб қутулгандим,— дебди.

\* \* \*

Султон Маҳмуд оч қолган экан, унга бақлажон қовуриб беришибди. Бу овқат Султон Маҳмудга маъқул тушибди ва у, «бақлажон ҳам чакки таом эмас экан», деб қўйибди. Бу сўзни эшитиб қолган надими дарҳол бақлажонни мақтаб кетибди. Султон Маҳмуд қорни тўйгандан кейин: «Ва-а, шуюм овқат бўлдим, турган-битгани кони зиён», дебди. Надим ўша заҳоти бақлажоннинг зарари ҳақида бир дунё гаплар айтибди.

Султон Маҳмуд ҳайрон бўлибди:

— Ҳой, инсон, ҳозиргина уни мақтаб тургандинг-ку? — дебди. Шунда надим:

— Эй шаҳриёр, мен бақлажоннинг надими эмас, сизнинг надимингизман, шунинг учун сизга хуш ёқадиган нарсани гапиришим керак,— дебди.





\* \* \*

Рамазоннинг ўн бешида бир кишини «рўзангни единг», деб ушлашибди.

Ҳалиги одам:

— Рамазоннинг неча куни ўтди? — деб сўрабди.

— Ўн беш куни, — деб жавоб беришибди одамлар.

— Неча кун қолди?

— Ўн беш кун.

— Мен бечора бу ўртада нимани едим экан? — дебди ҳалиги одам.

\* \* \*

Бир араб ҳажга борган экан, тавоф қилаётган вақтида салласини ўғирлатиб қўйибди.

— Эй худо, — дебди араб, — бир марта уйингга келган эдим, салламни олдинг, иккинчи марта мени бу ерда кўрсанг, тишимни қоқиб олар экансан-да!

\* \* \*

Бир содда одам ҳар кеча болтасини омборхонага яшириб, эшигини кулфлаб қўяр экан.

Хотини ундан сўрабди:

— Нега доим болтани омборхонага элтиб қўясиз?

— Мушук олиб кетмасин деб беркитиб қўяман-да, — дебди эри.

— Мушук болтани нима қилади?

— Э нодон, бир чақага арзимайдиган ўпкани олиб кетадию ўн динорлик болтани олиб кетмайдими?! — дебди содда киши.

\* \* \*

Бир хуросонлик карвонда эшагини йўқотиб қўйибди ва бошқа бир эшакни меники деб миниб олибди. Карвон аҳли ундан:

— Эшагинг эркакмиди, урғочимиди? — деб сўрашибди.

— Эркак эди, — деб жавоб берибди у.

— Ахир бу эшак урғочи-ку, — дейишибди одамлар.

— Ростини айтсам, менинг эшагим унчалик эркак ҳам эмас эди, — дебди хуросонлик.

\* \* \*

Қазвинликнинг тиши оғриётган экан, жарроҳнинг олдига борибди.

— Икки танга берсанг, тишингни суғуриб ташлайман, — дебди жарроҳ.

Кавзинлик бир танга бераман деб савдолашибди, бўлмабди. Ахири икки танга беришга рози бўлибди ва оғзини очиб, оғримайдиган тишини кўрсатибди. Жарроҳ уни суғуриб ташлабди.

— Эҳ, униси эмас, оғриқ тишим бу ерда қолиб, соғини суғурдинг,— деб оғриётган тишини кўрсатибди қазвинлик.

Жарроҳ уни ҳам суғуриб ташлабди.

Шунда қазвинлик жарроҳга:

— Сен мени аҳмоқ қилиб, икки тангамни олмоқчи эдинг, аммо мен сендан усталик қилдим: бошингни айлантириб, икки тангага икки тишимни суғуртириб олдим,— дебди.

\* \* \*

Кишлоқнинг хатиби билан оқсоқолнинг оралари бузуқ экан. Оқсоқол қазо қилибди. Уни дафн этишгандан кейин одамлар хатибга:

— Қани, айтинг-чи, оқсоқол қанақа одам эди? — деб мурожаат этишса, хатиб:

— Худо ҳаққи, бошқа биров гапира қолсин, у киши менинг сўзимга ғараз билан қарайдилар,— дебди.

\* \* \*

Талҳакдан<sup>1</sup> биров:

— Ришват нима? — деб сўрабди.

— Буни қозилардан сўраш керак,— деб жавоб берибди Талҳак.

\* \* \*

Бир ваъзхон минбарга чиқиб шундай дебди:

— Оламдан маст ўтган банда қиёмат куни ҳам гўрдан маст ҳолатда бош кўтаради.

Мажлис аҳлидан бир хуросонлик бу сўзларни эшитиб:

— Бай-бай-бай, кайфи қиёматгача етадиган бундай шаробнинг бир шишаси юз динорга арзийди-я! — деб қўйибди.

\* \* \*

Қазвинлик бир киши табибнинг олдига бориб, арз қилибди:

— Соколимнинг туки оғрийди, бир иложини топсанг.

— Нима еган эдинг? — деб сўрабди табиб.

— Нон билан муз еган эдим.

— Бор, дарди бедавога йўлиқибсан,— дебди табиб,— на дардинг одамнинг дардига ўхшайди, на емишинг.

<sup>1</sup> Талҳак — Эронда Афандига ўхшаш фольклор қахрамони.

\* \* \*

Бир дехқоннинг сигири, урғочи эшаги ва хўтиги бор экан. Эшак ўлиб қолибди. Дехқон хўтигини сигирнинг сути билан боқишга мажбур бўлибди. Ортган сут рўзғорга етмагандан кейин дехқоннинг таъби хира бўлиб, худога ёлворибди: «Эй худо, хўтикнинг жонини олиб кўя қол, бола-чақамнинг ризқига шерик бўлиб, уларни сугдан махрум қиляпти»,— дебди.

Эртасига оғилхонага кирса, сигири ўлиб ётганмиш. Дехқоннинг фиғони фалакка чиқиб:

— Эй худо, мен сенга хўтикнинг жонини олгин, деб илтижо қилган эдим, сен бўлсанг сигирни эшакдан фарқ қилолмабсан! — деб нола қилибди.

\* \* \*

Миршаблар кечаси бир мастни ушлаб олишибди.

— Тур ўрнингдан, сени зиндонга олиб борамиз! — деб унга дагдага қилибдилар.

— Ўрнимдан тура олсам, уйимга кетмасмидим? — дебди маст.

\* \* \*

Бир киши пайғамбарлик даъво қилган экан, уни гуноҳқор сифатида халифа ҳузурига олиб борибдилар. Халифа ундан:

— Пайғамбар бўлсанг, қандай мўъжиза кўрсата оласан? — деб сўрабди.

— Мўъжизам шуки,— дебди халиги одам,— кўнгилларингиздан нимаики ўтса, менга аён бўлади. Масалан, ҳозир ҳаммаларинг ҳам: «Бу одам ёлғон гапиряпти», деб ўйлаяписизлар.

\* \* \*

Бир хатибдан:

— Мусулмончилик нима? — деб сўрашибди.

— Мен бир хатибман, мусулмончилик билан нима ишим бор,— деб жавоб берибди у.

\* \* \*

Бир куни Султон Маҳмуд ҳаммага тўн кийгизибди. Навбат Талҳакка келганда:

— Бунга тўким олиб келиб беринглар,— дебди. Унга тўким келтириб беришибди.

Эртасига ҳамма янги тўнини кийиб саройга борибди. Талҳак ҳам ўша тўкимни кийиб, Султон Маҳмуд ҳузурига келибди.

— Эй улуғлар,— дебди Талҳак,— Султоннинг менга кўрсатган лутфу марҳаматлари бекиёс. Сизларга хазинадан тўн олиб кийгизган бўлсалар, менга ўзлари киядиган тўнни инъом қилдилар.

\* \* \*

Ҳорун ар-Рашид Баҳлулдан, энг яқин дўстинг ким, деб сўрабди.  
— Қорнимни тўйдирган киши,— деб жавоб берибди Баҳлул.  
— Қорнингни тўйғизсам, мени ҳам дўст деб биласанми? — сўрабди Ҳорун.  
— Дўстлик ҳам насия бўладими? — дебди Баҳлул Ҳорунга.

\* \* \*

Бир ваъзхон минбарга чиқиб:  
— Кимки Одам Ато билан Момо Ҳавонинг номини ёзиб, уйига осиб қўйса, ўша уйга зинҳор шайтон йўламайди,— дебди.  
Мажлисда Талҳак ҳам ҳозир экан, у бу гапларни эшитиб, ўрнидан турибди ва шундай дебди:  
— Тақсир, шайтон биҳиштга, худонинг олдига бориб Одам билан Ҳавони йўлдан урган эдию энди бизнинг уйда осилиб турган уларнинг расмидан тап тортармиди?!

\* \* \*

Бир киши иккинчисидан:  
— Қайла «қ» билан ёзиладими, «ғ» биланми? — деб сўраган экан.  
Шериги:  
— Э, афанди, қайла «қ» билан ҳам эмас, «ғ» билан ҳам. Қайла гўшт билан,— дебди.

\* \* \*

Халифа Маҳдий овга чикқан экан, лашкаридан ажралиб қолиб, бир кўчманчи арабнинг уйида тунашга мажбур бўлибди. Араб унинг олдига овқат ва бир кўзада шароб келтириб қўйибди. Маҳдий биринчи пиёлани бўшатиб: «Мен Маҳдийнинг мулозимларидан бўламан», дебди. Иккинчи пиёлани ичиб бўлганидан кейин: «Мен Маҳдийнинг амирларидан бўламан», дебди. Учинчи косани ичиб бўлганидан кейин эса: «Мен Маҳдийнинг ўзи бўламан», дебди.  
Шунда араб дарров кўзани унинг олдидан тортиб олибди-да, шундай дебди:  
— Биринчи косани ичиб, хизматкорлик даъво қилдинг, иккинчи косани ичиб, амирлик даъво қилдинг, учинчи косани ичиб, халифалик даъво қилдинг, яна бир коса ичсанг, худолик даъво қилар экансан-да.

Эртасига Махдийнинг лашкари етиб келганда араб кўркиб, кочиб кетибди. Махдий уни топтириб келиб, бирмунча олтин мукофот берибди.

\* \* \*

Талҳак муҳим бир иш билан Хоразмшоҳ ҳузурига келган экан, анча вақт ўша ерда қолиб кетибди. Хоразмшоҳ унинг ишини тезроқ битириб бериб юбора қолмабди.

Бир куни шоҳ ҳузурида қушлар ва уларнинг хосияти ҳақида суҳбат қурибдилар. Шунда Талҳак:

— Лайлақдан зийракроқ қуш бўлмайди,— дебди.

— Нега энди? — сўрашибди одамлар.

— Чунки у ҳеч қачон Хоразмга келмайди-да,— жавоб берибди Талҳак.

\* \* \*

Мавлоно Азудиддиннинг Аловуддин деган бир ноиби бор экан. Бир сафарда уни ҳам ўзи билан олиб кетибди. Ноиб йўлда тўхтаб шароб ичибди. Мавлоно бир неча бор орқасига қайрилиб қарабди. Ноиб кўринмабди. Анчадан кейин маст ҳолатда мавлонога етиб олибди. Мавлоно унинг кайфиятини кўриб:

— Аловуддин, сен сафарда биз билан бирга бўларсан, деб умид қилган эдик, аммо кўринишингдан сен ҳатто ўзинг билан ҳам бирга эмассан-ку! — дебди.

\* \* \*

Султон Маҳмуд бир куни хуноб бўлиб ўтирган экан, Талҳак уни жаҳлидан тушириш ниятида:

— Султоним, отангнинг оти нима эди? — дебди тегишиб.

Султонга бу савол малол келиб, юзини четга бурибди. Талҳак унинг қаршисига ўтиб, яна шу саволни қайтарибди.

Султон Маҳмуд дарғазаб бўлиб:

— Сақалту ит, бу билан сенинг нима ишинг бор?! — деб бақириб берибди.

— Бўлди-бўлди,— дебди Талҳак,— отангнинг отини билдим, энди бобонгнинг отини айтсанг бас!

\* \* \*

Икки бой билан бир камбағал ҳажга боришибди. Бойлардан бири Каъбанинг ҳалқасини ушлаши биланок: «Худоё худовандо, мени эсон-омон шу муқаддас ерга етказганинг шукронасига канизақларим Булбон билан Бинафшани озод қилдим», дебди. Иккинчи бой ҳам ҳалқани ушлаб: «Шу муқаддас ерга етиб келганим шукро-

насига ғуломларим Муборак билан Суқанқурни озод қилдим», дебди.

Камбағал ҳалқани ушлаб:

— Эй эгам, ўзинга аёнки, менинг на канизагим ва на ғуломим бор. Бор-йўғим қизчам Фотиманинг онаси холос. Майли, мен ҳам шу муқаддас жойга етиб келганим шукронасига қизимнинг онаси — хотинимни уч талоқ қилиб, никоҳимдан озод қилдим,— дебди.

\* \* \*

Бадбуруш бир хўжанинг ўзидан ҳам хунуқроқ бир ноиби бор экан. Бир куни хизматкор унинг қўлига ойна тутқазибди. Ноиб ойнага қараб:

— Ё тавба, худо бизни яратганда хўпам ҳафсаласизлик қилган экан-да,— деб қўйибди.

— Хой каллаварам,— дебди хўжа,— нега бизни дейсан, мени десанг бўлмайдимми?

Ноиб ойнани унга узатиб:

— Хўжам, ишонмасангиз, мана, ойнага бир қаранг,— дебди.

\* \* \*

Бир киши меҳмонни пастдаги хонага ётқизган экан, ярим кечада болохонадан унинг кулгиси эшитилиб қолибди.

— У ерда нима қиляпсан? — сўрабди уй эгаси.

— Тушимда йиқилиб кетибман,— жавоб берибди меҳмон.

— Одамлар тепадан пастга йиқилиб тушса, сен пастдан тепага йиқиласанми?

— Мен ҳам шунга куляпман-да,— дебди меҳмон.

\* \* \*

Хуросонда Халаф деган бир ҳоким бор экан. Унга фалон қишлоқда бир киши бор, айнан сизга ўхшайди, дейишибди. Ҳоким дарров ўша одамни топтириб келибди ва ундан:

— Онанг чайқовчилик қилиб, улуғларнинг эшигига бориб юрмасмиди? — деб сўрабди.

— Мутлақо, тақсир,— дебди ҳалиги одам,— онам умрида остона хатлаб кўчага чиқмаган эди. Аммо отам улуғларнинг хизматини қилиб, эшигида ўтин ёриб, сув ташиб юарди.

\* \* \*

Бир касалга табиб етти йиллик сирка ичишни тавсия этибди. Бемор дўстидан сирка сўраб кўрган экан, у:

— Менда бор-ку, аммо бермайман,— дебди.

— Нега?

— Хар бир сўраган кишига бераверганимда етти йил турар-миди? — дебди унга дўсти.

\* \* \*

Бир арабни халифа ҳузурига олиб боришган экан, қараса, халифа тахтда, бошқалар пастда ўтиришибди.

— Ассалому алайкум, ё оллоҳ! — дебди араб.

— Мен оллоҳ эмасман! — дебди халифа.

— Ё Жаброил! — дебди араб.

— Мен Жаброил ҳам эмасман! — дебди халифа.

— Оллоҳ бўлмасанг, Жаброил бўлмасанг, нега бўлмаса юқорида ўзинг ёлғиз ўтирибсан! Одам бўлсанг, сен ҳам пастга тушиб, одам катори ўтиргин-да!

\* \* \*

Бир қизикчининг отаси учта қовурилган балиқ олиб келибди. Қизикчининг ўзи уйда йўқ экан, онаси келинлар, у келгунча буларни еб қўя қолайлик, дебди. Дастурхон ёзишибди. Бир маҳал қизикчи келиб эшикни қоқибди. Онаси дарров иккита катта балиқни хонтахта остига беркитиб, кичкинасини дастурхонга қўйибди. Қизикчи бу воқеани эшикнинг тирқишидан кузатиб турган экан. Ҳамма дастурхон атрофига ўтиргандан кейин, отаси:

— Юнус пайғамбарнинг ҳикоясини эшитганмисан? — деб қизикчидан сўрабди.

— Мана бу балиқдан сўраймиз-да, — дебди қизикчи ва балиқни олиб оғзига қулоғини тутибди. — Бу балиқ у вақтда мен кичик эдим, бу нарсани хонтахта тагида турган иккита катта балиқдан сўра, ўшалар билишади, деяпти, — дебди.

\* \* \*

Бир турк хар гал ҳаммомга кирганда: «Уним йўқолибди, буним йўқолибди», деб ҳаммомчининг ёқасидан тутаркан. Бориб-бориб, отнинг қашқасидай ҳаммага маълум бўлиб қолибди ва уни ҳеч қайси ҳаммомга киритмайдиган бўлибдилар. Бир куни: «Агар бир нима деб даъво қилсам, одам эмасман», деб уч тўрт кишини гувоҳ қилиб, ҳаммомга кирибди. Ҳаммомчи дарров туркнинг кийим-бошини ўраб, ўз уйига юборибди. Турк ҳаммомдан чиқиб «финг» деёлмабди ва қипяланғоч баданига қайишни боғлаб, қиличини осиб олибди-да, одамларга қараб:

— Ҳой одамлар, мен-ку даъво қилолмайман ва даъво қилишга ҳаққим ҳам йўқ, аммо сизлар бу ҳаммомчидан сўранглар-чи, наҳотки мен шўрлик шу алфозда ҳаммомга келган бўлсам? — дебди.



\* \* \*

Домғонлик мавлоно Шарафиддин мачит олдидан ўтиб кетаётганида, мачит қоровули бир итни боғлаб қўйиб калтаклаётган экан. Бечора итнинг вангиллашини эшитиб, мавлоно мачит эшигини очган экан, ит ечилиб қочиб кетибди. Қоровул мавлонони қойибди. Шунда мавлоно:

— Эй биродар, қўявер. Итнинг ақли йўқ-да, ақлсизликдан мачитга келиб қолган. Мана, худога шукур, бизнинг эс-хушимиз жойида, шунинг учун ҳеч қачон мачитга келмаймиз,— дебди.

\* \* \*

Бир дарвиш бировнинг эшигига бориб нон сўраган экан, бир қизча чиқиб:

— Нон йўқ,— дебди.

— Ўтинми ёки бошқа бирор ёкишга арзигулик нарса топиладими?

— Йўқ.

— Озгинагина туз-чи?

— Йўқ.

— Бир қўзача сув олиб чиқ, бўлмаса.

— Сув ҳам йўқ.

— Онанг қаерда?

— Қариндошимизникига таъзия билдиргани кетган.

— Аҳволларинг шу бўлса, қариндошларинг сизларникига таъзия билдиргани келса арзирди,— дебди дарвиш.

\* \* \*

Исфаҳонлик бир деҳқон Хўжа Баҳовуддин эшигига бориб шундай дебди:

— Хўжа Баҳовуддинга айт, эшикда худо кутиб турибди, сенда иши бор экан, дегин.

Эшик оға ичкарига кириб, бу хабарни хожага айтибди. Хожа ҳалиги одамни қакирибди. Деҳқон ичкари кириши биланок хожа:

— Сен худомисан? — деб сўрабди.

— Балле, худоман.

— Қанақа худо?

— Илгари мен деҳхудо, боғхудо, хонахудо<sup>1</sup> эдим, сенинг ўлпончиларинг қишлоғимни, боғимни, ҳовлимни тортиб олди, энди фақат худоси колди холос.

<sup>1</sup> Худо — форсчада эғалик маъносини англатади; деҳхудо, боғхудо, хонахудо — қишлоқ эғаси, боғ эғаси, хона эғаси.

\* \* \*

Бир киши боғда айланиб юрган экан, қараса, ўғри бир талай пиёзни қоплаб қўйганмиш.

— Бу боғда нима қилиб юрибсан? — дебди боғ соҳиби ўғридан.

— Кўчадан ўтиб кетаётган эдим, қаттиқ шамол туриб, мени кўтариб шу ерга ташлади,— дебди.

— Пиёзларни нега суғурдинг?

— Шамол яна учириб кетмасин деб пиёзнинг бандидан ушлаган эдим, таги юмшоқ экан, илдизи билан чиқиб кетди.

— Бу гапингга кўндим. Бўлмаса, айт-чи, пиёзни қопга ким солди?

— Худо ҳаққи, мен ҳам шуни ўйлаб ҳайрон бўлиб турган эдим, сен келиб қолдинг.

\* \* \*

Бир киши қазвинликнинг уйида намоз ўқимокчи бўлиб:

— Қибла қайси томонда? — деб сўрабди.

— Кўчиб келганимизга бор-йўғи икки йил бўлди, қибла қай томонда эканини қайдан билай,— дебди уй эгаси.

\* \* \*

Бир дарвиш чориғини ечмасдан намоз ўқиётган экан, чорик пайига тушган ўғри:

— Чорик билан ўқилган намоз инобатга ўтмайди,— дебди.

— Намозим инобатга ўтмаса, лоақал чорик ўзимда қолади-ку,— дебди дарвиш.

\* \* \*

Бир содда киши ваъзхонлик мажлисида ўтирган экан, ваъзхон минбарга чиқиб:

— Пулисирот сочдан ингичка, қилич тифидан ўткир бўлади, қиёмат куни ҳамма ўшандан ўтиши керак,— дебди.

Содда ўрнидан туриб:

— Таксир, пулисиротнинг ушлайдиган бирор панжараси ёки бирор туткичи бордир, ахир?— деб сўрабди.

— Йўқ, ҳеч қанақа панжараси ҳам, туткичи ҳам йўқ.

— Одамни масхара қилманг! Унда фақат қушлар учиб ўтиши мумкин экан-да! — дебди содда.

\* \* \*

Бир даъвогар туркман кўзани оҳақка тўлдириб устига озгина думба ёғ қўйибди-ю, пора тарзида қозига олиб борибди. Қози кўзани

олиб, ишини туркман фойдасига ҳал қилибди ва унинг қўлига муҳр қўйиб, имзо чекилган бир қоғоз қилиб берибди. Бир ҳафтадан кейин кўзанинг сири очилибди. Қози туркманни қозихонага чақириб:

— Ўша қоғозни олиб кел, озгина хато кетган экан, тузатиб берай,— дебди.

— Таксир, қоғозда-ку хато йўғ-а, кўзада хато бўлса бордир,— дебди туркман.

\* \* \*

Бир қазвинлик ўқсиз камонни кўтариб, жангга чиқибди.

— Ўқларинг қани? — деб сўрашибди одамлар.

— Душман томондан келиб қолар,— дебди қазвинлик.

— Келмаса нима қиласан? — деб сўрашибди ундан.

— Унда уруш бўлмайди-да,— деб жавоб берибди қазвинлик.

\* \* \*

Бир камбағал кишининг уйига ўғри тушган экан. Бирдан уй эгаси уйғониб қолибди ва ўғрига:

— Эй биродар, сен қоронғида излаётган нарсани биз куппа-кундузи кидириб тополмаймиз-ку,— дебди.

\* \* \*

Бир ҳасиснинг қовурилган товукни уч кундан бери дастурхонга олиб келиб, емасдан олиб бориб қўяётганига разм солиб юрган бир донишманд:

— Бу товугингизнинг умри тириклигидан ҳам узунроқ шекилли,— дебди.

\* \* \*

Талҳак фарзанд кўрибди. Султон Маҳмуд ундан:

— Хотининг нима туғди? — деб сўрабди.

— Камбағалдан нима туғиларди, ё қиз, ё ўғил-да,— дебди.

— Бойлардан нима туғилади?

— Бойлардан бевош, бемаъни, бефаросат туғилади,— дебди Талҳак.

\* \* \*

Бир қазвинликни миршаб қилиб тайинлашибди. У намозгарга яқин бировни ушлаб:

— Мен миршабман, сени зиндонга олиб боришим керак,— дебди.

— Миршаб деган одамларни кундузи ушлайдими? — дебди халиги киши.

— Кечаси сени қаердан топаман? — дебди миршаб.

\* \* \*

Султон Махмуд қаҳратон қишда Талҳакдан сўрабди:

— Мен бу совукда шунча кийим билан дийдираб юрибману сен аврасиз тўн билан қандай чидаяпсан?

— Сен ҳам мен қилган ишни қилсанг маза қилиб юраверасан,— дебди Талҳак.

— Сен нима қилдинг?

— Мен бор тўнимнинг ҳаммасини кийиб олдим.

\* \* \*

Шамсиддин Музаффар бир куни шогирдларига шундай насиҳат қилибди:

— Илм-маърифат деган нарсани ёшликда ўрганиш керак. Ёшликда нимаики қулоғингга кирса, шундай куйилиб қолади. Мана мен эллик йилдирки, фотиҳа сурасини ёд биламан, ваҳоланки, шу эллик йил давомида бирор маротаба ҳам бу сурани ўқиганим йўқ.

\* \* \*

Бир киши қушга қараб ўқ узган экан, ўқи хато кетибди.

Ёнида турган ўртоғи буни кўриб:

— Офарин! — деб юборибди.

— Нима, мени калака қияпсанми? — дебди мерган.

— Йўқ, мен «офарин»ни сенга эмас, қушга айтдим.

\* \* \*

Иккита ашулачи бир куй устида тортишиб қолишибди. Бири, «сен менга қулоқ сол», деса, иккинчиси, «сен менга қулоқ сол», деркан. Уй эгаси буларнинг машмашасидан хуноб бўлиб:

— Эй биродарлар, сизлар менга қулоқ солинглар! — дебди.

\* \* \*

Бир киши Талҳакдан:

— Турнани қандай қилиб қабоб қилса бўлади? — деб сўрабди.

— Сен аввал тутиб келгин, кейин бир гап бўлар,— дебди Талҳак.

\* \* \*

Бир киши дўстидан от сўраб борган экан, дўсти:

— Отим бору, лекин кора-да,— дебди.

- Ия, қора отни миниб бўлмайдими? — дебди дўсти.  
— Бергим келмагандан кейин бирор баҳона кўрсатишим керакми ахир,— дея жавоб қайтарибди от эгаси.

\* \* \*

Бир қашшоқ кўчада ўғли билан кетаётган экан, одамлар тобут кўтариб ўтиб қолишибди. Ўғли отасидан:

- Тобутнинг ичида нима бор? — деб сўрабди.  
— Одам,— дебди отаси.  
— Қаёққа олиб кетишяпти?  
— Шундай бир ерга олиб боришяптики, болам, у ерда на кийишга кийим бор, на ейишга нон, на ичишга сув, на ёкишга ўтин, на тўшайдиган бўйра бор, на ўтирадиган гилам.  
— Бўлмаса, бизнинг уйга олиб боришяётган экан-да!

\* \* \*

Бир киши мавлоно Азудиддиндан:

- Султониянинг музи совуқроқми, Абҳарникими? — деб сўраган экан, мавлоно:  
— Сенинг саволинг ҳар иккаласидан ҳам совуқроқ — дебди.

\* \* \*

Соҳибдевон Аваз Паҳлавонга:

- Ақллироқ бир одам бўлганида фалон юмуш билан фалон жойга юборар эдим,— деса, Аваз:  
— Таксир, эси бор одам бу ерда ўтирармиди,— дебди.

\* \* \*

Соҳибдевон Хўжа Шамсиддин Аваз Паҳлавонни Луристонга юбориб, қайтишда този итлардан бир нечта олиб келишини буюрибди. Аваз Паҳлавон ит олиши кераклиги Табризга етганида эсига тушибди. Бозорга одам юбориб, бир нечта ит олдириб келибди ва уларни соҳибдевонга олиб борибди.

— Мен сенга този ит олиб келгин деган эдим,— дебди соҳибдевон.

- Този ит қанақа бўлади?  
— Този итнинг қулоғи узун, думи ингичка, қорни ичига кириб кетган бўлади.

— Дум билан қулоқ масаласида-ку, бир нима деёлмайман, лекин бу итлар беш кун соҳибдевон эшигида турса, очликдан шу қадар қорни ичига кириб кетадики, узукдан ҳам ўтказишингиз мумкин бўлиб қолади,— дебди Аваз Паҳлавон.

\* \* \*

Мавлоно Рукниддин касал кўргани борган экан.

— Нима бўлди сенга? — деб сўрабди у бемордан.

— Сафром билан иссиғлигим ошиб кетганга ўхшайди,— дебди бемор.

— Сафронг ошиб кетиши мумкин-ку, лекин сенинг иссиғлигинг ошиб кетишига ақлим бовар қилмайди,— дебди мавлоно Рукниддин.

\* \* \*

Бир қаландар томирини табибга ушлатиб:

— Нима касалим бор? — деб сўрабди.

— Сенинг касалинг очлик,— дебди табиб ва унинг олдига бир лаган ҳалим келтириб қўйибди. Қаландар қорни тўйгандан кейин табибга қараб:

— Бизнинг чодирда яна ўн киши шу касал билан оғриб ётибди, тақсир,— дебди.

\* \* \*

Мол-давлатда ўз замонасининг Қоруни бўлмиш каттакон бир бой ажал гирибонидан маҳкам ушлаганда ҳаётдан умид узишга мажбур бўлибди ва болаларини атрофига йиғиб, шундай васият қилибди:

— Эй болажонларим, мол-дунё орттириш, бирим икки бўлиши учун не-не захматлар чекдим, қанчадан-қанча узоқ сафарларда бўлиб, жуда кўп йўл азобларини тортдим. Энди сизлар буни эҳтиёт қилинглар. Биров дадаларингни туш кўрдим, қийма билан ҳалвога ҳаваси келибди деса, зинҳор унинг алдовига учманглар, биринчидан, мен ундай гапни айтмайман, иккинчидан, ўлик ҳеч нарса емайди. Агар менинг ўзим ҳам тушларингга кириб, шу илтимосни қилсам, ҳеч қандай илтифот кўрсатманглар, чунки туш деган нарса палапартиш бўлади. Ундан кейин тирикligимда емаган нарсамни мен ҳеч қачон ўлганимдан кейин ҳавас қилмайман...

\* \* \*

Бир тийин учун ўзини томдан ташлайдиган бир бойга:

— Хасислик ҳам эвида-да, бир тийин учун юз думаламасанг нима қилади? — дейишса, у:

— Нега энди мен бир кун, бир ҳафта, бир ой, бир йил, бир умрга етадиган молимдан кечар эканман? — дебди.

— Бу нима деганинг? — сўрашибди одамлар.

— Агар бу бир тийинни тузга берсам бир кунга етади, ҳаммом-чига берсам бир ҳафтага, кир ювувчига берсам бир ойга, супургига берсам бир йилга етади, миҳ сотиб олиб деворга қоқсам, бир

умрга етади. Шунча кунимга ярайдиган нарсани нега энди эҳтиёт қилмас, қадрига етмас эканман?!

\* \* \*

Давлатманд бир киши ғуломига: «Ўз пулингга озгина гўшт олиб, бир нима пишириб бер, еб, сени озод қиламан», дебди.

Ғулом суюниб, гўшт қовуриб хўжасининг олдига келтириб қўйибди. Хўжаси гўштан озгина еб, қолганини ғуломига қайтариб берибди. Эртасига давлатманд гўштан нўхат шўрва қилиб келишини буюрибди ва нўхат шўрвани ичиб, уни озод қилишга ваъда берибди. Ғулом унинг амрини бажо келтирибди. Хўжаси буни ҳам паққос урибди. Тўртинчи кун гўшт эскириб бузилиб қолибди.

Бой ғуломига:

— Бу гўштни сотиб, озгина ёғ олиб келгин-да менга овқат пишириб бергин, еб, сени озод қиламан,— дебди.

— Эй бой,— дебди ғулом,— мен ғуломликка кўникиб қолган одамман. Агар бирор хайрли иш қилмоқчи бўлсанг, шу гўштни озод қилиб қўя қол...

\* \* \*

Бир киши дўстига:

— Эллик ман буғдойим бор эди, беҳабар қолибман, барини сичқонлар ташиб кетибди,— дебди.

— Менинг ҳам эллик ман буғдойим бор эди, сичқонлар хабар топгунча еб қўя қолдим,— дебди дўсти.

\* \* \*

Талҳакнинг хачирини ўғирлаб кетишибди. Бир киши, айб ўзингда, эҳтиёт қилмабсан, дебди. Иккинчиси, айб сайисда, оғилхона эшигини яхши беркитмаган, дебди.

— Бўлди, бўлди,— дебди Талҳак,— сенларча айб ўғрида эмас, ўзимизда экан-да.

\* \* \*

Бир гаранг қазвинликдан:

— Хотин олибсан, деб эшитдим, ростми? — деб сўрабди.

— Ё тава,— дебди қазвинлик,— шу кар қулоғинг билан бу гапни қандай эшитдинг?

\* \* \*

Хуросонликнинг бир қирчанғи оти бор экан. Ундан:

— Нега отинга арпа бермайсан? — деб сўрабдилар.

— Бир кечада ўн ман арпа ейди-ку,— дебди у.

— Нега бўлмаса бунчалик озғин?

— Мен ундан бир ойлик арпа қарздорман-да,— дебди хурсонлик.

\* \* \*

Абомашид Шерозий исмли бир киши кабобпазлик қилар экан. Бир куни у серсуяк гўшт қовурган экан, ҳеч ким олмабди. Бузилиб қолишидан қўркиб, ғассол олдиға борибди.

— Бирдан ажал гирибонимдан ушлаб қолса, ҳолимни сўрагувчи бирор кимса топилмай қоладими, деб қўрқаман. Дўконда кўзикабобим бор, сенга бермоқчиман, бола-чақанг билан егин. Мабодо ажалим етса, мени ювиб, кафанлайсан,— дебди.

Ғассол рози бўлибди. Кўзикабобни олиб келиб, бола-чақаси билан ебди. Шу гапдан бир ҳафта ўтгач, Абомашид ғассолнинг уйига келиб:

— Дамашққа кетяпман, кийиниб чиқ,— дебди.

— Бу нима деганинг, тушунмадим? — дебди мурдашўй.

— Мен сени керак бўлиб қолганинга кунимга ярарсан, деб ижарага олгандим, сен ебкетарга деб ўйлаганмидинг? — дебди кабобпаз.

Ғассол бечора қовурманинг ҳақини тўлаб, ундан зўрға қутулибди.

\* \* \*

Ўғрилар бир содда кишининг эшигини ўғирлаб кетишибди. У эса бориб мачитнинг эшигини суғуриб келибди. Бу ҳолни кўрган одамлар:

— Бу нима қилганинг? — деб сўрашибди.

— Худо менинг эшигимни ўғирлаб кетган ўғрини танийди, энди ўша ўғрини топиб бермагунича мен ҳам унинг уйи эшигини қайтариб бермайман, вассалом! — деб жавоб берибди ҳалиги содда одам.

\* \* \*

Шариат пешволаридан бири бир содда кишига:

— Агар Каъба харамининг қуми кишининг кавуши ичига тушиб қолса, мени ўз жойимга элтиб қўй, деб худога ёлвораркан,— дебди.

— Бечора, томоғи ёрилгунча ёлворса керак,— дебди содда.

— Қаллаварам, қумни томоғи бўлармиди?

— Томоғи бўлмаса қанақа килиб ёлворади?

\* \* \*

Мавлоно Қутбиддин бир амалдорнинг уйига касал кўргани борибди ва бемордан қанақа дардга чалиндинг деб сўрабди.

— Иситмам ошиб, бўйним қаттиқ оғрийди. Лекин худога шукур, бир-икки кундан бери иситмам ариб қолди, аммо бўйним хануз оғрийди,— дебди касал.



— Ҳечкиси йўк,— дебди мавлоно Кутбиддин,— сабр қилсанг, шу бир-икки кунда бўйнинг ҳам узилиб, дарди ариб қолар.

\* \* \*

Ваъз айтаётган кишига биров:

— Шайтон хотинининг оти нима? — деб савол берган экан, ваъзхон савол берган кишини чақириб, унинг қулоғига:

— Каллаварам, аммамнинг бузоғи, мен буни қаёқдан билай?! — дебди.

Савол берган одам келиб жойига ўтиргандан кейин бошқа одамлар ундан:

— Нима деди? — деб сўрашибди.

— Билмоқчи бўлсаларинг, туриб ўзларидан сўранглар,— дебди ҳалиги киши.

\* \* \*

Бир масхарабоз қаҳатчилик йили бир кишлокқа борибди. Қишлоқ оқсоқоли бетоб ётганини эшитиб, у ўзини табиб деб таништирибди. Уни дарҳол қишлоқ оқсоқоли ҳузурига олиб боришибди. Иттифоқо ўша кун оқсоқолнинг уйида нон ёпишаётган экан. Масхарабоз оқсоқолни даволаш учун бир ман ёғ билан бир ман асал сўрабди. Дарров ҳозирлашибди. Масхарабоз ёғ билан асални косага солиб, дастурхонга қўйилган нонлардан бир нечасини тўғрабди-да, касалнинг бошидан айлантириб, ўз оғзига солаверибди, қорни тўйғач:

— Шу даволаганим бугунга етар, қолгани эртага,— дебди.

Кечаси оқсоқол оғирлашиб, ўлиб қолибди.

— Бу қанақа даволаш эди, сен кетишинг билан унинг жони узилди-ку?! — дейишибди одамлар.

— Қўяверинглар, кеча ўша нарсани емаганимда мен ундан олдинроқ бандаликни бажо келтирган бўлардим,— дебди масхарабоз.

\* \* \*

Чанги деган киши Абубакир деган бир камбағал ошнасиникида кечаси тунаб қолибди. Қаҳратон қиш экан, совуқда Чанги ухлолмабди.

— Абубакир, устимга бирор нарса ташламанг бўлмайди,— дебди у уй эгасига.

— Уйда бир бўйра бор экан, мезбон меҳмоннинг устига ўшани ташлаб қўйибди.

Меҳмон бир оздан кейин устимга яна бирор нарса ташла, деб илтимос қилибди. Уйда нарвонча турган экан, Абубакир ўша нарвончани Чангининг устига қўйибди. Бир оздан кейин меҳмон яна уй эгасини уйғотиб:

— Дўстим, бўлмади, совқотяпман, бошқа нарсанг йўқми? — дебди.

Абубакир ўрнидан туриб қараса, уйда бир челак сувдан бошқа нарса йўқ экан, ночор ўша челакни ҳам меҳмон устига қўйибди. Сал фурсат ўтмай, Чанги қимирлаган экан, челакдаги сув чайқалиб, бўйранинг тешикларидан устига ўтибди.

— Ҳой, Абубакир,— деб яна уй эгасини уйғотибди,— тур, устимдаги кўрпаларни олиб қўй, терлаб, бутунлай ҳўл бўлиб кетдим.

\* \* \*

Биров қабристонни айланиб юриб, узундан-узун бир гўрга кўзи тушиб қолибди ва бу гўр кимники, деб сўрабди.

— Расул аламбардор<sup>1</sup>нинг гўри,— деб жавоб беришибди.

— Э, бечорани алами билан кўмишибди-да! — дебди у.

\* \* \*

Тулкидан:

— Итдан қочиб қутулиш учун қанча айёрлик ишлата оласан? — деб сўрашса, тулки:

— Юздан ортиқ, лекин энг яхшиси унга рўбарў келмаслик, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Бир содда болакай хумга қараб ўз аксини кўрибди-ю:

— Ойи, хумнинг ичига ўғри кириб олибди,— деб бақирибди.

— Ойиси югуриб келиб, хумга қарабди ва ёкасини ушлаб:

— Вой болам, ўғрининг ёнида бир ёсуман кампир ҳам турибди-ку! — дебди.

\* \* \*

Кўпқари пайтида бир от бошқа отлардан ўзиб кетибди. Бир одам хурсандчиликдан чапак чалиб, қийқириб юборибди. Шунда унинг ёнида ўтирган киши:

— От сеникимиди? — деб сўраса, ҳалиги одам:

— От-ку, меники эмас, аммо бўйнидаги югани меники! — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Бир баднафс беш бармоғини оғзига тикиб овқатланаётган экан, унга:

— Беш бармоғингни тикмасанг бўлмайдими? — дейишса, у:

— Бармоғим олтита бўлмаса нима қилай? — дебди.

\* \* \*

Бир одам дўстига бир илтимос билан мурожаат қилган экан, дўсти илтимосини рад қилибди ва сўкиб берибди.

<sup>1</sup> А л а м б а р д о р — байроқбардор.

— Ҳой, биродар, илтимосимни ерда колдирганинг-ку майли, яна сўқканинг нимаси? — деса, дўсти:

— Куруқ кетма дедим-да! — дебди.

\* \* \*

Ҳажли<sup>1</sup> очикиб, ютоқиб бир кишлокка кириб борган экан. Мундоқ кулоқ солса, бир уйдан йиғи-сиги товуши эшитилибди. Дарров ўша эшикка етиб борибди-да: «Қорнимни тўйғизсаларинг, мен бу ўликни шу заҳотиёқ тирилтираман», дебди. Ўликнинг кавм-қариндошлари дарров бу одамнинг олдига овқат келтириб қўйишибди. Ҳажли қорни тўйгандан кейин:

— Мархумнинг касбу кори нима эди? — деб сўрабди.

— Хунарманд-қосиб эди, — деб жавоб беришибди.

— Хай аттанг! — дебди Ҳажли, — бошқа касб-хунар эгаси бўлганда шу ондаёқ тирилтирар эдим, аммо қосиб ўлдими, тамом, уни қайта тирилтириб бўлмайди.

\* \* \*

Бадбашара бир савдогар ойнада ўз аксини кўриб:

— Худойим, шунчалик бино қўйиб ясаганингга минг қатла шукур, — деб ўтирган экан, бу гапни уйни йиғиштираётган хизматкори эшитиб қолибди. Хизматкор ишни битқизиш ташқарига чиққанда аллаким:

— Хўжайининг уйда нима қилиб ўтирибди? — деса, хизматкор:

— Ойнага қараб худога ёлғон гапларни сўзлаб ўтирибди, — дебди.

\* \* \*

Биров шайхни меҳмонга таклиф қилибди-да, ёнбошига ёстик қўйибди. Ёстик остида бир неча динор пул турган экан, шайх уни секин олиб чўнтагига солибди. Уй эгаси ёстик остига қарабди-ю, пул йўқлигини сезиб фиғони фалакка чиқибди.

— Биродар, кимдан шубҳанг бўлса айт, дарров ундириб бераман, — дебди шайх.

— Бошқаларнинг олганига гумон қиламану, аммо сенинг олганингга имоним қомил, — дебди уй эгаси.

\* \* \*

Бир арабга:

— Умринг ўтиб, қариб қолибсан, ҳажга бориб, тавба қилиб келсанг бўлмайдимиз? — дейишибди. У эса:

— Ҳажга боргани пулим бўлмаса нима қилай? — дебди.

<sup>1</sup> Эроннинг Афандига ўхшаш фольклор қаҳрамони.

— Уйингни сотиб, йўл харжи қилиб қўя қолмайсанми? — дейишибди яна.

— Қайтиб келсам, қаерда яшайман? Қайтмасдан каъбада қолсам, худо: «Эй аҳмоқ, нега уйингни сотиб, менинг уйимда яшаб юрибсан, демайдими?» — дебди.

\* \* \*

Бир ясовулга:

— Нега урушга бормадинг? — дейишса, ясовул:

— Мен душманлардан биронтасини танимасам, улар мени танимаса, нега уришаман? — дебди.

\* \* \*

Бир арабни тулки тишлабди. Уни табибга олиб боришибди. Табиб:

«Нима тишлади?» — деб сўраса, у тулки тишлади дегани уялиб: «Ит тишлади», — дебди.

Табиб малҳам тайёрлашга уринганда ҳалиги одам:

— Таксир, тулки тишлаганда соладиган доридан ҳам жичча солинг, — дебди.

\* \* \*

Биров тўн ўғирлаб бозорга олиб борган экан, йўлда ўғрини кароқчи урибди. Қайтиб келганидан кейин:

— Тўнни қанчага сотдинг? — деб сўрасалар, ўғри:

— Ўз нархига, — дебди.

\* \* \*

Биров пайғамбарлик даъво қилган экан, уни аббосийлар сулоласидан чиққан халифа Мўътасим ҳузурига олиб боришибди. Мўътасим унга:

— Гувоҳлик бераманки, сен аҳмоқлар пайғамбарисан! — деса, ҳалиги одам;

— Албатта, умматим сенга ўхшаган одам бўлгандан кейин аҳмоқ бўлмай иложим қанча! — дебди.

\* \* \*

Абубакир деган одам ҳар кеча ўғрилиқка чиқаркан. Бир кеча ови барор топмапти ва ночор салласини ўғирлаб қўлтиғига солибди. Уйга келгандан кейин хотини:

— Нима топиб келдинг? — деса, у:

— Салла! — дебди.

— Ўзингнинг салланг-ку?! — дебди хотини.

— Товушингни чиқарма! Одамлар менинг ўғрилигимга шубҳаланмасин деб шу ишни қилдим! — дея жавоб қайтарибди у.

\* \* \*

Бир қазвинлик каттакон қалқонни кўтариб жангга борган экан, бир тош қалъадан келиб калласига тегибди-да, боши ёрилибди. Унинг аччиғи келиб:

— Ҳой аблах, қўзинг кўрми?! Шундоқ каттакон қалқонни кўрмасдан бошимга урасанми? — дебди.

\* \* \*

Бир қазвинлик ўнг оёғини узангига қўйиб, отга тескари минибди.

— Нега отга тескари миндинг? — дейишса, қазвинлик:

— Мен тескари минганим йўқ, отнинг ўзи чапақай турибди,— дея жавоб қайтарибди.

\* \* \*

Бир ваъзхон минбарга чиқиб сўзлаётган экан, мажлисда ўтирганлардан бири унга қараб қаттиқ йиғлабди. Ваъзхон мажлис аҳлига қараб:

— Биродарлар, арзу ихлосни мана бу одамдан ўрганинглар. Менинг сўзларим таъсиридан хўнг-хўнг йиғлаб ўтирибди,— дебди.

Бу сўзни эшитиб, ҳалиги йиғлаган одам ўрнидан туриб шундоқ дебди:

— Мавлоно, мен нима ҳақида гапираётганингизни билмадим, аммо бир эчким бор эди, соқоли айнан сизнинг соқолингизга ўхшарди. Ҳар гал сиз соқолингизни қимирлатганингизда ўша эчким эсимга тушиб йиғлаяпман.

## МУҲАММАД АВФИЙ

\* \* \*

Анушервон<sup>1</sup> хузурига узоқ-яқиндан вакиллар келган экан. Анушервон илму донишда мумтоз вазири Бузургмеҳрнинг ақлу заковатини меҳмонларга кўз-кўз қилиш ниятида ундан:

— Эй, ҳақим, дунёда энг яхши нарса нима? — деб сўрабди.

— Дунёда уч нарсадан ўтадиган ҳеч нима йўқ, — дебди Бузургмеҳр.

— Нима экан улар?

— Ўлим, аёл ва эҳтиёж.

Анушервон бу жавобдан хижолат бўлибди ва ҳақим бемаъни гап айтиб қўйди, деб ўйлабди. Кейин қулай фурсат топиб, бу нима деганинг, дурустрок шарҳлаб бер, дебди. Шунда Бузургмеҳр:

— Э, шахриёри олам, аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди, ўлим бўлмаганда отангнинг салтанати сенга тегармиди, эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди? — дебди.

\* \* \*

Бир киши Афлотунга:

— Бир зиёфатда фалончи сени кўқларга кўтариб мақтади ва ҳаққинга кўп дуолар қилди, — дебди.

Бу сўзларни эшитган Афлотун бошини қуйи солиб, фикру хаёл уммониға ғарқ бўлибди.

Ҳалиги киши ҳайрон бўлиб:

— Эй ҳақим, мен нима дедимки, бунчалик фикру андишаға кўмилдинг? — деб сўрабди.

— Мени сен айтган сўзлар ўйга толдиргани йўқ. Мен қилган ишларимни ўйлаб ўтирибман. Қанақа жоҳилона иш қилган эканманки, бу қилмишим у жоҳилга ёқиб тушибди ва у мени мақтаб юрибди? Бирор аҳмоқлик қилмасанг, ҳеч бир аҳмоқ сени мақтамайди ва кўқларга кўтармайди.

\* \* \*

Яздижурд сосонийлар сулоласига мансуб киши бўлиб, Эроннинг энг ғаддор ва золим подшоҳларидан ҳисобланган. Унинг фарзанд-

<sup>1</sup> Анушервон — (Хусрав I) — сосонийлар сулоласидан чиққан подшоҳ бўлиб, бадий адабиётда адолатли шоҳ сифатида шухрат қозонган.

лари вояга етмай, нобуд бўлаверганидан подшоҳнинг кўнгли бениҳоя ғам-андухга тўлибди. Бир куни у шунақаям хушбичим ва хушсурат бир ўғил кўрибдики, келажакда унинг шахриёр бўлиши ташқи қиё-фасидан кўриниб тураркан.

Яздижурд бу фарзандининг ҳам ўлиб қолишидан кўрқиб, уни тарбиялашни араб амири Нуъмон Мунзирга топширибди. Нуъмон Мунзир Ирок шаҳарларидан бири бўлган Кўфа яқинидаги баҳаво ва хушманзара ерга жойлашган Ҳира шаҳрининг подшоҳи экан.

Отасининг амрига биноан гўдакни ўша шаҳарга олиб боришибди. Нуъмон меҳрибон энагалар ва ғамхўр мураббийлар топиб, боланинг тарбиясини ўшаларга топширмоғи лозим эди. У кўзга кўринган, етук уч хонадондан уч энага топибди. Булардан бири Арабдан, иккинчиси Ажам (Форс)дан, учинчиси Туркдан экан. Арабнинг гапга чечанлиги, ажамнинг очик кўнгиллиги, туркнинг шижоати Баҳромгўрда мужассамлашибди. Бунинг устига, учала тилда ҳам эркин сўзлаша оладиган бўлибди.

Нуъмон Мунзир унинг шарафига иккита мухташам қаср солди-риб, бирига Садир, иккинчисига Ҳаварнақ деб от қўйибди. Араб мулки бино бўлиб бунақанги гўзал иморатни кўрмаган экан. Баҳром шу ерда улғайиб, камол топибди. Шижоат ва жасорат бобида шу даражага етибдики, отган ўқи осмони фалакни тешиб ўтар, душман калласини танасидан шартта узиб ташлар экан.

Нуъмон Мунзирнинг шамолдай учқур, айланишда ер курраси билан беллашадиган бир оти бор экан. Бир кун ўша отни ва бир дунё мол-давлатни Баҳромга тортиқ қилиб:

— Нимани ўзинга лойиқ кўрсанг, ҳаммаси сеники, мен ҳеч нарсани сендан дариг тутмайман,— дебди.

Баҳром унинг лутфу марҳаматини бир олам узр ва ташаккурлар билан қабул қилибди. Шу билан у мол-давлат ва шон-шавкати ошиб, ҳаётини шоду хуррамлик ҳамда кайфу сафо билан ўтказа бошлабди.

Унга Баҳромгўр деб лақаб қўйишининг сабаби шунда эканки, бир куни у Нуъмон билан чўлда ов қилиб юрганида гурхар (кулон)га ҳужум қилиб, уни ғажиб ташламоқчи бўлиб турган шерга рўпара келиб қолибди. Шунда Баҳром ўқ узибди. Ўқ шерни тешиб ўтиб, гурхарнинг қорнига санчилибди. Шер ҳам, гурхар ҳам ўша захоти тил тортмай ўлибди. Шундан кейин у Баҳромгўр лақабини олибди.

Баҳром улғайиб, доврўғи оламни тутибди, у отасининг хизматига бормоқчи, уни зиёрат қилмоқчи бўлибди. Бу ҳақда Нуъмон билан маслаҳатлашган экан, у:

— Шундай қилсанг, савоб иш бўлур эди,— дебди.— Сенга ўхшаган ўғил отасининг хизматини бажо келтириши, унинг дуосини олиши ҳам фарз, ҳам қарз. Сенга ўхшаган ўғилдан ҳар қанақа ота жонини ҳам аямаса керак. Аммо эсингда бўлсинки, сенинг отанг жоҳил ва бадфеъл одам, Мабодо дилингни ранжитиб қўйса, хафа бўлма, кўнглиннга оғир олма.

— Майли, шундай бўлса ҳам, — дебди Баҳром,— яна бир бор

унинг дийдорини кўриш, жамолидан бахраманд бўлиш иштиёки-  
даман.

Сўнг Нуъмон йўл тадоригини кўриб, бир қанча эътимодли одам-  
ларига кўшиб уни Мадоин шаҳарига юборибди. Баҳром отасининг  
саройига келибди, аммо отаси унга эътибор бермабди. Хузурига  
чақирмабди ҳам, илтифот ҳам кўрсатмабди. Уни ўз ҳолига ташлаб  
қўйибди. Бунга Баҳромнинг жуда хўрлиги келибди.

Бир куни Баҳром уйку ғалаба қилиб, устунга суянганича пинакка  
кетган экан, отаси бу ҳолни кўриб, даргазаб бўлибди. Унга қаттиқ  
озор бериб зиндонга солибди. Баҳром бирмунча вақт зиндонда ётиб-  
ди. Иттифоко Қайсари Румнинг укаси Мадоинга элчи бўлиб келибди  
ва бу ҳолдан воқиф бўлибди. Баҳром ундан мадад сўрабди. У Яз-  
диджурдга мурожаат этиб:

— Бу гўдак араблар орасида улғайган, арабларнинг феъли ат-  
вори ҳазрати олийларига аён: уни озод қилиб, Нуъмоннинг хузурига  
юборсангиз кўп савоб иш бўларди,— дебди.

Яздиджурд Баҳромнинг гуноҳидан ўтибди, ҳеч қанақа лутфу мар-  
ҳамат кўрсатмасдан, уни Нуъмон олдига қайтариб юборибди.

Нуъмон эса, уни зўр дабаба билан кутиб олибди, оёғи остига  
пойандозлар тўшатибди. Баҳром боши осмонга етиб, бирмунча  
вақтни хурсандчилик, айшу ишрат ва шикор билан ўтказгандан ке-  
йин отасининг ўлими ҳақида хабар келибди.

Яздиджурднинг вафотидан сўнг аёёну ашроф ва сарлашкарлар  
йиғилишиб шундай дейишибди: «Биз Яздиджурднинг дастидан жуда  
кўп жабру зулм, хўрликлар кўрдик. Эндиликда дуоларимиз муста-  
жоб бўлиб, унинг зўравонлигидан қутулдик. Арабистонда унинг ўғли  
бор, лекин у гаддорнинг наслидан биров подшоҳ бўлишини,  
отаси кўрсатган кунлар қайта такрорланишини худо кўрсатмасин».

Уларнинг орасида сосонийлар давлатининг асосчиси Арда-  
шернинг ўғилларидан Кисро (Хусрав I) бор экан. Ҳаммалари бара-  
варига ихлос қўйиб, тож-тахтни унга топширишибди.

Баҳром бу хабарни эшитиб жуда хафа бўлибди, руҳи тушибди.  
Шом шаҳри паҳлавонларидан лашкар тузиб Мадоинга йўл олибди.

Эроннинг казо-казолари Баҳромнинг бостириб келаётганини  
эшитиб ваҳимага тушибди, фитна кўзғалиб, халкнинг қони бекорга  
тўкилишидан ташвишланишибди.

Бир гуруҳ аркони давлат Баҳромнинг олдига бориб, арзи ҳол  
қилишибди: «Нега келдинг? Биз отанг дастидан жуда кўп ранжу  
аламлар чекдик. Эндиликда, албатта, унинг авлодидан биров бизга  
подшоҳ бўлишини асло истамаймиз».

Баҳром уларни очиқ чехра билан қарши олибди ва шундай дебди:  
— Отамнинг адл-инсофдан йироқ подшоҳ бўлганлиги менга  
маълум. Аммо менинг истагим, аксинча, додҳоҳ бўлиш, у нимани  
йиртган бўлса, ўшани қайтадан тикиб, ямаш, нимани синдириб таш-  
лаган бўлса ўшани қайтадан чегалаб, ўз ҳолига келтириш, у қилган  
ёвузликлар учун сизлардан узр сўрашдир. Мадомики, шу одамни  
подшоҳ қилиб кўтарган экансизлар, сизларнинг истақларингиз



қарши боролмайман. Фақат бир илтимос, эртага подшоҳлик тожини олиб келиб, икки оч шернинг ўртасига қўйинглар. Кимки икки шер орасидан тожни олишга журъат этса ўша одам подшоҳ бўлсин.

Баҳромнинг бу сўзларини эшитган, мақсадини англаган, қадду қомати, хусну жамолини кўрган ашрофу аъёнлар қайтиб келиб, давлат арконларига шундай дейишибди:

— Баҳром ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмайдиган бир сиймога ўхшайди...

Эртасига давлат аъёнлари йиғилишиб мажлис қуришибди ва шерхонадан икки оч шерни олиб чиқиб, тожни уларнинг олдига қўйишибди-да, занжирларни ечиб юборишибди. Подшоҳ бўлиши керак бўлган икки шахзода — Баҳром билан Кисро шерларга яқинлашибдилар.

Кисро оч шерларни кўргач, жон ширин туюлиб, «мен учун жон мулкдан азизроқ», дебди.

Баҳром: «Тож хавасига тушган кимса бошнинг баҳридан ўтмоғи даркор», деб шахдам олга интилибди ва гурзини олиб, шерларга ҳамла қилибди. Шерлар унга ташланмоқчи бўлиб турганларида, у отдан тушиб, бир сакрашда шерлардан бирига миниб олибди-ю, иккинчисининг қулоғидан маҳкам ушлаб, бошларини бир-бирига ураверибди. Мияларининг қатиғи чиқиб кетгунча уларни қўйиб юбормабди.

Шундан кейингина тожни ердан олиб, бошига кийибди. Биринчи бўлиб унга таъзим қилган киши Кисро бўлибди. Қолганлар ҳам унга бош эгишибди. Шундай қилиб, Баҳром салтанат тахтига ўтирибди...

\* \* \*

Анушервон ҳукмронлиги даврида икки дарвиш унинг саройига келибди ва улардан бири баланд товуш билан:

— Ёвузлик кўрмайин десанг ёвузлик қилма, — дебди.

Иккинчиси:

— Яхшилик қилган киши ҳамиша яхшилик кўргай! — дебди.

Анушервон амри билан биринчисига минг динор, иккинчисига икки минг динор беришибди. Бу ҳолни кўрган мулозим ва надимлар подшоҳдан: «Иккаласининг ҳам сўзи бир маънони ифодалайди-ку, нега икки хил мукофот бердинг?» деб сўрашибди.

Анушервон шундай жавоб берибди:

— Биринчи ёмонликни мадҳ этди, иккинчиси яхшиликни. Яхшилар билан дўсту ҳамсуҳбат бўлишдан яхши ва ёмонлар билан ҳам-нишини ҳамтовоқ бўлишдан ёмон иш борми дунёда.

\* \* \*

Қадимги Юноннинг энг буюк файласуфи Арасту ўлимига қикин ўғлини чақириб шундай дебди:

— Болажоним, ўз умримни илму ҳикматнинг сирларидан воқиф бўлиш йўлида сарф қилдим. Илму ҳикмат нури билан жуда кўп тугунларни ечдим, аммо ўлимга келганда чора тополмадим. Сенга қиладиган васиятим шуки, ўғлим, мол-давлат орқасида орттирилган иззат-обрўда бако йўк. Иззат-хурмат, шон-шараф илмда. Илм орқасида қўлга киритган шон-шараф фано ва заволни билмайди, давлат ва сиёсатнинг ўзгариши унга таъсир қилмайди.

Ўғлим, шоҳлар сенинг отангни илми туфайли улуғлашди, бўлмаса, отанг ҳам улар қарамоғидаги бир одам эди. Шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сизинишади. Обидлар ва маъбудлар орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Отангнинг илми бўлмаганда, унинг подшоҳлар учун китоб юклаган эшакдан фарқи қолмасди. Уларга сизинадиган ва хизматини бажо келтирадиган бир ғулом бўлар эди холос.

Иззат-эҳтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин десанг, илм орттир!

\* \* \*

Хусрав I нинг вазири Бузургмехрдан инсон учун энг зарур нарсани нима, деб сўраган эканлар, у:

— Туғма зеҳн, — деб жавоб берибди.

— Туғма зеҳн бўлмаса-чи? — дея сўрасалар:

— Одоб ва илм ўргансин, — дебди.

— Ўрганолмаса-чи? — деб сўрасалар:

— Мол-давлат, зару зевар орттирсин, бу ҳам кўп айбларни беркитади, — дебди.

— Эпюломаса-чи?

— Унда, сертавозе ва серилтифот бўлсин, бу ҳам одамнинг зийнати.

— Бу ҳам қўлидан келмаса-чи?

— Унда бунақа тирикликдан ўлган афзалроқ, ҳам одамлар ундан кутулади, ҳам ўзи ўзидан кутулади.

\* \* \*

Кирмон подшоҳларидан бўлмиш Малик Мухаммаднинг хазина кўриқчиларидан бири унинг ҳузурига келиб, бир туш кўрдим, руҳсат этсалар, айтиб берсам, дебди.

Малик Мухаммад ижозат берибди.

Кўриқчи узундан-узун бир тушни айтиб берибди. Кўриқчи сўзини тугатгандан кейин подшоҳ дарҳол фармони олий бериб, уни хизматидан озод қилибди.

Ҳамма ҳайратда қолиб:

— Нега бундай қилдингиз? — деб сўрашибди.

Шунда подшоҳ:

— Шунчалик узундан-узоқ туш кўриш учун неча соат ухлаши керак? Бу аҳволда у хазинани қандай кўриқлайди? — дебди.

\* \* \*

Бир кун қадимги Юноннинг машҳур ҳаками Букротни бир беморнинг олдиға олиб боришибди. У касалнинг томирини ушлаб дебди:

— Шуни билгилки, мен, сен ва касаллик уч нафар бўламиз, учаламиз ҳам бир-биримизга муҳолифмиз. Агар сен айтганимни кулоғингда тутсанг, яъни емагин, ичмагин деган нарсамдан нафсингни тийсанг, биз икки тан, икки жон бўламиз, касаллик танҳо қолади ва биз уни енгамиз. Бирлашган ўзар, дейдилар.

\* \* \*

Олий рутба шахслардан бири келиб, Искандарға фалон киши қизингни севиб қолибди, дебди.

— Севса нима қилай? — дея сўрабди Искандар.

— Ўлдиришинг керак! — дебди ҳалиги киши.

— Бировни севгани учун, бировни ёмон кўргани учун ўлдирсак, дунёда одамзоддан ном-нишон қолмайди-ку?!

\* \* \*

Арабистонда илму ҳикматда беназир Шан деган бир ҳаким ўзимға ўхшаган бирор билимдон қиз топилмагунча уйланмайман, деб аҳд қилган экан. Қайлик ахтариб оламни бир неча бор кезиб чиқса ҳамки, ўзига муносиб ёр тополмабди. Кунлардан бир кун шу ниятда сарсон-саргардон бўлиб юрган экан, бир одам унга ҳамроҳ бўлибди.

Шан ҳамроҳига:

— Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми? — дебди.

— Ажаб бетамиз одам экансан,— дебди ҳамроҳи,— салламни зўрға кўтариб юрибману сени қанақа қилиб кўтараман!

Шан индамабди. Бир оз йўл юрганларидан кейин барқ уриб яшнаб турган бир буғдойзорға етибдилар. Шан экинзорға қараб:

— Бу буғдойзорнинг донини еб бўлишдимикан? — деб ҳамроҳидан сўрабди.

— Тоза жинни экансан-ку! Буғдойи ҳали ўриб олинмаган нарсани қанақа қилиб еб бўлади?!

Яна Шаннинг нафаси ичига тушиб кетибди. Бир неча манзил йўл юргандан кейин улар тобўт кўтариб бораётган оломонға дуч келиб қолишибди.

— Бу одам ўлдимикан ё ҳалиям тирикмикан? — деб Шан яна ҳамроҳидан сўрабди.

— Астафғирулло, умрим бино бўлиб сенға ўхшаган аҳмоқни сўрганим йўқ, жаноза ўқилиб, қабристонға олиб бораётган ўликни бу тирикми, ўликми деб сўрайди-я! Қип-қизил аҳмоқ ҳам бунақа

саволни бермайди. Қўй, менга бошқа гапирма, аҳмоқона гапларингдан кўнглим озиб кетяпти, — дебди ҳамроҳи.

Шундай қилиб иккаласи «чурк» этмай йўлда давом этишибди. Йўловчи манзилига етгандан кейин, майли, бу ҳам бир мусофир экан, қилган кўполлигимни кўнглидан чиқарай, деб Шанни уйига олиб кириб, меҳмон қилибди. Уша одамнинг ҳусну малоҳат, ақлу фаросатда тенгсиз қизи бор экан, қизи дадасидан сўрабди:

— Ҳамроҳингиз ким, йўлда нималарни гаплашиб келдингиз?

— Эй, қизим, — дебди отаси, — кип-қизил бир аҳмоққа рўбарў келиб қолдим. Куракда турмайдиган, пойма-пой, мантиқсиз саволларни беравериб, тоза таъбимни хира қилди.

— Нима деди ахир? — сўрабди қизи.

— Мен билан кўришиши биланок: «Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми?» — деб сўради. Ўзим зўрға бораётган эдим, уни қандай кўтара олардим, қизим. Бир экинзорга етганимизда: «Бунинг донини еб бўлишдимикан?» — деб сўраб қолса бўладими? Учинчи саволи қабристонга олиб кетишаётган тобутни кўриб: «Бу тирикмикан ё ўликмикан?» — деб сўради.

Қиз отасига:

— Унинг кўнглини оғритиб, бекор қилибсан. Бу сўзлар унинг жуда катта ҳақим ва зўр билимдон эканлигидан далолат беради.

Биринчи саволнинг маъноси шу: «Йўлнинг заҳматини камайтириш учун бирор нарса сўзлаб берасанми ё мен айтиб берайми? Бу ернинг ғалласини еб бўлишдимикан деганининг маъноси шу: бу ғаллани эккан одам бирор судхўрдан қарздор бўлиши, унинг кистовидан тезроқ қутулиш мақсадида, буғдойни ўриши биланок тўғри бозорга олиб бориб сотиб, қарзига бериши мумкин. Мулоҳаза қилиб кўрсанг, экин пишишидан олдин еб кетилгандай бўлади. Тобутдаги мурдани ўликми ёки тирикми, деб сўраганининг маъноси шу: бу одам ўлганидан кейин ёдгорлик сифатида бирор фарзанд ёки шогирд қолдирдимикан, эслашга арзигулик бирор хайрли иш қилдимикан ёхуд жоҳил ва фосиқлигидан, ўлиши биланок ҳамма-нинг эсидан чиқди-кетдими?»

Сен дарҳол унинг олдига чиқиб, узр айтишинг, зиёфат қилишинг, айтган сўзларининг барисини шарҳлаб беришинг керак, акс ҳолда у сени жоҳил ва аҳмоққа чиқариб қўйиши мумкин.

Шунда қизнинг отаси Шан хузурига чиқиб: «Йўлда мен паршонхотирлик қилиб саволларингга дурустрок жавоб беролмагандим. Ҳозир ҳаммасига бирма-бир, батафсил жавоб беришим мумкин» дебди.

Бунга жавобан Шан:

— Бу сўзлар сенинг табиатингга мутлақо хилоф. Яхшиси, айтчи, бу сўзларни кимдан ўргандинг ва бу сирлардан ким сени воқиқ қилди? — дебди.

Қизнинг отаси нима дейишини билолмай, гангиб қолибди ва ростини айтишга мажбур бўлибди:

— Хусну малоҳат ва ақлу фаросатда тенгу тимсоли йўқ бир кизим бор, бу сўзларнинг мағзини менга ўша чақиб берди,

Бу гапларни эшитган Шан шунча йилдан бери қидириб юрган гавҳаримни энди топдим, деб суюниб кетибди. Отасининг розилиги билан қизни никоҳлаб олибди ва ниҳоят мурод-мақсадига етибди.

\* \* \*

Хорун ар-Рашид туш кўрса, ўттиз икки тиши тушиб кетганмиш. Халифанинг кайфи учиб мунажжим ва муаббир<sup>1</sup>ларни чақирибди ва улардан кўрган тушининг таъбирини сўрабди.

Шунда муаббирларидан бири:

— Эй, амир ал-мўминин, бутун қавм-қариндошинг ва уруғ-аймоғинг ўлиб, ўзинг яккаю ёлғиз қолар экансан,— дебди.

Хорун ар-Рашиднинг юрак-бағри эзилиб, совуқ нафаси учун бу муаббирни юз дарра уринглар, деб фармон берибди. Бу совуқ каромат бари бир унга ором бермабди ва эртасига бошқа муаббирни чақириб, тушнинг таъбирини сўрабди.

Иккинчи муаббир:

— Эй, амир ал-мўминин, худойи таоло сизга бениҳоя умр, бекиёс давлат берган, сиз барча қавм-қариндош ва авлодингизга нисбатан узоқ умр кўрар экансиз,— дебди.

Бу сўздан Хорун севишиб кетибди ва шундай дебди:

— Иккаласи ҳам бир гапни айтди, аммо буниси фикрини одоб билан, чиройли иборалар топиб айтгани учун юз динор мукофотга сазовор бўлди, биринчиси томдан тараша тушгандай қўпол сўзлар айтиб юз дарра еди.

\* \* \*

Ҳотамтойдан, ўзингдан ҳам сахийроқ одамини учратганмисан, деб сўрабдилар.

Ҳотамтой:

— Ҳа, кўрганман,— деб жавоб берибди.

— Қаерда кўргансан?

— Чўлда кетаётганимда узоқдан кўзимга икки хонадан иборат кўримсизгина бир кулба, кулбанинг олдида боғлаб қўйилган бир эчки кўринди. У ерга етиб борганимда от дукурини эшитиб, ичкаридан бир мўйсафид менга пешвоз чиқди ва отдан тушинимга ёрдам қилди. Бир оздан кейин унинг ўғли келиб очиқ чехра билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Мўйсафид ўлига қараб:

— Болам, ўша эчкини бисмил қилиб таом ҳозирла, меҳмонни зиёфат қилиш керак,— деди.

Ўғли:

<sup>1</sup> Муаббир — тушнинг таъбирини айтиб берувчи одам.

— Ижозат беринг, аввал бориб, ўтин териб келай,— деди. Мўйсафид:

— Сен чўлга бориб, ўтин олиб келгунингча вақт кетади. Меҳмонни оч олиб ўтириш одобдан эмас,— деди.

Мўйсафиднинг иккита найзаси бор экан, ўша найзасини тиззасига уриб синдирди, эчкини сўйди ва бирпасда овқат тайёрлаб дастурхонга олиб келиб қўйди.

Уйнинг уёқ-буёғига разм солиб қарадим, унинг бутун бор-йўғи шу найзагина экан, уни ҳам меҳмоннинг пойқадамига нисор қилди. Чолдан, мени танийсанми, деб сўрадим.

Чол:

— Йўқ, танимайман,— деди.

— Мен Хотамтой бўламан, саройимга кел, бу қилган яхшиликларингнинг ҳиссасини чиқарай,— дедим.

Бунга жавобан чол:

— Биз меҳмондан зиёфат пули олмаймиз,— деди ва шунча қилсам ҳам мендан ҳеч қандай ҳадя қабул қилмади.

Мен мана шу мўйсафидни ўзимдан сахийроқ деб биламан.

\* \* \*

Хотамтой оламдан ўтгач, укаси унинг ўрнини босмоқчи, унинг ишини давом эттирмоқчи бўлибди. Хотамтой гумбаз солдирган ва бу гумбазнинг етмишта дарчаси бўлган экан. Тиланчилар ҳар куни гумбаз атрофида тизилишиб, ҳар бири дарчага қўл чўзар ва Хотам уларнинг кўлига бирор нима бераркан.

Хотамтойнинг вафотидан сўнг укаси шу гумбаз ичига кириб ўтирмоқчи бўлибди. Онаси унга:

— Болам, бу ниятингдан қайт, сен икки дунёда ҳам Хотам бўлмайсан,— деса ҳам кулоқ солмабди.

Шундан кейин она боласини синаб кўрмоқчи бўлибди. Эски кийим кийиб, гумбазнинг дарчасига қўл чўзибди. Хотамнинг укаси қўлни таниб: «Хой кампир, ҳозиргина қўл чўзган эдинг-ку, учинчи маротаба тиланчилик қиласанми?» — деб уришиб берибди.

Шунда онаси ўзини танитиб:

— Болагинам, сенинг кўлингдан бу иш келмайди, демаганмидим?! Бир кун акангни синаб кўриш мақсадида мен етмиш дарчага етмиш маротаба кўлимни чўзиб, хайр тилаганман ва аканг менинг кўлимни таниган бўлса ҳам бўш қайтармаган ва мулзам қилмаган эди.

Сенинг феълу атворинг акангникага мутлақо қарама-қарши. Буни мен эмиб юрган чоғларингдаёқ пайқаганман. Ҳар гал эмганингда бир сийнамни оғзингга солиб, иккинчисини кўлинг билан маҳкам ушлаб ўтирар эдинг. Аканг бўлса, зўрлаб тикиштирганимга қарамай, чиқариб ташлайверарди. Табиатларингни бир-бирига хилофлиги ўшандаёқ маълум бўлган эди,— дебди кампир.

\* \* \*

Анушервон бир кун шикорга чиқиб, саҳрони айланиб юрган экан, ёнғоқ кўчати экаётган бир чолни кўриб қолибди.

— Ҳой, мўйсафид, нима қиялпсан? — деб сўрабди Анушервон.

— Худо подшоҳга узок умр берсин, ёнғоқ эяпман, — дебди чол.

— Сен қари бир одам бўлсанг, бу дарахт қачон вояга етиб, қачон ҳосил қилади?

— Бошқалар экилар, биз едик, биз экамиз, бошқалар ейишади, — дебди чол.

Анушервон бу гапга таҳсин ўқибди ва: «Зех»<sup>1</sup> — дебди. Агар Анушервонга бирор нарса ёқиб қолса: «Зех!» — деркан. Шунда ўша одамга тўрт юз дирҳам пул беришаркан.

Анушервон чолнинг сўзини эшитиб: «Зех!» — деган экан, унга тўрт юз дирҳам беришибди.

— Ҳеч кимнинг дарахти мен экканчалик тез ҳосил бермаган, — дебди чол. Анушервон яна «зех», дебди.

Мўйсафидга яна тўрт юз дирҳам беришибди.

— Подшоҳнинг назари тушгани учун ҳам бу дарахт бир йилда икки маротаба ҳосил берди, — деса, Анушервон яна «зех», дебди. Яна тўрт юз дирҳам беришибди...

\* \* \*

Кушлар тилидан ёзилган китоб «Латоиф ул-ишорот»да шундай дейилган:

Бир кун қовоғари битта донни минг машаққат билан уйига томон судраб бораётган чумолини кўриб:

— Ҳой, чумоли, шўринг курсин, битта донни деб шунча заҳмат чекасанми. Кел, менинг емишим, ичишимни томоша қил, қандай лаззатли таом бўлмасин, одамлар мендан ортганини ейишади. Агар қанотимни ёзиб бир осмони фалакка учсам, истаган жойимга бориб қўнаман! — деб мақтанибди.

Кейин у учиб қассобнинг дўконига борибди ва қанорадаги гўштга қўнибди.

Қассоб қўлидаги пичоғи билан қовоғарини бир урган экан, иккига бўлиниб кетибди.

Чумоли келиб арининг оёғини тортибди.

Қовоғари:

— Мени қаёққа судраб кетялсан? — деб сўрабди.

— Кимки бирор ерга ҳасад кўзи билан қўнса, уни ўзи истамаган бошқа ерга судраб кетишади, — дебди чумоли.

<sup>1</sup> З е х — офарин.

\* \* \*

Букрот ҳаким илми ҳикматда равнақ топиб, шуҳрати оламга ёйилгандан кейин узлатни ихтиёр қилибди ва бир ғорга кириб, ўша ерда яшай бошлабди. Бир кун подшоҳ хасталаниб қолибди ва Букротни олиб келгани одам юборибди.

Букрот подшонинг илтимосини рад этибди. Шундан кейин вазирнинг ўзи Букрот ҳузурига боришга мажбур бўлибди. Вазир бундай разм солиб қараса, Букрот ўт-ўлдан либос кийиб, ҳар хил гиёҳни тамадди қилиб юрибди.

Вазир Букротни подшоҳ қасрига таклиф этибди.

Букрот шундай дебди:

— Мен одамларнинг дастидан қочиб, узлатни ихтиёр қилдим, минбаъд подшоҳларга хизмат қилмасликка аҳд этдим.

Вазир шунча ялинса ҳам Букрот сўзидан қайтмабди.

Вазир ундан қаттиқ ранжибди ва масҳараомуз:

— Подшоҳларга хизмат қилиш қўлингдан келганда гиёҳ еб ўтирмас эдинг! — дебди.

Шунда Букрот кулиб:

— Гиёҳ ейишни удалай олганингда сен ҳам подшоҳларнинг хизматини қилмас эдинг! — дебди.

\* \* \*

Бир кишининг кўнглига ўғрилик ҳаваси тушибди ва шу ҳунарни ўзлаштиришга жазм қилибди. Унга Нишопур шаҳрига борсанг, бу ишда пихини ёрган бир одам бор, ўша сенга таълим беради, деб маслаҳат беришибди.

Ҳаваскор ўғри Нишопурга йўл олибди, ўша одамнинг уйини топиб:

— Ўғрилик илмини мукаммал ўрганиш мақсадида ҳузурингга келдим, — дебди.

Устоз ўғриликдан бирмунча дарс берибди, кейин унинг олдига таом келтириб қўйиб:

— Қани, чап қўлинг билан егин-чи, — дебди.

Ҳаваскор ўғри умрида чап қўли билан таом емаган экан, овқатни еёлмабди.

Буни кўриб, устоз ўғри шундай дебди:

— Ўғилгинам, сен танлаган касб шундай бир касбки, агар қўлга тушиб қолсанг, албатта, ўнг қўлингдан айрилиб қоласан, ўшанда қийналиб қолмаслик учун ҳозирданок чап қўл билан таом ейишни машқ қилишинг керак.

Бу гапни эшитиб, ҳаваскор ўғри бирдан ўзига келибди: «Тоғни толқон қиладиган шундай қўлни жувонмарг қилиш ва ундан маҳрум бўлиш хавфини тугдирадиган бундай ҳунарнинг баҳридан кечмок даркор», — дебди у.



\* \* \*

Кўфа шахрида хасислиги туфайли тилларда дoston бўлган бир бой ўтган экан.

Бир киши унга, Басрада беҳисоб мол-дунёси бўлган бир бой бор. Аммо хасисликда сен унга шогирд ҳам бўлолмайсан, дебди.

Кўфалик хасис уни кўриш, ундан таълим олиш иштиёкида йўлга тушибди. Басрага бориб, унинг олдига кирибди ва ўзини таништирибди.

Басралик хасис уни меҳмон қилмоқчи бўлибди.

— Хуш келибсан, сен баҳузур ўтириб дам ол, мен бозорга бориб харид қилиб келай,— деб чиқиб кетибди.

Басралик хасис нонвойнинг олдига бориб:

— Яхши ноннинг борми? — деб сўрабди.

— Бугун шунақанги мазали нон ёпдимки, мол ёғидан қолишмайди,— дебди нонвой.

— Молнинг ёғи нондан лаззатлироқ бўлса, ўшанинг ўзидан ола қолай,— дебди хасис.

Баққолнинг дўконига бориб:

— Аъло мол ёғидан борми? — деб сўрабди.

Баққол:

— Бугун шунақанги бир мол ёғи олдимки, кўрсанг, худди зайтун ёғи дейсан,— дебди.

— Зайтун ёғи мол ёғидан тозароқ бўлса, нега ўшандан олмайин?— деб хасис ёғфурушнинг дўконига борибди.

— Зайтун ёғинг борми? — деб сўрабди.

— Шундай бир зайтун ёғим борки, тиниқликда сувдан қолишмайди,— дебди ёғфуруш.

— Пулни бекорга сарф қилиб нима қиламан, уйимда икки хум сув турибди-ку,— деб хасис пулни чўнтакка солиб ва уйига қайтиб келибди.

Кўфалик хасис уни кутиб ўтирган экан. Басралик хасис косани сувга тўлдириб, меҳмоннинг олдига келтириб қўйибди.

— Эй, биродар, шундан ўтадиган лаззатли таом йўқ экан,— дебди у ва нонвой, баққол, ёғфурушнинг гапини айтиб берибди.

Кўфалик хасис:

— Мен сенга тан бердим, бу ишда сен барча хасисларга устоз бўлишинг мумкин,— дебди ва у билан хайр-хўш қилиб, чиқиб кетибди.

\* \* \*

Бир киши кўшниси билан уришиб қолибди. Сабабини сўрашган экан, шундай жавоб қилибди:

— Уйимга меҳмон келган эди, ўша меҳмон каллапоча билан сийлашимни илтимос қилди. Мен унинг илтимосини қондириб, каллапоча сотиб олдим, меҳмон еб кетди. Мен душманларимни куйдириш мақсадида калланинг суягини эшигим устига осиб қўйган эдим,

уни ноинсоф қўшним ўғирлаб, одамлар бу калла еган экан, десин деб, ўз дарвозаси устига осиб қўйибди. Инсоф билан айтинг-чи, бу адолатсизликка қандай чидаш мумкин?

\* \* \*

Арасту ёши етмишга етганда барбат<sup>1</sup> чалишни ўрганибди. Шогирдлари: «Опоқ сочингиз билан барбат машқ қилгани уялмасизми?» — деб сўрашса, шундай жавоб берибди:

— Даврада ўтирган одамлар бу хунарни билган ҳолда, мен кўзимни мўлтиллашиб ўтирсам ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму хунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунинг маъносига тушунмайди ва фойдасини билмайди.

\* \* \*

Бир киши султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли — султон Масъуд хузурига арзга келибди:

— Эй, султон, Ғур шаҳридан келаётган эдим, шаҳар амири мени ушлаб, бор-йўғимни тортиб олди, — дебди ҳалиги одам.

Султон Масъуднинг амрига биноан дарҳол Ғур шаҳрининг амирига нома ёзишибди ва жабрдийданинг нарсаларини қайтариб беришини буюрибди.

Ҳалиги киши султоннинг номасини олиб, Ғур шаҳри амирининг хузурига борибди.

Амир бу шахснинг қилмишидан қаттиқ ранжибди ва олиб келган номасини калтак зарби билан ўзига едирибди.

Жабрдийда яна Ғазнага бориб, султонга арзи ҳол қилибди. Яна султоннинг фармойишига кўра каттароқ нома ёзишибди.

Ҳалиги одам султон Масъудга қараб:

— Султоним, айт, номани қисқароқ ва кичикроқ қилиб ёзишсин, бу гал ҳам ютишга тўғри келса, қийналиб ўтирмайин, — дебди.

\* \* \*

Сафардан қайтаётган бир зиёратчи қарвондан ажралиб қолибди ва чўлда сарсон-саргардон бўлиб юриб, бир манзилга етибди.

Кўримсизгина бир хонада кампир якка ўзи яшаркан. Хонанинг олдига бир ит боғлаб қўйилган экан.

Йўловчи кампирга салом берибди, кампир очик чехра билан алик олиб, уни ўтқизибди.

Зиёратчи қарвондан қолиб кетганини, неча кундан бери сарсон-саргардон бўлиб юрганини айтиб, бирор егулик нарса сўрабди.

<sup>1</sup> Барбат — удга ўхшаган тўққиз торли мусиқа асбоби.

— Болам, хув ана, узоқда кўринаётган чўлда жуда илон кўп: бориб, иккитасини ушлаб келсанг, пишириб еймиз,— дебди кампир.

— Мен илонни ушлолмайман,— дебди у кампирга хайратомуз қараб.

— Юр, бўлмаса, бирга борамиз,— дебди кампир ва итини олиб бирга жўнабди. Улар икковлон, икки илонни ушлаб калла ва думини узиб ташлашибди-да, бирпасда пишириб ейишибди.

Зиёратчи, илон тановулидан кейин чўллаб сув сўрабди.

— Мана, уйнинг олдида булоқ бор, ичиб кела қол,— дебди кампир.

Йўловчи бориб, сувдан ичибди. Сув ниҳоятда сассиқ ва лойқа экан.

— Она,— дебди ҳожи,— шундай жойда нечук яшаб юрибсан?

— Эй, болам,— дебди кампир,— дунёда бундан тинчроқ ва яхшироқ ер бормикин? Баҳаво ва хушманзара чўлларни, сув тўла чашмаларни айтмайсанми?

Бунга жавобан ҳожи шундай дебди:

— Эй, она, бизнинг вилоятда оқар сувлар, ноз-неъмат тўла боғу бўстонлар, ширин-шакар мевалар, лаззатли таомлар бор. Илонни ейиш мумкин эканини умримда эшитмаган эдим.

— Шунча нозу неъмат билан яна сизларга бировнинг зулму таҳдиди ва божу хирож сўраш хавфи ҳам бордир? — деб сўрабди кампир.

— Албатта,— дебди ҳожи,— подшоҳ ва амирлар борки, уларнинг мулозим ва гуашталари фуқарога зулм қилиши, улардан божу хирож тўплаши турган гап.

— Сизларнинг ўша ширин-шакар нозу неъматларинг,— дебди кампир,— зўравонларнинг жабру зулми остида заҳар заққумга айланади, менинг тинчлик ва осойишталикда ичаётган бу заҳру заққумим ўша ширин шарбатлардан минг қарра тотлироқдир.

\* \* \*

Баҳромгўр даврида фазлу ҳикматда тенги йўқ бир ҳаким бор экан.

Баҳром унинг таърифини жуда кўп маротаба эшитган экан. Бир куни ўша ҳакимни хузурига чақириб, ҳар соҳада уни имтиҳон қилиб кўрибди. Ҳаким Баҳром берган барча саволларга қоникарли жавоб қайтарибди. Баҳром ўзича: «Буни вазир қилиб олсам бўларкан, лекин аввал ҳимматини ва одоб-ахлоқини бир синаб кўриш керак», деб ўйлабди. Ҳаким билан бир товоқдан овқат еб кўрмоқчи бўлиб, олдига қовурилган товуқ келтириб қўйибди.

Ҳаким битта товуқни зўр иштаҳа билан еб, иккинчисига қўл чўзибди.

Буни кўриб, Баҳром ўзича шундай дебди:

— Бу одамнинг назари ниҳоят паст экан. Менинг кўз олдимда товукни шундай еса, менинг йўқлигимда мол-мулкни қандай еркан?

Натижада ҳақим баднафс ва одобсизлиги оқибатида вазирликдан маҳрум бўлибди.

\* \* \*

Ўйинқароқ бир шаҳзода отасининг вафотидан сўнг юртни идора қилишни унутиб, айшу ишратга берилибди ва сал вақтда бутун хазинани кўкка созурибди. Бу ҳолдан хабар топган бир қариндоши, вазиятдан фойдаланиб, мамлакатни босиб олибди.

Подшоҳликка ҳаваси йўқ шаҳзода парво қилмай, тожу тахтни топширибди-да, ўзи бир гуруҳ текинхўрлар билан ялло қилиб юра-верибди. Оқибатда бор-йўғидан ажралиб, кафангадо бўлиб қолибди. Эски ёр-дўстларидан бирортаси унинг ҳолидан хабар олмабди, аксинча, ҳаммаси ундан юз ўгирибди.

Шаҳзода ҳар кун бозор бошига чиқиб ўтирар ва отасининг гуломларидан бири унинг қорнини тўйғизаркан.

Бир кун шаҳзода кўчага чиқиб ўтирган экан, безори ўртоқларидан бир гуруҳи уни мазах қилиш ниятида олдига келишибди:

— Юр, бир айланиб, дам олиб келамиз,— деб таклиф қилишибди. Шаҳзода уларнинг таклифини қабул қилиб, бирга кетибди. Бокқа бориб, сайру томоша қилишибди, ошпазга овқат буюришибди. Ошпаз ўчоққа ўт ёқиб, қозонга гўшт солибди.

Ҳамма кайфу сафога берилиб кетибди. Шу чоғ, тасодифан, бир ит келиб, қозондаги гўштни илиб кетибди. Бир маҳал қарашса, қозонда гўшт йўқ эмиш. Бу фақат шаҳзоданинг иши, чунки неча кундан бери гўштни афтини кўрмагани учун сабри чидамай, бизнинг кўзимизни шамгалат қилиб, гўштни беркитиб келган, дейишибди.

Бу маломатдан шаҳзоданинг кўнгли ниҳоятда ранжибди, гўштни мен еганим йўқ, деб қасам ичса ҳам барибир ишонишмабди ва уни калака қилишаверибди.

Шаҳзода, хаёли паришон, у ердан чиқиб кетибди, бир чеккада ўтириб олиб, қон-қон йиғлабди.

Буни эшитган энагаси унинг олдига келиб:

— Бўлажонгинам, сенга нима бўлди? — деб сўрабди.

Шаҳзода бўлган воқеани айтиб берибди.

Кампир унга ачинибди ва отасининг муҳри босилган харитани олиб келиб, унга берибди.

— Бир вақтлар отанг: «Боламнинг подшоҳлик қилишга қурби етмайди, бирор кун келиб муҳтож бўлиб қолса, шу харитани унга бер», деган эди,— дебди.

Шаҳзода хаританинг қатини очган экан, орасидан учта қоғоз чиқибди. Бирида шундай дейилган экан: Фалон боғда каптархона бор, ўша каптархонага бориб, ўша ердан фалон томонга етти қадам

юрсанг, саккизинчисида ўн минг дирхам кўмиб қўйибман, олиб эҳтиёжингга сарф қил. Иккинчи қоғозда, фалон кишига ўн минг динор омонат бериб қўйибман, учинчисида эса, фалон мағрибийга ўн минг динор бериб қўйибман, ўша пулларни шу одамлардан олсанг, умрингнинг охиригача ҳеч кимга мухтож бўлмайсан, деб ёзилганмиш.

Шаҳзода бу уч қоғозни ўқиб, суюниб кетибди, дарҳол боққа югурибди, қаптархона ёнидан ўн минг динорни, икки кишидан ўн мингдан йигирма минг динорни олибдида, яна илгаригидай кайфу сафо, айшу ишратга берилиб юраверибди.

Шаҳзоданинг иши юришиб кетганидан хабар топган эски жўралари яна хира пашша бўлиб унинг олдига келишибди, қилмишларига пушаймон бўлиб ундан узр сўрашибди ва у билан яна апоқчапоқ бўлиб кетишибди.

Бир кун шаҳзода зиёфат берибди. Базмга ўша жўраларини ҳам таклиф қилибди.

Шаҳзода май ичиб, сархуш бўлгандан сўнг, ўткир олмос билан бир нечта жойи тешиб қўйилган бир тегирмон тошини ўзига яқинроқ ерга келтириб қўйишларини буюрибди ва ўзи ташқарига чиқибди.

Мажлис аҳли ўша тошни кўриб:

— Во ажабо, бу тошни ким тешиб қўйди экан, бунда қандоқ ҳикмат бор экан? — деб ҳангу мангу бўлиб қолишибди.

Бу ҳолатни узоқдан кузатиб турган шаҳзода қайтиб келиб, нима гаплигини сўрабди.

— Бу тегирмон тошни ким тешди экан, деб таажжубланиб ўтирибмиз, — деб жавоб беришибди дўстлари.

— Отам замонида, — дебди шаҳзода, — Арабистондан бир одам бирталай чумоли олиб келган экан, ўша чумолилар тоштешар чумолилар экан, бу тешиқлар ўшаларнинг ҳунари.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Биз ҳам шунга ўхшаган бир гапни эшитган эдик, — дейишибди ўртоқлари.

Бу сўзларни эшитган шаҳзода ўзича шундай дебди:

«Ана ҳолос, бир бурса гўшт учун ўша куни чинакамига шунча қасам ичсам, ҳеч қайсиси ишонмаган эди. Ҳозир ҳеч қандай ақл бовар қилмайдиган ёлгонни айтсам, ҳаммалари тасдиқлаб ўтирибди. Демак, буларнинг бари яхши кунимгагина ярайдиган дўстлар экан. Аммо менга ёмон кунимга ярайдиган, ноним учун эмас, жоним учун дўст бўладиган одамлар керак...»

\* \* \*

Басралик бир бойнинг беҳисоб қўйлари бор экан. Ҳар кун совлиқларни соғдириб, сутига сув қўшиб сотар экан.

Бир кун чўпон бу ҳолни кўриб:

— Хўжам, хиёнат қилма, оқибати ёмон бўлади, — дебди. Бой барибир унга эътибор бермабди.

Кунлардан бир кун пода тоғ этагида ўтлаб юрганида қаттиқ сел ёғибдию қўйларни оқизиб кетибди.

Кечкурун чўпон кўйсиз қайтибди.

— Кўйлар қани? — дебди бой.

— Эй хўжам, сутга қўшган ўша сувларинг бари йигилиб селга айландию кўйларни оқизиб кетди, — деб жавоб берибди унга чўпон.

\* \* \*

Хусрав даврида шоҳлар ейдиган баъзи бир таомларни фуқаронинг ейиши ман қилинган экан. Агар ўша таомни қора халқдан бирор кишининг егани маълум бўлиб қолса, қаттиқ жазоланаркан.

Бир одам подшоҳга яқин бир ясовулни меҳмон қилибди ва унинг олдига подшоҳлар ейдиган анвойи таомларни келтириб қўйибди.

Ясовул бу уйдан чиқиши биланок қоғоз-қалам олиб, мен фалон кишининг уйида меҳмон бўлдим, дастурхонга подшоҳларга хос анвойи таомларни келтириб қўйди, азбаройи подшоҳ ҳазратларига ихлосим баланд бўлгани учун бу ходисани маълум қиляпман, деб ёзибди.

Хусрав қоғознинг орқасига шундай деб ёзибди.

«Бу қилмишинг учун сенга айтадиган арзон таҳсин-офариним йўқ, аммо у одамни подшоҳлар ейдиган таомни пиширгани учун эмас, балки ёмонликни раво кўрадиган кўрнамакни меҳмон қилгани учун жазолайман».

\* \* \*

Ҳинд подшоҳларидан бири тўрт паҳлавон ака-укага катта ихлос ва зўр эътиқод қўйган экан. Уларни ўзи вояга етказибди. Катта бўлишгач, иккитасини надим, иккитасини жондор — подшоҳнинг шахсий кўриқчиси вазифасига тайинлабди, бу тўрт ака-ука, навбат билан ҳар кеча шоҳни кўриқлаб чиқишаркан.

Бир кун кечаси шоҳ ширин уйкуда ётар, ака-укалардан бири унинг ёстиғи тепасида кўриқчилик қилиб тураркан. Шу чоғ иттифоқо шифтдан бир илон тушиб, ўзини шоҳнинг тўшагига ташлабди ва маликани заҳарлашга чоғланибди.

Жондор нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб қолибди. Агар илон маликани заҳарласа, малика ўлиши, бориб илонни ўлдирса, шоҳ уйғониб кетиши мумкин. У милтиқнинг қўндоғи билан илоннинг бошига битта уриб мажақлаб, тахтнинг остига ташлабди. Кейин қараса, маликанинг кўкрагига жиндақкина илоннинг заҳри томибди. Бу заҳарни артиб ташламаса, малика ҳалок бўлиши мукаррар. Артиб ташлай деса, маликага яқин бориши мумкин эмас.

Жондор этагидан бир парча йиртиб олиб милтиқ учига боғлабди ва ўша латта билан астагина илон заҳрини маликанинг кўкрагидан артиб олибди.

Шу аснода подшоҳ уйғониб кетибди ва жондор маликанинг тахти хоби олдида кетаётганини кўриб, қўнглига ғулғула тушибди, вужудини титроқ босибди, бир амаллаб янги жондор келгунча сабр қилибди, янгиси келганда:

— Тезда менинг фармонимни бажар, зудлик билан бориб, акангнинг калласини олиб кел,— дебди.

Ука акасининг уйига бориб қараса, у хузур қилиб ухлаб ётган экан. «Бирор гуноҳ қилганида бунчалик осойишта, бунчалик тинч ухламас эди», деб ўйлабди ука ва подшоҳ олдига қайтиб келибди.

— Қани калла? — деб сўрабди подшоҳ.

— Ололмадим,— дебди жондор.

— Нима учун?

— Эсимга бир ҳикоя тушиб қолди, аввал рухсатингиз билан шу ҳикояни айтиб берай, кейин хизматларини бажаришга ҳозирман.

— Айт,— дебди подшоҳ.

— Қадимги замонда, — деб ҳикоясини бошлабди жондор. — овга ишқибоз бир подшоҳ бор экан, унинг семурғни ҳам ҳаводан ушлаб кела оладиган бургути бор экан. Ўша бургутни подшоҳ ҳамма нарсадан афзал кўрар экан. Бир куни подшоҳ ов қилиб юриб, бир оҳуни кўриб қолибди. Ўз мулозимлари ва рикобдоридан ажралиб, оҳуни қувиб кетибди. Қанча югурмасин, барибир уни ушлолмай, хориб, чарчаб, чанқаб қолибди.

Подшоҳнинг тасма билан боғлаб қўйган жоми бор экан, ўша жомни олиб, бирор қудук ёки бирор соя жой қидириб кетибди. Анчагина юрганидан кейин узоқда бир дарахт кўринибди. Подшоҳ ўша томонга қараб йўл олибди. Дарахт устида каттакон бир илон ётган экан, подшоҳни кўриши биланоқ заҳрини соча бошлабди.

Подшоҳ ташналикдан захарни сув гумон қилиб, жомни томчининг остига қўйибди. Жом заҳардан тўлибди. Подшоҳ жомни кўтариб, лабига олиб борган экан, бургут бир қанот қоқибди-ю, жомни тушириб юборибди. Подшоҳ бургутдан хафа бўлибди, ичида уни қойибди. Яна жомни дарахт остига қўйиб тўлдирибди ва оғзига олиб бормоқчи бўлибди. Бургут яна бир ҳаракат қилибди-ю, жомни подшоҳ қўлидан тушириб юборибди. Подшоҳ жаҳли чиқиб, бургутни ерга уриб ўлдирибди.

Шу чоғ рикобдор етиб келибди, қараса бургут ўлиб ётибди, подшоҳ эса ташналикдан мажолсиз бўлиб ўтирибди. Дарров обдас-тани тасмадан ечиб олибдию жомни тозалаб ювиб, муздаккина сув қуйиб, подшоҳга берибди, подшоҳ сувни ичгач, ўзига келибди.

Рикобдор, нега бургутни ўлдирдингиз, деб подшоҳдан сўрабди.

Шунда подшоҳ:

— Мен ташналикдан мажолсизланиб қолган эдим. Ҳавонинг намидан озгинагина йиғиб, ичмоқчи бўлганимда, бургут бир ҳаракат қилиб, жомни қўлимдан тушириб юборди, сув тўкилиб кетди. Иккинчи марта яна ўша намдан озгина олиб ичаётганимда бургут яна жомни ағдариб юборди. Фазабим қайнаб, бургутни олиб дарахтга бир урган эдим, ўлиб қолди,— дебди.

Рикобдор дарахтга қарабди: каттакон илон калласини осилтириб заҳар сочиб ётибди.

Рикобдор подшоҳга:

— Бургутни бекор нобуд қилиб қўйибсиз, қаранг, бургут сизни

қандай балодан асрабди. Сиз ичмоқчи бўлган нарса ҳавонинг нами эмас, илоннинг захари экан,— дебди.

Подшоҳ илонни кўриб, шундай вафодор қушни бекорга ўлдирганига пушаймон бўлибди, юрак-бағри эзилибди, бироқ фойда қилмабди.

Мен ҳам акамнинг бошини олиб келсам, бордию эртага подшоҳ бу қилмишидан пушаймон бўлса, унда афсус-надоматнинг фойдаси бўлмайди, деб ўйладим.

Бу сўзларни эшитиб, подшоҳ сукут қилиб қолибди. Шундай қилиб унинг навбати ўтибди, учинчисининг навбати келибди.

Бунисига ҳам подшоҳ ўша фармонни бериб, ўз биродарининг бошини олиб келишини буюрибди.

Жондор акасининг олдига борибди, қараса, акаси ухлаб ётибди. Ҳарчанд калласини олишга жазм қилса ҳам, қондошлик меҳри галаба қилибди ва у қайтиб келибди.

Подшоҳ:

— Нима қилдинг? — деб сўрабди ундан.

— Эй шаҳриёри олам, фармонингизга биноан биродаримнинг калласини олмоқчи эдим, бироқ бир ҳикоя эсимга тушиб қайтиб келдим, ижозат берсангиз, нақл қилиб берай.

— Айт,— дебди подшоҳ.

— Баджаҳл ва бадҳашм бир подшоҳ бўлган экан,— деб гап бошлабди жондор,— лекин худо унга ҳануз фарзанд бермаган экан. Вақт-соати келиб унга ниҳоят гўзал бир фарзанд ато қилибди. Унинг улуг ва маърифатли зот бўлиб етилиши қиёфасидан ҳам билиниб тураркан.

Подшоҳ гўдакнинг жуссасини кўриб, кўнгли хийла кўтарилибди ва унинг тарбиясини энг оқил, энг доно кишиларга топширибди.

Подшоҳнинг бир росу<sup>1</sup> бор экан, бўш вақтларида у ўша росу билан ўйнашни, унинг ҳаракатларини кузатиб ўтиришни севаркан; бу росу ҳамиша шаҳзоданинг бешиги ёнида тураркан.

Бир кун энага қаёққадир чиқиб кетганда, тасодифан каттакон бир илон шифтдан осилиб тушиб, бешикка яқинлашибди. Буни кўрган росу ўзини илонга ташлабди ва узоқ олишишдан сўнг илонни ўлдирибди.

Доя келиб қараса, росунинг оғзи тўла қон. Уёқ-буёққа қарамасдан росу болани еб қўйибди, деб дод солибди, подшоҳнинг олдига югурибди.

Подшоҳ фарзанд доғидан ўзини йўқотиб қўйиб, кўзига тушган бир гурзини олибди-ю, келиб росуни уриб ўлдирибди.

Кейин бешикка қараса, бола тинч ухлаб ётганмиш. Каттакон бир илон бешик олдида ўлиб ётган эмиш. Шунда билишибдики, росу илонни ўлдирган экан.

Подшоҳ росудан ажралганига кўп қайғурибди, лекин фойдаси бўлмабди.

<sup>1</sup> Росу — оддий сичқондан каттароқ бир жонивор. Илон ва сичқонларни ейди.



Мен ҳам ўша подшоҳга ўхшаб пушаймон бўлмай, деб биродаримнинг калласини олмай келдим.

Бу ҳикояни эшитгандан сўнг подшоҳ жондорнинг акасини чақиришга розилик берибди. У келгандан кейин подшоҳ шундай дебди:

— Мен кеча сени маликанинг тахти олдидан келаётганингни кўрган эдим. Наҳотки подшоҳларнинг ғазаб ўти озгинагина шабададан ҳам аланга олишини ва бу алангани ҳеч қандай сув ўчира олмаслигини билмасанг?!

Бунга жавобан йигит шундай дебди:

— Иффат ва поклигим туфайли мен хатардан қутулдим. Мухлис бандаларига нисбатан подшоҳнинг шубҳа ва гумони ўринсиз. Агар буни исботи керак бўлса, тахтнинг остига назар солсинлар, унинг қай даражада содиқлиги подшоҳга аён бўлгай.

Подшоҳ тахтнинг остига қараб, илонни кўрибдию мушфику меҳрибон надимининг садоқатига қойил қолибди ва унга ташаккур баён этибди...

Бу ҳикоятдан мурод шуки, ҳар ишга тааммул, сабру бардош керак. Сабрсизлик, шошқалокликнинг оқибати ҳамisha войдир...

\* \* \*

Анушервоннинг ақлу заковатли бир вазири бор экан, шу вазир бир амирни қўллаб-қўлтиқлаб юраркан. Амирнинг айтгани айтган, дегани деган экан.

Бир куни ўша амирнинг фуқароларидан бир неча киши Анушервон ҳузурига арзга келиб:

— Сенинг амиринг бизга ҳаддан ортиқ жабру зулм қиляпти, биздан хирож талаб қиляпти,— дебди.

Анушервон ўша амирни саройга олиб келишларини буюрибди, бироқ амир бу хабарни эшитиши биланоқ жуфтакни урибди.

Шунда Анушервон уни қўллаб-қўлтиқлаб юрадиган вазирни чақириб, унга жазо берибди.

Ҳамма ҳайрон қолиб:

— Шаҳриёри олам, гуноҳкор амир-ку, сиз нега вазирнинг таъзирини бердингиз? — деса, Анушервон шундоқ жавоб берибди:

— Жабрийда золимни бизга яқин қилган эди. Мусани аламини Исадан олдик деб шуни айтадилар-да! — дебди.

\* \* \*

Ҳинд ҳақимларининг ҳикоя қилишича, тўрт ўртоқ сафарга чиқиб, йўлда бир киши ҳамроҳ бўлиб қолади. Ҳалиги одамнинг ёнида қимматбаҳо гавҳар бўлиб, уни бир қутичага солиб олган ва ҳар замон хавотирланиб, қутичага бир қараб қўяр экан.

Тўртгала ўртоқдан бири бу сирдан воқиф бўлади ва қулай фурсат топиб, қутичани ўғирлайди. Қутича эгаси бир маҳал қараса, қутича

йўқ. Жуда хафа бўлади. Буларга тавалло-тазарро қилади, ҳеч ким икром бўлмайди. Бечора, тарвузи қўлтиғидан тушиб, буларга эргашиб бораверади. Ниҳоят, булар бир шаҳарга етиб келишади. Гавҳар эгасининг сафардан муроди шу шаҳарга келиш экан. У дарров подшоҳ олдига бориб:

— Мен хазинангизда йўқ гавҳарни сизга олиб келаётган эдим, йўлда тўрт кишига ҳамроҳ бўлиб қолдим, шу тўрт киши гавҳарни ўғирлади, шунча қилсам ҳам барибир қайтариб беришмади,— дебди.

Подшоҳнинг амри билан тўрталасини камокқа оладилар. Шунча кийноғу кистовга олсалар ҳам ҳеч бири икром бўлмайди. Подшоҳ шу ишда ожизлик қилиб қолади.

Подшоҳнинг ҳусну латофат ва ақлу фаросатда тенги йўқ бир қизи бор экан. Дадасининг фикру хаёл уммонига ғарқ бўлганини кўриб қиз шундай дебди:

— Сиз ўша тўрт кишини менга топширинг, мен илму ҳикмат ишлатиб, гавҳар кимдалигини аниқлайман.

Подшоҳнинг амри билан тўртала маҳбусни қизнинг ҳузурига олиб келишади. Қизнинг амри билан бандиларнинг оёғидан кишанларни ечиб, уларга зарбоф тўнлар кийгизишади ва кейин уларга:

— Қунда менинг ҳузуримга келиб, жаҳон ҳодисаларидан бирон нарсани нақл қилиб берасизлар,— деб буйруқ беради.

Қунда уларга шароб бериб, яхши таомлар билан сийлайди. Бориб-бориб улар билан ҳамсуҳбат бўлиб олади.

Бир куни қиз уларга шундоқ дебди:

— Шу кунларда жуда камдан-кам содир бўладиган воқеа юз бериб, мушкул бир муаммо чиқиб қолди. Биз жуда кўп кишига мурожаат этдик, ҳеч ким бу масалани ечолмади. Сизлар кўпни кўрган жаҳонгашта одамлар бўлганларинг учун шу масалани ақлу идрок билан ечасизлар, деган умиддаман.

— Марҳамат, бажонидил,— дейишади улар.

Подшоҳнинг қизи шундоқ гап бошлайди:

— Бор экан, йўқ экан, бир подшоҳнинг қизи бор экан. Қунлардан бир кун шу қиз канизақлари билан боғни айланиб юрган экан, тасодифан кўзи ловиллаб очилиб турган бир гулга тушадию бу гул унга ёқиб қолади. Боғбоннинг ўғли бундан хабардор бўлиб, ўша гулни узиб қизга тақдим этади. Ўша подшоҳ салтанатида шундай одат бор экан: ким гул узиб келса, истаган мақсадига етаркан.

Қиз боғбоннинг ўғлидан:

— Тила тилагингни,— деб сўрабди.

Боғбоннинг ўғли камоли ёшлик ва нодонликдан:

— Қачон сени эрга берсалар, висол боғингдан биринчи гулни мен узсам,— дейди.

Шоҳ қизи бу шартга кўнади ва улар бир-бирлари билан хайрлашадилар.

Бирмунча вақтдан кейин қизни эрга беришади. Никоҳ кечаси қиз куёв билан учрашганда эрига шундоқ дейди:

— Мен боғбоннинг ўғли билан аҳду паймон қилганман. Ваъдага вафо қилмаслик одоб-ахлоқдан эмасдир.

Эри рухсат беради. Қиз боғ томонга қараб йўл олади. Тўсатдан рўпарасидан бир шер чиқади ва унга ҳамла қилмоқчи бўлади.

Қиз шундай дебди:

— Шер, биламанки, ажалга чап бериб бўлмайди... Аммо гўдаклик айёмимда боғбоннинг ўғли билан аҳду паймон қилганман, ҳозир ўша ваъдамга вафо этгани кетяпман. Озгина фурсат бер, бориб ўша аҳдимга вафо қилиб келай, кейин мен сенинг ихтиёрингдаман, нима қилсанг қил,— дейди.

Шер бунга кўнади. Қиз бирмунча йўл юргандан кейин қаршисидан бир ўғри чиқади. Ўғри қизнинг ҳусну жамоли ва зебу зийнатини кўриб: «Оҳ, худо берди-ку менга!» — дейдию қизнинг йўлини тўс-моқчи бўлади.

Қиз шундай дебди:

— Агар мард бўлсанг, рухсат бер, мен шу боққа бориб, аҳдимга вафо қилиб келай, кейин мен сенинг ихтиёрингда, истасанг мана бу зебу зийнатнинг барисини бераман.

Ўғри уни қўйиб юборади. Қиз боққа боради. Боғбоннинг ўғли подшоҳнинг кизини кўриб, унинг оёғига бош қўяди.

Қиз:

— Мен ўша аҳдимга биноан танимни сенга фидо қилгани келдим,— дебди.

Боғбоннинг ўғли ер ўпиб:

— Мен ёшлик, нодонликдан ўша аҳмоқона гапни гапирган эдим, сиз қаёқдаю мен қаёқда, маликам! Эсон-омон уйингизга боринг, мен бу гапнинг баҳридан кечдим,— дебди.

Қиз қайтади ва йўлда пойлаб турган ўғрига:

— Боғбоннинг ўғли мардлик қилиб ўз насибасидан воз кечди. Мана энди барча зару зевар билан мен сенинг ихтиёрингдаман, дебди.

Ўғри:

«Бу қиз, гарчи ақли қисқа бўлса ҳам аҳду паймон борасида ақл бовар қилмайдиган жасорат кўрсатибди. Наҳот мен шундоқ одамга хиёнат қилсам?» — дейдию кизни қўйиб юборади. Қиз шернинг олдига келади ва бўлган воқеани унга айтиб беради. Шер тилга кириб шундай дебди:

— Шуни билгинки мен, шер эмас, шер суратига кириб сени пойлаб турган бир руҳонийман. Модомики, аҳдинга вафо қилибсан, энди сени ўлдиришга ҳожат йўқ, бор, эсон-омон манзилингга ет!

Қиз эрининг олдига келиб, бўлган воқеани гапириб беради. Мен шу тўрт кишидан қайси бири мард эканини билмоқчиман. Биринчи ўрток:

— Боғбоннинг ўғли мард экан, бўлмаса, бошига шундай бахт куши кўнадию ўз нафсини тийиб ўтирармиди? — дебди.

Иккинчиси:

— Шер мардрок экан, бўлмаса, табиатан йиртқич ва оч бўлишига қарамасдан, ҳалол луқмадан воз кечармиди? — дебди.

Учинчиси:

— Қизнинг эри мард экан, мард бўлмаса, воқеани билатуриб ўз ҳамиятини енгиб, хотинини боғбоннинг ўғли олдига юборармиди? — дебди.

Тўртинчиси:

— Ўғри мардрок экан, бўлмаса, шунча зебу зийнатнинг бахридан ўтармиди? — дебди.

Суҳбат тугагандан кейин подшоҳнинг қизи отаси хузурига бориб, шундоқ дебди:

— Бу тўрт кишининг табиати бир-бирига мутлақо қарама-қарши экан. Боғбоннинг ўғлини мақтаган одам ўзи хотин-халажга мойилроқ киши. Шерни мақтаган киши нафс бандаси, унинг калласида ейиш, айш-ишратдан бошқа нарса йўқ. Қизнинг эрини мақтаган одам — ҳамяятсиз эркак.

Ўғрини мардга чиқарган одам гавҳар ўғриси, чунки ҳар ким ўз ҳунарини мактайди. Ўғрилик ва хиёнат унинг ҳунари бўлгани учун ўғрининг бу қилмиши кўзига мардлик бўлиб кўринди.

Шундан кейин ўша ўғрини мақтаган одамни қайтадан сўроқ қилишади ва гавҳар ўшандан чиқади.

\* \* \*

Мухаммад бинни Маҳмуднинг «Халқ-ул инсон ва ҳулқ-ул инсон» деган китобида шундоқ дейилган:

— Ўтакетган ҳасиснинг ниҳоятда сахий бир қўшниси бор экан, бу ҳасис ҳар хил йўл билан унга зарар етказар ва ҳамиша ғийбат қилиб, унинг пайини қирқиш ниятида юраркан... Бир куни ҳасис кул сотиб олиб, уни жуда яхши парвариш қилибди ва унга ҳаддан ортиқ лутфу марҳаматлар кўрсатибди. Бир неча марта кулига:

— Мен сени бекорга боқиб юрганим йўқ, бир ҳожатим бор, вақти соати етса, шуни албатта чиқарасан, — дебди.

Бирмунча вақт ўтгандан кейин бир куни кечаси кулни томга олиб чиқибди ва шундоқ дебди:

— Шуни билгинки, мен бу қўшнининг дастидан жонимдан тўйганман, бирор шикаст етказай десам, ниятим амалга ошмайди. Ҳасаддан на кечаси, на кундузи ҳаловатим бор. Шунча вақтдан бери сени боқиб келганимдан мурод шуки, бу кеча мени қўшнининг томида ўлдириб, ўлигимни ҳовлисига ташлайсан. Азон пайти жасадимни кўрган одамлар уни қотилликда айблаб, қамаб юборишади ва шу билан унинг молу мулки талон-торож бўлиб кетади. Мен сени озод қилиб, қўлингга қоғоз, бу шаҳардан кетишинг учун эллик динор пул ҳам бераман. Сен бу пул билан бошқа ерга бориб, уй-жой қиларсан.

Кул бунга жавобан:

— Эй эгам, бу иш инсон қиладиган иш эмас, сен ўлиб кетганингдан кейин у ўлди нимаю ўлмади нима, — деб шунча уқтирса ҳам бўлмабди.

Кул хўжасининг бошини қўшнининг томида кесиб, ҳовлига ташлайди. Эртасига Исфаҳонга бориб ўша ерда тўхтайтиди.

Бу ҳолдан хабардор бўлган султоннинг одамлари ҳалиги бегуноҳ қўшнини ушлаб ҳибс қилиб қўйишади ва у бирмунча вақт қамоқда ётади. Унинг жиноятини бўйнига қўёлмасалар ҳам кўпчилик бағдодлик унинг ҳалоллигига гувоҳлик берса ҳам, барибир уни ҳибсдан бўшатмайдилар.

Анча вақтдан кейин бағдодлик бир савдогар Исфаҳонга борадию ўша қулни кўриб, у билан ҳамсуҳбат бўлади. Кул ўша одамнинг аҳволини сўрайди.

Савдогар ҳалиги бегуноҳнинг бошига тушган кулфатларни айтади. Кул хўжасининг қилмишини айтиб беради, савдогарлар унга гувоҳ бўлишади. Булар Бағдодга қайтиб келгач, бўлган воқеани тафсилоти билан гапириб бериб, бир бечорани қуруқ тухматдан қутказишади...

Оқиллар, шуни билингларки, кимки ҳасадгўй бўлса, ҳасад ўти ўз жонига бало бўлади.

\* \* \*

«Мулки Ажам тарихи» деган китобда шундай дейилган: Эроннинг афсонавий подшоҳларидан Гуштасп Румга бориб, Кустантанияда манзил қурганида қўлида ҳеч вақоси йўқ экан. Бировдан бирон нима сўрашга иззат-нафси йўл бермабди.

Гўдақлик чоғларида отасининг саройида бир темирчи бўлган экан. Гуштасп ўша темирчининг пичоқ, тиг ва узанги ясашига ҳаваси келиб, ҳар гал унинг олдига борганида темирчининг хунарини завқ билан томоша қиларкан.

Кустантанияда бепул қолганда темирчиларнинг олдига бориб, «мен бу хунарни яхши биламан», дебди.

Уни мардикор қилиб олишибди, кунига қанча пул тушса, унга бир қисмини беришибди. Шу тариқа бировга муҳтож бўлмай ўз тиркчилигини ўтказибди. Ўз вилоятига қайтиб келиб, тахтга ўтиргандан кейин ҳамма, мол-давлатидан қатъи назар, ўз фарзандига касбу хунар ўргатсин, хунари бўлса, одам ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди, деб фармон берибди. Ал хирфа амон минал факр<sup>1</sup>, дебдилар.

Ўғилгинам, ўрган ҳамиша хунар  
Хунар сени гадоликдан қутқарар.

\* \* \*

Ўз замонида касбининг устаси бўлган бир заргар ўтган экан. Тасодифан бир ўлканинг подшоҳи хазинамдаги дурру гавҳарларни келиб кўриб, сарагини саракка ажратиб берсин, деб уни чакиртирибди.

<sup>1</sup> Хунари бор одам хор бўлмайди.

Заргар ўша ўлкага қараб йўл олибди. Хотини ҳомиладор экан, хотинига қараб:

— Агар ўғил туғсанг, яхши ният билан Рўзбех қўй, агар қиз туғилса, ихтиёр ўзингда, ёққанини қўявер,— дебди.

Заргар кетгандан кейин вақту соати етиб унинг хотини эгизак — икки ўғил туғибди. Бирини Рўзбех, иккинчисини Бехрўз деб атабди.

Заргар бир йил подшонинг хизматида бўлибди. Хотини кунда хат ёзиб, ўзи ва болалари аҳволидан эрини огоҳ қилиб юрибди.

Заргар бола-чақаларини жуда соғинибди. Бир йилдан кейин рухсат сўрабди, подшоҳ ижозат бермабди.

— Бирор ишончли одамнинг бўлса юбор, бола-чақангни олиб келсин,— дебди подшоҳ.

«Бир оз сабр қилай, заруратсиз уй-жойни ташлаб келиш ақлдан эмас», дебди заргар ўзича. Яна бир йил сабр қилибди, барибир подшоҳ ижозат бермабди. Орадан олти йил ўтибди. Болалари катта бўлишибди, хат-савод, одоб-ахлоқ ўрганишибди.

Заргар болаларини жуда соғинибди, подшоҳ ижозат бермагач, уларни олиб келгани одам юборишга мажбур бўлибди.

Улар йўл тадоригини кўриб жўнашибди. Заргар хизмат қилиб юрган ўлкага етганда улар катта бир анҳор бўйида тўхташибди. Болалар сув бўйига бориб ўйнашибди.

Тасодифан ўша кунни заргар ҳам анҳор бўйини айланиб юрган экан, болаларни кўрибди-ю, аммо танимабди. Сув бўйида таҳорат олибдию ҳамёнини ўша ерга қўйиб, нарироққа бориб намоз ўқишга киришибди.

Қайтиб келиб қараса ҳамён йўк. Мундоқ қараса, иккита бола ўйнаб юрибди.

— Бу ерга олтин ҳамён қўйган эдим, кўрмадингизми? — дебди.

Болалар:

— Йўк, кўрганимиз йўк,— дейишибди.

— Сув бўйида сизлардан бошқа ҳеч ким йўк эди-ку, олтин ҳамёнини қайтариб беринглар, бўлмаса, адабларингизни бераман,— дебди заргар.

Дарҳақиқат, болалар ҳамённи кўришмаган эди, шунинг учун инкор қилишибди.

Заргар жаҳли тез одам экан, суриштирмай-нетмай иккала болани сувга улоқтириб юборибди.

Бирмунча вақтдан кейин болаларнинг онаси етиб келибди.

Ота:

— Болаларим қани? — деб сўраса, она:

— Сув бўйига томоша қилгани кетишган эди,— дебди.

Она болаларининг ташки қиёфасини айтиб бергандан кейин ота ёқасини чок етиб, дод-фарёд кўтарибди. Кейин узоқ вақт болаларининг фириқидан йиғлабди.

Заргар шундай дебди:

— Мен бу ерга болаларим туфайли, уларнинг ризку рўзини топарман деб келган эдим, энди уларни кўлдан берганимдан кейин яхшиси бу шаҳардан кетай.

Заргар саройга бормасдан, бошқа юртга қараб йўл олибди.

Тасодифан тўлқин болаларни сувдан чиқариб ташлабди, лекин иккисини икки ёққа!

Ўша шаҳарнинг подшоҳи шикорга чиққан экан, мундоқ қараса, бир хушрўйгина бола сув бўйида мадорсиз ётган экан.

— Кимсан? — деб боладан сўрабди.

Бола бўлган воқеани айтиб берибди. Подшоҳнинг юраги болага ачибди ва ундан:

— Отинг нима? — деб сўрабди.

— Отим Бехрўз,— дебди бола.

— Отинг хосиятли экан, мен сени ўғил қилиб олдим,— дебди подшоҳ ва болани ўз мулкига олиб кетибди.

Иккинчи болани, Рўзбеҳни йўлтўсарлар топиб олишибди ва: «Бир савоб иш қилиб буни сотайлик, тушган маблаққа мол олайлик», дейишибди.

Шу ният билан болани шаҳарга олиб боришибди. Фалакнинг гардиши билан ўша куни заргар ҳам шаҳар бозорига тушган экан. Ўғрилар ҳам болани сотгани бозорга олиб чиқишган экан. Оталик меҳри жўш уриб заргар ўша кичкина қулбаччани сотиб олиб, уйига келибди. Она ўз боласини кўриши биланоқ заргарга:

— Бу сенинг ўғлинг! — дебди.

Заргарнинг қалбида оталик меҳри жўш урибди. Хурсандликдан:

— Энди бир боламни топдим, шунинг шодиёнасига подшоҳ хизматига қайтиб борсам, савоб иш қилган бўламан,— дебди-ю, қайтиб бориб, воқеани подшоҳга айтиб берибди.

Подшоҳ заргарга мукофот берибди ва унинг мартабасини оширибди.

Заргар ўз илмини ўғлига ўргатибди, унинг сирру асроридан болани воқиф қилибди. Рўзбеҳнинг илми камолга етгандан кейин отаси дастмоя бериб, уни савдогарчиликка юборибди. Рўзбеҳ тасодифан Бехрўз истикомат қиладиган ва подшоҳ ўлиmidан сўнг валиаҳд эълон қилинган шаҳарга бориб қолибди.

Бехрўз бу шаҳарда подшоҳлик қилар, фуқаро тинч яшар экан.

Рўзбеҳ унинг ҳузурига келибди, лекин улар бир-бирларини танимабдилар.

Подшоҳ дарров унинг қорнини тўйғизибди, олиб келган дурру гавҳарларини ортиқча баҳо бериб олибди, Рўзбеҳ жуда катта фойда кўрибди.

Подшоҳ Рўзбеҳга ўз ҳузурига қолишни таклиф қилибди ва тирикчилик учун барча кераклик имкониятларни муҳайё этишга ваъда берибди.

Рўзбеҳ шундай дебди:

— Биз фуқарога шоҳнинг хизмати вожибдир, аммо бир нарса тўскинлик қилади, у ҳам бўлса, ота-онам. Улар менга қарам бўлиб қолган, уларнинг хизматини қилиш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз, — дебди, — агар шу хизмат бўйнимда бўлмаганда аъло ҳазратга ба-жонидил мулозим бўлар эдим.

Бунга жавобан подшоҳ:

— Хат ёз, ота-онанг бу ерга келишсин, — дебди.

Рўзбех хат ёзиб, ота-онасини чакирибди ва ўзи подшоҳ хизматида бўлибди. Дабдурустдан душман лашкари подшоҳга кўз олайтириб, унинг мамлакатига ҳужум қилибди.

Подшоҳ аскарлари ўша душманга қарши курашгани кетибди, сарой бўш қолибди.

Бир кеча Бехрўз Рўзбехни чакиртирибди, улар айшу ишрат қилиб ўтиришибди. Бехрўз уйкуга кетганда Рўзбех шундай дебди:

— Бу кеча посбонлар йўқ, яхшиси шуки, азонгача ухламай, посбонлик қилиб чиқай.

Шу мақсадда қиличини яланғочлаб, шоҳнинг ёстиғи тепасида турибди. Шоҳ юборган лашкар душманга қаршилиқ кўрсатолмасдан қайтибди. Баъзи лашкарбошилар подшоҳга одам юбортириб, ўз ғамингизни ўзингиз енг, деб илтимос қилишибди. Вакиллар келиб кўрсаларки, шоҳ уйкудаю Рўзбех унинг бошида қиличини яланғочлаб турибди. Бу подшоҳга қасд қияпти, деб ўйлаб, улар Рўзбехни қўл-оёғини боғлашибди. Бехрўз уйқудан уйғонгандан кейин улар бу воқеани унга айтиб беришибди.

Подшоҳ Рўзбехга шундай дебди:

— Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, сен менга нисбатан бу ишни раво кўрдинг?

Рўзбех шундай дебди:

— Подшоҳимнинг умрлари узун бўлсин, бу кеча посбонлар йўқ эди, бирон қор-қол бўлмасин деб мен тонггача мижда қокмай чикдим. Бу ҳасадгўйларнинг гапларига қулоқ солманг.

— Буни зиндонга ташланглар! — дебди подшоҳ ва ўзи жангга кириб, душманн енгибди. У ўз мулкига қайтиб келиб билсаки, Рўзбехнинг ота-онаси ўғилларининг хатини олган кунёқ етиб келишган экан. Ўғиллари ҳибсда ётганидан огоҳ бўлгач, дарров подшоҳга, эй подшоҳи одил, биз ғариб бенаволар ҳузурингизга паноҳ истаб келган эдик. Икки фарзандимиз бор эди, бири Рўзбех, иккинчиси Бехрўз. Биз ҳар иккаласидан айрилдик — иккаласи ҳам сувга ғарқ бўлиб кетди. Қанча ранжу аламдан кейин парвардигор Рўзбехни қайтариб берди, аммо иккинчи ўғлимиз беному нишон кетди. Бу ерга келсак, подшоҳ ўғлимизни ҳибсга олибди. Агар бирор гуноҳ ундан содир бўлган бўлса, ғарибу бенаволигимизни назарда тутиб кечирсангиз, дуои жонингизни қилур эдик. деб нома ёзишибди.

Бехрўз уларнинг сўзини эшитгач, кўзларидан ёш чиқиб, тахтда туришиб, ота-онасининг оёғига бош қўйибди.



— Сизларнинг Беҳрўзларинг мен бўламан, зиндонда ётган менинг биродарим! — дебди.

Шу он одам юбориб, Рўзбеҳни зиндондан олиб келтирибди, кейин онасини кўшкка жўнатибди. Шу-шу қолган умрларини улар бирга ўтқазishiбди.

Бу воқеа сабрсизлик ва шошмашошарликнинг оқибатидир. Агар заргар суриштирмай-нетмай болаларини сувга гарқ қилмаганда бошига шунча ранжу қулфатлар тушмас эди. Агар Беҳрўз гаразли одамларнинг сўзига ишониб, Рўзбеҳни қатл қилганда пушаймонлик фойда қилмас эди.

Оқилларга шу аён бўлсинким, бири сабрсизлиги оқибатида шунча ранжу алам чекди, иккинчиси сабру таҳаммул натижасида ўз муродига етди.

\* \* \*

Бағдод кўчаларидан бирида бир содда одам эшак миниб кетаётган экан, кетидан бўйнига кўнғироқ осилган эчкиси кўнғирогини жиринглатиб борар экан. Уч ўғри уни кўриб қолиб, бири:

— Мен ҳозир бориб, бу одамнинг эчкисини ўғирлаб келаман,— дебди.

— Агар сен шу ишни қилсанг,— дебди иккинчиси,— мен унинг эшагини ўғирлаб келаман.

— Шу ҳам иш бўптими? — дебди учинчиси,— мен, ҳозир унинг эғнидаги тўнини ўғирлаб келаман.

Ўғрилардан бири дарров содданинг кетига тушибди ва қулай фурсат топиб, кўнғироқни эчкининг бўйнидан ечиб, эшакнинг думига боғлабди.

Эшак думини кимирлатган сари кўнғироқ жиринглайверибди, содда одам эчки орқада келяпти, деб ўйлаб, бемалол кетаверибди.

Иккинчи ўғри бир тор кўчанинг бошида туриб олиб:

— Дунёда ажаб содда одамлар бор-да,— дебди,— ҳамма кўнғироқни эшакнинг бўйнига осса, бу одам думига тақибди.

Содда орқасига қараса, эчкиси йўқ. «Эчкимни ким ўғирлади?» — деб дод солибди.

Ўғри соддага:

— Биров мана шу тор кўчага эчки етаклаб кирганини ҳозиргина кўриб қолдим,— дебди.

Содда унга:

— Ҳой, биродар, умрингдан барака топкур, бирпас эшагимга қараб тур, мен эчкимни топиб келай,— дебди.

— Майли,— дебди ўғри,— лекин тезроқ кел. Мен шу мачитнинг сўфисман, узок қараб туришга фурсатим йўқ.

Содда кўздан ғойиб бўлиши биланоқ ўғри эшакни олиб қочибди.

Учинчи ўғри бир кудукнинг лабига бориб ўтирибди. Ҳам эчкиси, ҳам эшагидан ажралган содда пайдо бўлиши билан дод сола бошлабди. Содда бу ҳолни кўриб:

— Ҳой биродар, сенга нима бўлди? — дебди.— Менинг эчким билан эшагимни ўғирладилару, сен нега додлайсан?

— Қўлимдаги дурру жавоҳирлар солинган қутичам кудукқа тушиб кетди, ўзим кудукқа тушолмайман. Агар қутичани олиб чиқсанг, сенга ўн динол олтин бераман,— дебди ўғри.

Содда тўнни ечиб, кудукқа тушибди. Ўғри фурсатдан фойдаланиб, тўнни олиб қочибди.

Содда кудукнинг ичидан, бу ерда ҳеч нарса йўқ-ку, деб бакирибди. Ҳеч қандай жавоб бўлмабди. Кудукдан чиқиб қараса, ҳалиги кишидан ном-нишон йўқ эмиш.

Содда одам иккита чўпни бир-бирига уриб ўтираверибди. Одамлар буни кўриб:

— Ҳой биродар, жинни-пинни бўлдингми, нега бекордан-бекорга шақиллатиб ўтирибсан? — деб сўрашган экан, у:

— Нима қилай, мабодо ўзимни ҳам ўғирлаб кетишмасин деб эҳтиёт чорасини кўриб ўтирибман,— дебди.

\* \* \*

Бир хасис бой кунлардан бирида ғуломига:

— Эй, ғулом, нон олиб келиб эшикни ёпгин,— деса, ғуломи:

— Хўжам, хато қилдингиз,— дебди.— Эшикни ёпгину нон олиб келгин, денг!

\* \* \*

Биров пайғамбарлик даъво қилган экан, уни подшоҳ ҳузурига олиб келишибди. Ҳалиги одам кўк тўн билан кўк салла ўраган экан. Подшоҳ ундан:

— Кимсан? — деб сўраса, у:

— Мен пайғамбарман! — дебди.

— Пайғамбар бўлсанг, қанақа мўъжиза кўрсатоласан?

— Нима истасанг дарҳол ҳозир қиламан.

— Ундай бўлса, ҳозир менинг кўз олдимда қовун экасан, у палак ёзсин, етилсин, пишсин. Мен ундан бахра олай.

— Бўлмаса, менга уч кун муҳлат бер,— дебди ҳалиги одам.

— Йўқ, шу соатнинг ўзида мен тотиб кўрмоқчиман.

— Эй ноинсоф, ўн саккиз минг оламни яратган парвардигор ҳам уч ойда қовунни яратади-ю, сен менга лоақал уч кун фурсат бермайсанми?

Ўтирганлар қулиб юборишибди, подшоҳ унинг қизиқчи эканини билиб, инъомлар берибди.

\* \* \*

Бир ўртамиёна шоир Абдурахмон Жомийга шеърини ўқиб бериб:

— Шуҳрат қозониш учун шу шеъримни шаҳар дарвозасига осиб қўймоқчиман, жаноблари нима дейдилар? — деса, Жомий:

— Жуда яхши, унда бу шеърнинг ёнига ўзингни ҳам осиб қўйиш керак, бўлмаса одамлар бу шеър сеники эканлигини қаёқдан билишади? — дебди.

\* \* \*

Бир нўноқ шоир Абдурахмон Жомийга шундай дебди:

— Маккага борган эдим, азбаройи табаррук бўлиши учун шеърларим девонини ҳажарул асвад (муқаддас кора тош)га суртиб-суртиб олдим.

— Ҳай-ҳай,— дебди Жомий,— кўп янглиш иш қилибсан, асли оби замзамга ювиб келсанг яхшироқ бўлур эрди.

\* \* \*

Бир нўноқ шоир Абдурахмон Жомийга:

— Шу кеча Хати Хизрни туш кўрдим, муборак тупукларини оғзимга суриб кетдилар,— деса, Жомий:

— Янглишибсан, Хати Хизр сенинг афту башарангга тупурган, сен оғзингни очиб ётганинг учун тупуги оғзингга тушган,— дебди.

\* \* \*

Амир Темур Форс вилоятини забт этгандан кейин Шерозга келади. Ҳофиз Шерозийни ўз ҳузурига чакиртиради. Амир Темурга яқин шахслардан бири дарров Ҳофизни топиб келади. Ҳофиз жулдур кийим кийиб, фақирона ҳаёт кечириб юрган экан. Амир Темур шоирга разм солиб:

— Эй Ҳофиз, мен Бухоро билан Самарқандни обод қилиш мақсадида қилич кўтариб оламни хароб қилиб юрибману сен бу иккала шаҳарни битта ҳинду холига бағишлаб:

Агар кўнглимни банд этса ўшал Шероз жонони  
Хинду холига бахш этгум Самарканду Бухорони,—

деб шеър ёзасанми? — деса, Ҳофиз:

— Султоним, сахийлигим туфайли шу аҳволга тушиб юрибман-  
да! — дебди.

\* \* \*

Камол Хўжандий ўз шеърларида «ит» деган сўзни, Ҳасан Дехлавий «дилоромим» деган сўзни кўп ишлатар экан. Биров бу иккала шоирнинг деворини битта муқовага солиб, қўлтиғига қистириб бораётган экан, бир шоир:

— Ҳой биродар, бу иккала девонни бир-биридан дарҳол ажратиб қўй, бўлмаса, Камол Хўжандийнинг итлари Ҳасан Дехлавийнинг дилоромини еб қўяди-я! — дебди.

\* \* \*

Бир куни шоир Анварий Балх бозорини айланиб юрган экан, бундоқ қараса, биров унинг шеърини баланд товуш билан ўқимокда, атрофдагилар унга таҳсин ва офарин айтмоқда экан.

Анварий яқинроқ бориб:

— Биродар, кимнинг шеърини ўқияпсан? — деб сўрабди.

Ҳалиги одам:

— Анварийнинг шеърини,— дебди.

— Анварийни танийсанми?

— Нима эди? Анварий ўзим бўламан! — дебди ҳалиги киши.

— Ё тавба,— дебди Анварий кулиб,— шеър ўғрисини эшитган эдим, аммо шоир ўғрисини биринчи кўришим.

\* \* \*

Тўқимтабиат бўлса ҳам шоирлик даъво қиладиган шахзодалардан бири Жомийнинг бир ғазалига назира ёзиб, ўқиб бергандан кейин:

Баски дар жони фигуру чашми бедорам туйи,  
Ҳарки пайдо мешавад аз дур пиндорам туйи,—

яъни: афгор бўлган жоним билан уйқусиз кўзимдан сира кетмаганинг учун узоқдан кимни кўрсам сен деб ўйлайман, деб ёзибсиз. Бордию узоқдан кўзингизга сигирми ё эшак кўринса-чи? — деса, Жомий:

— Барибир, ўшанда ҳам сен деб ўйлайман,— деб жавоб берибди.

\* \* \*

Шоир Лутфийни Бойсункур Мирзо тарбиялаб вояга етказган экан. Лутфий бир куни мавлоно Музаффар Ҳиравийнинг «боғ» ра-

дифли қасидасига чиройли жавоб ёзиб, Мирзо Бойсунқурга тортик қилибди. Мирзога бу жавоб ёқибди ва унинг «сарой» радифли қасидасига ҳам жавоб ёзишни буюрибди. Шунда Лутфий:

— Аввал кўрай-чи, унинг боғидан қандоқ мева ерканман, ана ундан кейин саройига қадам қўяман,— дебди.

Мирзо кулиб, унга катта инъом берибди.

\* \* \*

Шоирлардан бири Жомийга:

— Камол Хўжандий билан Хўжа Ҳофизнинг девони ҳамда Амир Алишернинг юз калима шеърига жавоб ёздим,— деса, Жомий:

— Бу-ку яхши, энди худога нима жавоб берасан? — дебди.

\* \* \*

Бир шоир хасис бир бойни мақтаб қасида ёзибди ва бойга ўқиб берибди. Орадан бирор ҳафта ўтибди, аммо бой ҳеч қандай илтифот кўрсатмабди. Шоир яна инъом кутиб қитъа ёзибди. Яна бойдан садо чиқмабди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин ноумид бўлиб қолган шоир бой ҳақида ҳажвия ёзибди. Бу гал ҳам бой илтифот қилмабди. Ноилож қолган шоир бойнинг эшиги олдига келиб чўккалаб ўтирибди. Бой ташқари чиқса, шоир остонада бамайлихотир ўтирган экан.

— Ҳа, ориятсиз махлук,— дебди бой,— мақтадинг, индамадим, тама қилиб қитъа ёздинг, парво қилмадим, ҳажвия ёздинг, ўзимни билмаганликка солдим, энди нима умидда эшигимда ўтирибсан?

— Ўлсанг, биратўла марсияни ҳам ўзим ёзай деган умидда ўтирибман! — дебди шоир.

\* \* \*

Бир бой касал бўлиб узоқ вақт ётиб қолибди. Унинг бир шоир дўсти бор экан, қайси бир сабаблар билан касал кўргани келмабди. Бой тузалиб, ошнаси билан кўришганда, гина қилиб:

— Шунча вақт кўрпа-тўшак қилиб ётдим, бирров келиб кўрмадинг,— деса, шоир:

— Кечир, дўстим, мен сенга марсия ёзиш билан банд эдим! — дебди.

\* \* \*

Бемаза ва тутуриқсиз шеърлар ёзиб юрадиган бир шоир табиб олдига келиб:

— Бир нарса юрагимни беҳузур қилиб, кайфиятимни бузаяпти, қутулишнинг иложи йўқмикин? — деб сўрабди. Табиб гапга чечанлардан экан, сўрабди:

— Айт-чи, шу кунлари қоғозга туширмаган ва ҳали бировга ўқиб бермаган шеъринг борми?

— Ҳа, бор,— дебди шоир.

— Ўша шеърингни ўқиб бер.

Шоир ўкиб берибди.

— Яна бир карра ўқи.

Шоир яна такрорлабди.

— Тур ўрнингдан, энди нажот топдинг, — дебди табиб, — юрагингни беҳузур қилиб, кайфиятингни бузиб турган нарса шу шеър эди, юрагингдан чиқариб ташлаганингдан кейин кутулдинг-қолдинг!

\* \* \*

Айюб араб халифаси Мансурнинг мулозимларидан экан. Лекин ҳар гал халифа уни чақиртирса, ранг-қути ўчиб, аъзойи баданини титроқ босаркан. Бир куни халифанинг маҳрамларидан бири унинг бу холини кўриб:

— Сен-ку, халифанинг энг азиз мулозими, ҳамсухбати, ҳамтововғи бўласан, унинг ҳузурда ҳеч кимнинг сенчалик обрў-эътибори йўқ. Нега энди ҳар дафъа сени йўқласа, ўзингни йўқотиб, саросимага тушиб қоласан?

Айюб маҳрамнинг саволига жавобан шу ҳикояни нақл қилиб берибди.

Бир куни бургут хўроздан сўрабди:

— Сен-ку, жўжалигингдан одамлар орасида яшаб келгансан, улар сенга ўз қўллари билан дон, сув беришади, ўз уйлари ёнидан сенга катак қуриб беришади. Нима учун ҳар гал олдингга келиб сени ушламоқчи бўлишса, тутқич бермасдан, қоқоғлаб у уйдан-бу уйга, бу томдан-у томга учиб кетасан? Мана мен эсам бир йиртқич қушман, тоғу тошлар орасида маскан қурганман. Аммо одамлар мени ушлашса, қўлларида ором оламан, овнинг кетидан юборишса, секин-аста қанот қоқишимга қарамасдан, ўлжани олиб келаман, ҳеч қачон одамлардан қочмайман, дод-фарёд кўтармайман.

Хўроз сўрабди:

— Айт-чи, умрингда бургутни сихга ториб ўтда тоблаганларини кўрган ва ё эшитганмисан?

— Йўқ!

— Бўлмаса тингла: мен шу даргоҳда эсимни танибманки, юзларча хўрознинг калласини кесиб, патини юлиб, қорнидан сихга ўтқазиб ўтда тоблаб еганларини ўз кўзим билан кўрганман. Менинг қоқоғлаб дод кўтаришимнинг боиси ҳам шудир.

\* \* \*

Аббосийлар сулоласининг саккизинчи халифаси бўлмиш халифа Муътасим ҳузурига биров келиб, пайғамбарлик даъво қилибди. Ундан:

— Пайғамбар бўлсанг, қанақа мўъжиза кўрсата оласан? — деб сўрашса, у:

— Ўликни тирилтираман, — дебди.

— Бўпти, — дебди халифа, — агар шу иш қўлингдан келса, мен сенга имон келтираман.

Халифанинг буйруғи билан унга ўткир қилич келтириб беришибди.  
— Ҳой халифа,— дебди ҳалиги киши,— ҳозир сенинг кўз олдинда вазиригни калласини танидан жудо қилиб, ўша ондаёқ қайта тирилтираман.

Халифа рози бўлибди ва вазирга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўрабди.

— Эй шахриёри олам,— дебди вазир,— мен ундан ҳеч қанақа мўъжиза кўрсатишни сўрамайман. Сен гувоҳ бўл, мен шу ондаёқ, ҳеч қандай мўъжизасиз унга имон келтираман.

\* \* \*

Бир куни аббосийларнинг бешинчи халифаси Ҳорун ар-Рашид қабристондан ўтиб кетаётганда, қараса, икки мажнунсифат — Баҳлул билан Улайё қабристонда суҳбатлашиб ўтиришар экан. Ҳорун ар-Рашид уларга тегишмоқчи бўлиб, олдига чақиртирибди ва шундай дебди:

— Бугун девоналарни ўлдирадиган кун. Қани, чақир жаллодни!

Жаллод ҳам дарров ҳозир бўлибди ва Улайёни ётқизиб, бўғзига шамшир тортмоқчи бўлибди.

— Эй Ҳорун, нима қилмоқчисан? — дебди Баҳлул.

— Девоналарни ўлдирмоқчиман,— дебди Ҳорун.

— Ана холос! — дебди Баҳлул,— бу шахарда биз иккита девона эдик, энди учта бўлдик. Сен бизни ўлдирсанг, унда сени ким ўлдирди?

\* \* \*

Бир куни султон Маҳмуд шифохонага борган экан, қараса, бир девонани занжирбанд қилиб кўйишибди. Девона подшоҳни кўргач, хиринглаб кулаверибди.

— Ҳа, девона, нега куляпсан? — деб сўраса:

— Сенга куламан,— дебди девона,— сен подшо бўлиб мағрурликдан бошқа нарсани билмадинг. На умрингда бирор савоб иш қилдинг ва на одоб кўчасидан ўтдинг.

— Тила тилагингни, нима истайсан? — дебди султон Маҳмуд.

— Озгина хом думба бўлса ер эдим,— дебди девона.

Султон Маҳмуднинг амрига кўра думба ўрнига турпни арчиб беришибди. Девона турпни чайнаб, ҳадеб бош чайқайверибди.

— Ҳа, нега бош чайқайсан? — деб сўраса:

— Сен подшо бўлгандан кейин думбада ёғ қолмабди,— дебди девона.

Шунда султон Маҳмуд:

— Ҳа, ҳақ гапни девонадан эшит, деганлари рост экан,— дебди.

\* \* \*

Бир куни халифанинг вазири Баҳлулга:

— Кутлуғ бўлсин, халифа лутфу марҳамат кўрсатиб, сени айиқлар билан тўнғизларга ҳоким қилиб тайинлади,— дебди.

— Бўлмаса хушёр бўлиб, кадамингни билиб бос, чунки сен ҳам менинг фуқаром бўлиб қолибсан,— деб жавоб берибди Бахлул.

\* \* \*

Бир девонадан:

— Нега намоз ўқимайсан? — деб сўрасалар:

— Ерни шунча йил оёғим билан тепганим кифоядир, энди бошим билан ҳам топтайми? — дебди.

\* \* \*

Бир девонадан:

— Сени яратган халлоқни танийсанми? — деб сўрашса, шундоқ жавоб берибди:

— Ақлимни ғорат қилиб, мени ҳамиша оч-яланғоч қолдирган ва шаҳар болаларига умрбод масҳара қилиб қўйган зотни нечук танимайин?!

\* \* \*

Бир содда нинасини уйда йўқотиб, уни кўчадан қидириб юрган экан.

— Нимани қидириб юрибсан? — деб сўрашса, у:

— Уйда йўқотган нинамни,— деб жавоб берибди.

— Эй содда, уйда йўқотган нинангни кўчадан қидирасанми? — дейишса:

— Нима қилай, уйим қоронғи бўлса,— деган экан.

\* \* \*

Хунук ва сўхтаси совук бир савдогарнинг гўзал ва дилкашликда тенги йўқ хотини бор экан. Бир кун хотин эрига:

— Бегим, иккаламиз ҳам жаннатга борсак керак,— дебди.

— Қаёқдан билдинг, маликам? — деб эри сўраса, хотини шундай жавоб берибди:

— Шундан билманки, сен менинг хусну жамолим ва қадду камолимга қараб ҳамиша худонинг берганига шукур қиласан, мен эса сенинг афғу ангоринг ва шаклу шамойилиннга қараб сабру тоқат қиламан. Худонинг берганига шукур қиладиган ва сабру қаноат қиладиган одамларнинг жойи жаннатда бўлади, деб эшитганман.

\* \* \*

Бурни дастмол қовоққа ўхшаган бир киши уйланмоқчи бўлиб, совчиликка борибди.

— Мен ниҳоятда сабр-бардошли одамман, ҳар қанча оғирлик бўлса кўтара оламан,— деб ўзини мақтабди.

— Гапинг рост,— дебди аёл,— сабр-қаноатли бўлмаганингда ва



ҳар қанақа оғирликни кўтара олмаганингда бу бурунни қирқ йил қандай кўтариб юрар эдинг?

\* \* \*

Жўхий<sup>1</sup> афту башараси куйдирилган каллага ўхшаган одам экан. Бир куни бозорбошига чиқиб ўтирган экан, бир аёл келиб, унга тикилиб қолибди.

Жўхий суюниб:

— Ҳа, отинча, мени таниб қолдингизми? — деб сўраса, аёл шундай дебди:

— Кўзларим ниҳоятда гуноҳи азим қилиб қўйган ва мен ўша гуноҳга яраша азоб кидириб юрган эдим. Бундай разм солиб қарасам, сенинг хунук афту башарангга тикилиб қарашдан бўлак оғир жазо бўлмаса керак.

\* \* \*

Бир ҳазилкаш мачит ёнидан ўтиб кетаётган экан, қараса, одамлар намоз ўқигани ичкарига қияпти. У ҳам дарров мачитга кириб, имомнинг орқасига бориб турибди. Имом бирпасда намозни тугатиб, салом берибди. Шунда ҳалиги киши имомга қараб:

— Тақсир, сиз намозда нималарни ўқидингиз? Мен ҳеч нарса ўқимасдан шунча ҳаракат қилдим у сизга етолмадим, — дебди.

\* \* \*

Сўфи «оллоху ақбар», дегандан кейин ҳамма шоша-пиша мачитга кириб, олдинги сафга ўтишга ҳаракат қилибди. Бир ҳозиржавоб одам ҳам шу ерда экан, бу ҳолни кўриб:

— Агар сўфи «ҳайя алас салот»<sup>2</sup> дейиш ўрнига «ҳая алас закот»<sup>2</sup> деса, мен аминманки, ҳамма орқасига қарамай мачитдан чиқиб қочар эди, — дебди.

\* \* \*

Бир файласуф саҳрода айланиб юрган экан, қараса, бир йигит мерганликни машқ қилиш ниятида ўқ отмоқда ва отган ўқлари нишонга етмасдан ўнг-сўлга кетмоқда экан. Файласуф ўқ тегишидан кўрқиб, нишоннинг олдигинасига бориб турибди ва шундоқ дебди:

— Шу ердан хавфсизроқ жой йўқка ўхшайди, чунки унинг ўқи ҳеч қачон нишонга тегмаслигига аминман.

<sup>1</sup> Ж ў х и й — араб латифаларининг қаҳрамони — Афандиси.

<sup>2</sup> Намозга туришлар.

<sup>3</sup> Закот беринглар.

\* \* \*

Бир диндор киши халойикка қараб:  
 — Биродарлар, бу йил рамазон биздан рози бўлиб кетдимийўкми? — деб сўраса, бир ҳазилкаш:  
 — Рози бўлиб кетди, — дебди.  
 — Рози бўлиб кетганини қаёқдан билдинг? — деб сўрашса, у:  
 — Агар рози бўлмаган бўлса, келаси йил қайтиб келмайди, — дебди.

\* \* \*

Бир дарвиш хасис бойнинг эшигига бориб:  
 — Иккаламиз ҳам бир ота-онадан, яъни Одам Ато билан Момо Хаводан туғилганмиз. Ака-ука бўлганимиздан кейин сен менинг тегишимни беришинг керак, — дебди.  
 Бой дарров гуломини чакириб:  
 — Бунга бир чақа чиқариб бер! — дебди.  
 — Хой хўжам, — дебди дарвиш, — нега меросни тенг бўлмайсан?  
 — Унингни чиқара кўрма, — дебди бой, — бошқа ака-укаларинг эшитиб қолса, шундан ҳам маҳрум бўлиб қоласан!

\* \* \*

Бир арабдан:  
 — Иссиқ шўрвани араблар нима дейдилар? — деб сўрашган экан, у:  
 — Сахун, — деб жавоб берибди.  
 — Совуқ шўрвани нима дейдилар?  
 — Биз совигани қўймаймиз, шунинг учун унга ном ҳам қўйганимиз йўқ, — дебди.

\* \* \*

Уч-тўрт эзма бир улуғ зотни кўргани бориб, узок ўтириб қолишибди. Бу нарса беморга анча малол келибди.  
 Кетаётган чоғда улар беморга:  
 — Васиятинг бўлса, бизга айтиб қўя қол, — дейишса, бемор  
 — Васиятим шуки, — дебди, — бундан кейин касал кўргани боранларингда узок ўтириб беморни толиктириб қўйманглар.

\* \* \*

Бир файласуф гуноҳларидан тавба қилибди ва ўша ондаёқ со қолини қирдириб ташлабди.  
 — Бу нима қилганинг? — деб сўрашса, у:  
 — Соқолим гуноҳ ишлар қилиб юрган кезларимда ўсган эди шунинг учун йўқотиб юбордим, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Бир содда шундай ҳикоя қилади:

— Наққош хузурида тортган хижолатим умр бўйи ёдимдан чиқмайди. Бир куни бир аёл олдимга келиб:

— Бир ҳожатим бор, шуни чиқарсанг, кўп миннатдор бўлар эдим,— деб қолди.

— Қанақа ҳожат — деб сўрасам, шундоқ деди:

— Лутфан бозорбошигача мен билан бирга борсанг.

Унинг таклифига кўндим. Аёл мени рассомнинг дўконига бошлаб борди ва унга: «Айнан шундоқ», деган сўзни айтдию ўзи кўздан ғойиб бўлди.

Рассом менга қараб тиржайди. Мен ҳеч нарсага тушнолмай, анграйиб қолдим.

Нихоят ақл-хушимни йиғиб рассомдан:

— Ўзи нима гап? — деб сўрадим. Рассом шундай деди:

— Кўпдан бери бу аёл, қанча пул олсанг олгину менга шайтоннинг суратини чизиб бергин, деб илтимос қилиб юрар эди. Мен ҳар гал унга, шайтонни кўрмаган бўлсам, суратини нечук чизиб бераман, деб важ-қарсон қилиб юривдим. Аёл майли, ундай бўлса ўзим шайтонга ўхшаган башарани топиб келаман, деган эди. Ҳозир шу мақсадда сени бошлаб келибди.

Бу гапни эшитиб, шунчалик ўсал бўлдимки, ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим.

\* \* \*

Биров хунуккина хотинга уйланган экан, хотини эридан:

— Қариндош-уруғларинг жуда кўп экан, қайси биридан юзимни беркитишни билмай қолдим,— деса, эри:

— Фақат мендан беркитсанг кифоя! — дебди.

\* \* \*

Халифанинг яқинларидан бири Бахлулга:

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Тур, халифа Ҳорун ар-Рашиднинг вазири хузурига бор. Ҳар бир девонага беш дирҳамдан улашяпти,— деса, Бахлул:

— Гапинг рост бўлса ўзинг югура қол, сенга беш дирҳам эмас, ўн дирҳам беради,— дебди.

\* \* \*

Туясини йўқотган бир араб, кимки туямни топиб келса, икки туя ҳада қиламан, деб кўчада жар солиб юрган экан.

— Бу қанақа бўлди, фойдангдан зараринг катта-ку,— деб сўрашса, шундай дебди:

— Э, биродар, сизлар йўқолган нарсанинг топилганидан оладиган лаззатни билмайсизлар!

\* \* \*

Бир содда рамазоннинг 27-сида осмонга қараса, ойнинг ранги оқаринқираб, ингичка бўлиб қолибди.

— Худойимдан ўргилай,— дебди содда,— сен менинг қорнимни ичкарига киргизиб, силламни қуришиб қўйган эдинг, мана энди худо ҳам сенинг жонингни олиб, жисмингни ўроқдай қилиб қўйибди-ку!

\* \* \*

Бир куни бир гуруҳ дехқонлар халифа Маъмун ар-Рашиднинг хузурига келиб, унинг золим амалдоридан шикоят қилишади.

Халифа уларнинг арзини эшитгач, шундок дейди:

— Менинг қўл остимдаги амалдорларим орасида адолат ва инсоф бобида ундан ўтадигани йўқ. Унинг аъзойи бадани адлу инсофдан иборат.

Дехқонлар орасида шўхроқ бир киши бор экан, бу гапни эшитгач, шундай дейди:

— Халифам, ундок бўлса, унинг аъзоларидан битта-битта кесиб, бошқа вилоятларга ҳам юборинг, токи сизнинг ҳукмингиз остидаги шаҳарлар аҳолиси ҳам адлу инсофдан баҳраманд бўлиб, роҳат-фароғатда яшасин.

\* \* \*

Шароб ичмайдиган бир ҳақимдан:

— Нега сиз май ичмайсиз? — деб сўрашса, у шундай дебди:

— Мен ақлимни ейдиган нарсадан ҳазар қиламан.

\* \* \*

Бир подшоҳ азон пайти овга чиққан экан, тасодифан сўхтаси совуқроқ бир кишига рўбарў келиб қолади ва ови барор топмайди. Бунини ўша совуқ башаранинг касофати деб билади ва дарҳол ўша одамни топиб жазо бердиртиради. Нима бўлиб, пешиндан кейин ови барор топиб, яхши кайфият билан овдан қайтади. Эрталаб бир бечорани сабабсиз хафа қилгани эсига тушиб дарҳол уни топтиради ва қилган гуноҳи учун узр сўраб, унга зарбоф тўн ва минг дирҳам олтин ҳадя қилмоқчи бўлади. Калтак еган киши подшоҳга шундай дейди:

— Эй шаҳриёри олам, менга ҳеч қанақа тўн ҳам, пул ҳам керак эмас. Агар рухсат берсанг, икки оғиз гапим бор, шуни айтаман.

Подшоҳ рухсат берибди. Ҳалиги калтак еган одам шундай дебди:

— Эрталаб сенинг биринчи рўбарў келган одамнинг мен, менинг ҳам биринчи рўбарў келган одамим сен эдинг. Сенинг овинг бароридан келиб, бутун кунинг айшу ишратда ўтган бўлса, менинг бутун

куним ранжу мехнатда ўтди. Энди ўзинг инсоф билан айтгинчи, қайси биримиз хосиятсиз одам эканмиз?..

\* \* \*

Бир куни Талҳак томонидан катта гуноҳ содир бўлади. Султон уни ўлимга ҳукм қилади ва кўз олдида калласини танасидан жудо қилишни буюради. Жаллод қилични яланғочлаб, ёнида шайланиб туради. Талҳак эса яланғоч тиг остида дир-дир қалтирайди, чунки султоннинг шафқатсиз ва адолатсизлигини биларди. Шу ерда ўтирган надимлардан бири Талҳакка қараб:

— Ҳой номард, сал ўзингни қўлга олсанг бўлмайдими? Ҳамма ҳам бир куни келиб, бир кун кетади-да! — дебди.

Талҳак бунга қуйидагича жавоб қайтарибди:

— Қани, мард бўлсанг, менинг ўрнимга келиб ўтир, мен сенинг аҳволингни бир томоша қилай!

\* \* \*

Бир куни, ёз фаслида, Султон Маҳмудни пашшалар талайвериб жонидан безор қилибди. Султон, жонида жон қолмай, Талҳакдан:

— Пашша бўлмайдиган бирор жой йўқмикин? — деб сўрабди.

— Одам бор жойда пашша бўлади, одам бўлмаган жойда пашша бўлмайди, — дебди Талҳак.

— Одам ҳам, пашша ҳам бўлмайдиган жойни топиб бўлмасмикан? — дебди султон Маҳмуд.

— Бу амри маҳол, — дебди Талҳак.

— Агар шундоқ жой топилса-чи? — дебди султон.

— Ўз конимни султонга бағишлайман, — дебди Талҳак. — Борди-ю, менинг гапим тўғри чиқса, султон нима дейдилар?

— Ўн минг динор олтин бераман, — дебди султон.

Шу шарт билан султон Маҳмуд ўз мулозимларини олиб, шаҳардан ташқари чиқишибди. Анча йўл босгандан кейин сира одамзод қадами етмаган бир саҳрога етишибди. Султон отининг жировини тортиб тўхтабди. Мулозимлар ҳам шу он саф тортишибди. Бирпасда пашшалар пайдо бўлибди.

Султон Талҳакка қараб:

— Ана, кўрдингми пашшани! Ваҳоланки бу ерга инсон қадами етган эмас, — дебди.

Бунга жавобан Талҳак:

— Сиз ўзингизни одам ҳисобламаслигингиз мумкин, аммо мен одамман, одамзодман! — дебди.

\* \* \*

Абулайно деган бағдодлик бир ҳозиржавоб билан мисрлик ҳозиржавоб Ибни Мукаррам бир ҳақимнинг зиёфатида шивирлашиб ёнма-ён ўтиришган экан. Ҳақим:

— Ҳа, яна нима ёлгон-яшиқ гапларни тўқиб ўтирибсизлар? — деб сўраса, улар:

— Сизнинг мадҳингизни қилиб ўтирибмиз, — деб жавоб беришибди.

\* \* \*

Умар Абдулазиз қазо қилибди. Дафн вақтида Абдумалик деган ўғли мундоқ қараса, биров чап қўлини силтаб гапираётган эмиш. Абдумалик:

— Ҳой биродар, нега чап қўлингни кўтариб гапиряпсан? — деса, ҳалиги одам:

— Шундоқ мусибат бошга тушган пайтда ўнг қўл билан чап қўлни фарқлаб бўлармиди?! — дебди.

\* \* \*

Биров қозининг олдига даъво билан борибди. Қози ундан гувоҳ талаб қилибди. Даъвогар бир ҳазилкаш одамни гувоҳликка олиб келибди. Қози ундан:

— Бирор нарса биласанми? — деб сўраса, ҳазилкаш:

— Шунча кўп нарса биламанки, айтиб адо қилиб бўлмайди, — дебди.

— Қуръонни биласанми? — деса, ҳазилкаш:

— Балле, ўн маротаба хатм қилганман, — дебди.

— Ювғувчилик қилганмисан? — сўрабди қози.

— Ювғувчилик ота-бобомнинг қасбу қори.

— Ўликни ювиб, кафанлаб тобутга солганда нимани ўқийсан?

— Ажаб бўлди, ўлдинг-кутулдинг. Энди сени ҳеч ким қозининг олдига судраб ҳам бормаиди, гувоҳлик беришингни ҳам кераги бўлмайди, дейман.

\* \* \*

Бир ҳазилкаш бошқа бир ҳазилкашнинг уйига меҳмон бўлиб бориб, уч кечаю уч кундуз қолиб кетибди. Мезбон меҳмондан тўйиб хотинига:

— Бу сурбет текинхўр қачон кетаркан? — деса, хотини:

— Мен ҳозир кириб, йўлини қиламан, — дебди ва меҳмоннинг олдига кириб:

— Иним, уч кундан бери ризкингизни бизникидан берган худойим эртага бошқа хонадондан берар. Сиздан сўрайман, кетишингиздан олдин эримга уч-тўрт оғиз панд-насихат қилиб кетинг, менга жуда кўп жабру жафо қилади.

Шу онда аёлнинг эри эшикдан кириб қолибди. Меҳмон унга қараб:

— Эй дўстим, худойи таоло қирқ кунлик ризқимни сенинг дастурхонингга сочган эканми, мен кетгунча хотинингга ҳаргиз озор берма! — дебди.

\* \* \*

Бир давлатманд киши Мавлоно Ҳусайн Кошифийни уйига олиб бориб зиёфат қилади, олдига яхши таомлар ва жумладан, гипо<sup>1</sup> кўйиб, дейди:

— Бу гипони жуда ҳафсала билан ўзим тайёрладим, марҳамат қилиб енг.

Мавлононинг димоғига сассиқ хид уриб, қўлини овқатдан тортади.

— Ҳа, тақсир, нега емаяпсиз, ёмон тўлдирибманми? — деса, Мавлоно:

— Йўқ, — дейди, — тўлдиришга дуруст тўлдирибсану, лекин бўшатишга келганда ёмон бўшатибсан.

\* \* \*

Бир куни уч-тўртта ҳазилкаш атайлаб чиқимдор қилиш учун бир хасис бойнинг уйига боришибди. Бой уларнинг дарагини эшитиб, фуломига:

— Чиқиб айт, хўжайин кеча оламдан ўтдилар, узр, дегин, — дебди.

Фулом чиқиб, хўжайиннинг гапини айтибди. Ҳазилкашлар:

— Хўжайиннинг бизнинг валинеъматимиз эди. Бизнинг ундан қарзимиз жуда кўп. То жанозасини ўқиб дафн қилмагунча биз қайтмаймиз, — дейишибди.

\* \* \*

Бир ҳазилкаш хасиснинг уйига меҳмон бўлиб борган экан, хасис канизагига:

— Меҳмонга асалдан қилинган ҳалводан келтир, — дебди.

— Вой, уйда ун, ёғ бўлмаса асал ҳалво қаердан бўлади? — дебди канизак.

— Майли, ундоқ бўлса юмшоққина ўрин солиб бер, бир маза қилиб ухлаб олсин, — дебди хасис.

— Ҳой, хўжайин, — дебди меҳмон, — ўша асалдан қилинган ҳалво ва юмшоқ тўшакдан кўра менга бир бурда қуруқ нон берсанг яхшироқ бўлур эди.

<sup>1</sup> Гипо — қорин ичига паловнинг масаллиғини солиб пишириладиган таом.

\* \* \*

Бир сартарош бировнинг сочини олаётган экан, тасодифан кўли қалтираб, ҳалиги кишининг бошини кесиб қўйибди.

— Калламни кесиб ташладинг-ку! — деб ҳалиги одам фарёд кўтарса, сартарош:

— Жим тур, бошинг кесилганда товушинг чиқармиди, ноинсоф! — дебди.

\* \* \*

Бир таъби нозик киши дўстига мактуб ёзиб, баъзи бир сирру асрордан уни огоҳлантирмоқчи бўлган экан. Ёнида ўтирган бир бетамиз ҳадеб унинг ёзаётган хатига қарайверибди. Ҳалиги одам дўстига: «Агар ёнимда фалон бетамиз ва занғар ўтирмаганда бутун кўнглимдаги дарду ҳасратимни сенга ёзган бўлар эдим», дебди. Ёнидаги бетамиз:

— Ҳой биродар, мен қачон сенинг мактубингга қарадим? — деса, таъби нозик киши:

— Қарамаганингда сени ёмонлаганимни қаердан билар эдинг? — дебди.

\* \* \*

Бир эзма касал кўргани бориб, узок ўтириб қолибди ва касалдан: — Кўнглинг нимани истаса айт, дарҳол муҳайё қиламан, — деб керилибди.

— Кўнглим шуни истайдик, — дебди касал, — ўлсаму сенинг турқингни кўрмасам!

\* \* \*

Бир эзма оғир беморнинг ёстиғи бошида узок ўтириб, кетаётганида:

— Нима ташвишинг бор, айт? — деб бемордан сўраса, бемор:

— Сени яна келишинг ташвишидан бошқа ташвишим йўқ, — дебди.

\* \* \*

Бир бефаросат касал кўргани бориб, бемордан:

— Қанақа дардга чалиндинг? — деб сўрабди.

— Нафасим сиқилиб, юрак ўйноқи бўлиб колганман, — дебди бемор.

— Бўлмаса, тезроқ васиятингни қила қол, менинг отам билан акам шу дарддан ўлиб кетишди. Сенинг ҳам тузалиб кетишинг даргумон. Болаларингни чақириб, менинг олдимда васиятингни қил, — дебди бефаросат.



Касал болаларини чақириб:

— Болаларим, сизларга қиладиган васиятим шуки, минбаъд бу бетамизни менинг олдимга киргизманглар! — дебди.

\* \* \*

Бир лакалов одобсизлик қилган экан, улуғ бир зот унга танбех берибди. Шунда лакалов:

— Лойимни шундоқ қоришган бўлса, мен нима қилай? — дебди.

— Лойингни-ку, дуруст қоришган, аммо яхшилаб шиббалашмаган,— дебди улуғ зот.

\* \* \*

Замахшарий<sup>1</sup> «Рабеъ-ул аброр» деган асарида қуйидаги воқеани ҳикоя қилади: Хусайн бинни Ваҳоб ва Абулайно бир ўтиришда қордан гаров боғлашади ва қор қидиргани чиқиб кетишади. Шунча бозорларни айланишади, қор тополмайди. Абулайно курук қайтгиси келмай анқайиб турганида, кўкқисдан кўзи афту башараси, хулқу атвори совуқ Бакир бинни Итоб деган одамга тушиб қолади. Абулайно суюниб:

— Сени кўриб қолганим айни муддао бўлди-да, юр, бир жойга сени олиб борай,— деб уни Ибни Ваҳобнинг уйига бошлаб борибди ва ўзи ундан олдин кириб:

— Сен мендан ярим пуд қор сўраган эдинг, мен юз пуд топиб келдим,—дебди. Кейин Бакирни олиб кирибди. Хусайннинг кўзи Бакирга тушиши билан:

— Қандингни ур, олиб келган қоринг айтганингдан юз чандон ортиқ экан! — дебди.

\* \* \*

Бир шилқим шайх беш-олтита муридни олиб, бир давлатманд кишининг уйига борибди-ю:

— Шу кеча отанг тушимга кирди. Мени ҳадиса билан меҳмон қилди,— дебди.

Давлатманд киши дарров ҳадиса қилиб шайхни сийлабди. Бир ҳафтадан кейин яна шайх келиб:

— Отангни туш кўрдим, гуруч сўраяпти,— дебди.

Хунарманд яна гуруч пишириб, шайх билан муридларининг қорнини тўйғизибди. Бирор ҳафта ўтгандан кейин шайх келиб:

— Отангни туш кўрдим, яна гўшт сўраяпти,— дебди.

Яна ҳалиги киши яхна билан шайхни меҳмон қилибди. Бир ҳафтадан кейин яна шайх келиб:

— Отангни туш кўрдим, барра кабоб билан ҳалвога ҳавасим келяпти, деб айтди,— дебди.

<sup>1</sup> Замахшарий Абдулқосим Маҳмуд бинни Умари Замахшарий (1075—1144) ўз замонасининг машҳур олимларидан бўлган.

Бу гал хунарманд киши шундай дебди:

— Бориб, отамга айт, ўзи келсин, боримизни баҳам кўрамиз. Бўлмаса, бу ёлғон-яшиғинг билан мени хонавайрон қиладиганга ўхшайсан!

\* \* \*

Бир ҳазилкаш бир араб билан ҳамроҳ бўлиб кетаётган экан, йўлда арабдан:

- Отинг нима? — деб сўрабди ҳазилкаш.
- Матар, яъни ёмғир,— дебди араб.
- Лақабинг нима?
- Абулғайс, яъни ёмғирнинг отаси.
- Отангнинг оти нима?
- Фурот, яъни дарё.
- Унинг лақаби нима?
- Абулфайз, яъни оқар сувнинг отаси.
- Онангнинг исми нима?
- Саҳоб, яъни булут.
- Лақаби нима?
- Умул баҳр, яъни дарёнинг онаси.
- Худо ҳаққи, бирпас сабр қил, бирор қайиқ-пайиқ топай, бўлмаса, сен билан бирга юраман деб сувга гарк бўлиб кетишим ҳеч гап эмас экан,— дебди ҳалиги ҳазилкаш.

\* \* \*

Биров бир араб билан кетаётиб унга:

- Исминг нима? — деб савол берибди.
- Борид, яъни совуқ,— дебди араб.
- Лақабинг нима?
- Абужалид, яъни музнинг отаси.
- Отангнинг исми нима?
- Абусалж, яъни қорнинг отаси.
- Онангнинг исми нима?
- Замҳарир, яъни қаҳратон қиш.
- Лақаби нима?
- Умушшито, яъни қишнинг онаси.
- Касбу коринг нима?
- Муз сотаман.
- Қаерга боряпсан?
- Қор қидириб боряпман.
- Азбаройи худо, озгина сабр қил, бирор пўстин топай, бўлмаса совуқдан қотиб қолишим ҳеч гап эмас, — дебди ҳалиги киши.

\* \* \*

Бир ҳазилкаш Ғўр вилоятига қарашли қишлоққа бориб қолибди. Қараса, қишлоқнинг шимол томонида баланд бир тоғ бўлиб, ҳаво йўлини тўсиб турибди.

Ҳазилкаш қишлоқ аҳлига:

— Шу тоғни қишлоқларинг рўпарасидан кўтариб ташлаб, сизларни тоза ҳаводан баҳраманд қилсам нима дейсизлар? — деб сўрабди.

— Кошки эди,— дейишибди қишлоқ аҳли,— ҳаво етишмагани туфайли биз ҳамиша ҳар хил касалликларга чалиниб юрамиз.

— Бўпти,— дебди ҳазилкаш,— фақат битта шартим бор: бир йил мени боқасизлар, кўнглим нимани истаса, шуни муҳайё қиласизлар. Тоғни узокроққа жилдирганимдан кейин йўл харжи сифатида минг динар пул берасизлар.

Ғўрликлар, бош устига, деб бир йил уни боқишибди. Бир йилдан кейин, қани ваъдага вафо қилмайсизми, деб унинг олдига келишибди.

Ҳазилкаш:

— Боринглар, кимнинг уйида бир газдан тортиб юз газгача ипми, арқонми бўлса, барисини йиғиб келинглар,— дебди.

Ғўрликлар бориб, бир талай арқон топиб келишибди. Ҳазилкашнинг амри билан бу арқонларнинг учини бир-бирига боғлашибди.

— Энди бу узун арқон билан тоғни ўраб олинглар,— дебди ҳазилкаш. Ғўрликлар шундай қилишибди. Ундан сўнг арқоннинг икки учини ушлаб, орқасини тоққа бериб:

— Қани, энди қишлоқнинг эркак-аёл, ёш-қарисини йиғинглар,— дебди ҳазилкаш.

Ҳамма йиғилибди.

— Мана энди,— дебди ҳалиги киши,— тоғнинг тагига кириб, бир кучаниш билан кўтариб орқамга юкланглар ва уни узокроққа — бирор чуқурга олиб бориб ташлаб келаман.

— Овсармисан?! Биз қанақа қилиб бу улкан тоғни кўтариб орқангга қўямиз? — деса, ҳазилкаш шундай дебди:

— Овсар сенларми, менми? Икки-уч минг одам бўла туриб кўтаролмаган тоғни ёлғиз менга кўтартирмоқчи бўляпсизларми?!

\* \* \*

Жўҳий Дажла дарёсининг бўйига келиб қараса, бир тўда кўр дарёдан ўтиш тараддуида турган экан.

— Ҳа, йўл бўлсин? — дебди Жўҳий.

— Сувдан ўтмоқчимиз.

— Мен сизларга йўлбошчи бўлсам нима берасизлар?

— Ҳар биримиз ўнтадан ёнғоқ берамиз,— дейишибди кўрлар.

— Бўлмаса, бир-бирларингни белларингдан маҳкам ушланглар, мен сизларни қулайроқ ердан ўтказиб қўяман.

Кўрлар турнақатор бўлиб, сувга тушибди. Сувнинг оқими тезроқ ерга етганда кўрлардан бирини сув олиб кетибди. Шериклари:

— Хой, йўлбошчи, шерикларимиздан бирини сув олиб кетди-ку! — деб дод солаётганида яна бошқасини сув олиб кетибди.

Жўхий:

— Хай аттанг, йигирмата ёнғокдан айрилдим! — дебди.

Бир оздан сўнг яна учинчисини сув оқизиб кетибди. Кўрлар фар-ёд кўтарган экан, Жўхий яна:

— Афсус, ўтгизта ёнғокдан айрилдим, — дебди.

Бу сўзни эшитиб, кўрларнинг фиғони фалакка чиқибди-ю:

— Эй жоҳил, нима деб валдираяпсан ва бизни қанақа йўлдан олиб боряпсан? Бу аҳволда ҳаммамизни сувга чўктириб юборасан-ку! — дебди.

— Сизларга ҳеч нима бўлгани йўқ. Ҳамма зарар менга бўляпти. Ҳар бир оқиб кетган одам менинг ўн дона ёнғоғимни олиб кетяпти. Мен индамай ўтирибману нега энди сизлар додлаяпсизлар?! — дебди Жўхий.

\* \* \*

Бир табиб бир-бирига тўғри келмайдиган икки хил таомни еб ўтирган одамни кўриб:

— Хой, биродар, бу таомлар бир-бири билан келишолмайди, — деб луқма ташлабди.

Иккинчи куни халиги одам касал бўлиб, табибнинг олдига борибди.

Табиб:

— Кеча бу овқатлар бир-бири билан келишолмайди, демаган-мидим? — деса, бемор:

— Аксинча, тақсир. Иккаласи бир-бири билан шу даражада келишиб қолдики, энди мени ўртадан кўтариб ташлашмоқчи! — дебди.

\* \* \*

Бир ҳозиржавоб киши мол-давлатидан айрилиб қолибди. Ундан:

— Бирор нарсанг қолмадимми? — деб сўрашса, у:

— Менда-ку, ҳеч вако йўғ-а, аммо хотинимнинг ул-були бор, — дебди.

— Масалан?

— Масалан, минг динол олтин ва беш эшакка юк бўладиган маҳри менинг бўйнимда!

\* \* \*

Жўхий жони ҳалқумига келиб, эшагини судрар, эшак эса бир қадам ҳам олға юрмас экан. Бу ҳолни кўрган одамлар:

— Ҳайвон одатда ўз уйига югуриб борар эди, сенинг эшагинг калтакласанг ҳам бормайди-я? — деса, Жўхий шундай дебди:

— Эй биродарлар, бу ҳаром ўлгур, уйда сув ҳам, сомон ҳам, ҳеч вако йўқлигини билиб бормаяпти шекилли-да!

\* \* \*

— Онам иккаламиз жуда билимдон мунажжим бўламиз,— дебди Жўхий,— бизнинг фолимиз ҳамиша тўғри чиқади.

— Нимага асосланиб бундай даъво қиялпсан? — деб сўрашса, у шундоқ дебди:

— Шунга асосланибки, агар осмонни булут қопласа, мен ёмғир ёғади, дейман, онам, йўқ, ёғмайди, дейди. Турган гап, ё ёғади, ё ёғмайди. Демак, ё унинг гапи тўғри чиқади, ё менинг гапим.

\* \* \*

Жўхийдан:

— Бирор ишда биров билан мусобақа ўйнашганмисан? — деб сўрашса, шундоқ дебди:

— Мачитдан чиқиш масаласида мен ҳамиша ҳамма маҳалла-кўйни орқада қолдирганман, чунки мен доимо ҳаммадан кейин кириб, ҳаммадан олдин чиқаман-да.

\* \* \*

Шўх бир йигит ўтиришларда доим ҳаммани қулдириб юрар экан. Такводор бир одам унга:

— Бутун умрингни ҳазил-мутойиба ва масхарабозликда ўтказдинг. Бунақа қилаверма, бўлмаса, қиёмат қуни сени дўзахда оёғингни осмондан қилишади! — дебди.

— Бу ҳам масхарабозликнинг бир тури бўлади-да,— жавоб қилибди йигит.

\* \* \*

Шариат пешволаридан бирининг жуда маҳмадона хотини бор экан. Бир куни ўша одам хотинини нарвонга чиқаётганини кўрибди ва нарвоннинг ўртасига борганида:

— Ҳой хотин, шуни билиб қўй: шу ердан юқорига чиқсанг ҳам, пастга тушсанг ҳам, шу жойингда турсанг ҳам, барибир сени уч талок қиламан! — дебди.

Хотини дарҳол ўзини нарвондан ташлабди.

— Фаҳму фаросатингга тасанно, хотинжон,— дебди эри.— Мен ривоят тополмаган шариат масалаларига сен ривоят топишга қодирсан!

\* \* \*

Биров беш эрдан қолган бир аёлга уйланибди. Тўсатдан олтинчи эри ҳам касал бўлиб қолибди. Хотини куюниб, эрининг ёстиғи бошида йиғлаб:

- Вой бегим, мени кимга ташлаб кетяпсиз? — деса, эри:
- Еттинчи эрингга! — дебди.

\* \* \*

Бир хасисдан:

- Кимни энг довярак одам деб биласан? — деб сўрашса, у:
- Уйида одамларнинг касур-кусур қилиб томоқ еяётган товущини эшитиб ўтакаси ёрилмаган одамни, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Бир хасис бировдан:

- Юмшоқкўнгиллик ва сабр-тоқат масаласида қачон бошқаларга ўрناق бўламан? — деб сўраша, у:
- Биров нонингни ушатганда, сен унинг калласини ёрмаганингга! — дебди.

\* \* \*

Араблар орасида хасислиги туфайли тилларда дoston бўлган Шаммома исмли бир кишининг олдига бир камбағал илтимос билан келибди. Шаммома:

- Аввал сен менинг бир илтимосимни бажар, ундан кейин мен нимаики истасанг, бажонидил ижро этарман, — дебди.
- Марҳамат, қанақа илтимос?
- Илтимос шуки, мендан бирор нарса тилама.

\* \* \*

Бир хасис ўғлига шундоқ насихат қилибди:

- Болагинам, кумуш танганинг қаноти бор, қўлдан чиқардинг, учади-кетади. Олтин танганинг иситмаси баланд бўлади, сарф қилсанг, ўлади-қолади.

\* \* \*

Бир текинтомоқ йиғинга борса, ҳамма асал еб ўтирган экан. Кўзи асалга тушиши биланоқ «Ассалому алайкум!» дейиш ўрнига:

- Асал алайкум! — деб юборибди.

\* \* \*

Бир текинтомоқдан:

- Икки қарра икки неча бўлади? — деб сўрашса, у:
- Тўртта нон, — дебди.

\* \* \*

Иши юришмай қолган беш-олтита одам суҳбат қуриб ўтирган экан. Бир текинтомоқ булар бир нима еб ўтирибди, деб гумон қилиб, югуриб суҳбатдошлари олдига келибди. Ўтирганлар унга:

— Ҳой биродар, биз ҳаммамиз очмиз, бирор нарса есақми, деб ўтирибмиз. Сен нима истайсан? — деб сўрашса, у:

— Сизларга ёқадиган таомларнинг бариси менга бўлаверади, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Текинтомоқ бир сўфи ўз муридлари билан бир ерга кетаётган экан, мундай қараса, бир деҳқон семиз сигирнинг устига бир қоп буғдой, бир меш думба ёғ ортиб, қаёққадир олиб кетяпти. Сўфи, севинчи ичига сиғмай, чапак чалиб ўйинга тушибди.

Ундан:

— Ўзи нима гап? — деб сўрашса, сўфи:

— Ўз оёғи билан юриб келаётган ҳалим ошни биринчи кўришим! — дебди.

\* \* \*

Бир кун Ҳорун ар-Рашид қози Абуюсуфдан:

— Ёғли ҳалво яхшими, бодомли ҳалвоми? — деб сўраса, қози:

— Мен қози бўламан. Ўз кўзим билан кўрмагунча ҳукм чиқармайман, — дебди.

Ҳоруннинг амри билан дарҳол иккала ҳалвони ҳам олиб келибдилар. Қози гоҳ унисидан татибди, гоҳ бунисидан.

Ҳорун:

— Ҳа, нега индамайсан, чиқар ҳукмингни! — деса, қози:

— Ё тавба, умрим бино бўлиб хузуримга даъво қилиб келган бунақа икки зийрак душманни сира кўрмаганман. Бири ҳақида энди ҳукм чиқараман деса, иккинчиси ҳужжатини оғзимга тутуди ва мен нима дейишимни билмай қоламан! — дебди.

\* \* \*

Бир қишлоқи араб Бағдод шаҳрига келибди. Бундай қараса, нонвой дўқонида киши суқи кирадиган нонларни тахлаб қўйишган экан. Бечора араб ноннинг ҳидидан кўнгли суст кетиб, нонвой олдига келибди-да:

— Ҳой, биродар, неча пул берсам, қорним тўйгунча нон бераман? — деб сўрабди. Нонвой, еса битта ейди, иккита ейди, учтадан ортиқ ея олмаса керак, деб ярим динор бериб тўйгунингча егин, дебди.

Араб ярим динорни бериб, сув бўйига ўтирибди. Нонвой нон келтирибди, араб сувга ботириб ураверибди. Нонвой разм солиб қараса, араб хали-бери тўядиганга ўхшамайди. Нонвой, фиғони чиқиб:

— Ҳой биродар, ярим динорлик нон ейман деган эдинг, бу зайлда бутун нонвойхонамдаги нонимни еб битирадиганга ўхшайсан-ку,— деса, араб:

— Мунча сабрсизлик қилаверма, мен шу ариқдаги сув тамом бўлгунча ейман, холос,— дебди.

\* \* \*

Бир ўғри бир уйдан каттакон тугунни ўғирлаб, энди чиқиб кетаётган экан, йўловчиларга рўпара келиб қолибди. Шошилиб қолганидан тугунни эшик орқасига бекитиб, супургини олибдию эшик олди си супура бошлабди. Одамлар:

— Нима қияпсан? — деб сўрашса, ўғри:

— Бир улуг киши оламдан ўтди, шунга эшик олдини супуриб, тозалайман,— дебди.

— Нега йиғи-сиғи товуши эшитилмаяпти? — деб сўрашса, ўғри:

— Уёқ-буёқни йиғиштириб олайлик, кейин йиғи-сиғи бошлаймиз,— дебди.

\* \* \*

Бир уйга ўғри тушибди. Қараса, ҳеч вақо йўқ. Қўққисдан кўзи уйнинг бир бурчагида тўкиб қўйилган оҳақка тушиб, уни ун гумон қилибди-ю, салласини уй ўртасига ёзиб, оҳақни унга тўқмоқчи бўлибди. Уй эгаси бир чеккада қараб турган экан, дарров саллани олиб қўйибди. Ўғри қараса, ун деб ўйлаган нарсаси оҳақ экан. Саллани олай деса, салла йўқ. Тарвузи кўлтигидан тушиб, энди чиқиб кетаётган экан, уй эгаси: «Ўғрини ушланглар!» — деб дод солибди. Ўғри орқасига ўгирилиб:

— Ҳой ноинсоф, ўғри сенми ёки менми?! — дебди.

\* \* \*

Аббоси Давс деган киши араблар орасида гадойликда машхур экан. Бир қашшоқ унинг олдига келиб:

— Шу хунарингни менга ўргат, шояд шу йўл билан қашшоқликдан қутулсам,— деб илтимос қилибди. Аббос шундоқ дебди:

— Қоғоздан панжа ясаб кўкрагингга ёпиштир-да, қирқ кун яланғоч офтобда ётгин. Кейин соддаларнинг мачитига бориб, уч кун туна. Тўртинчи кун, азон пайти, Хати Хизрни кўрдим, у киши



менга назар қилиб, муборак панжаларини кўкрагимга қўйдилар, деб фарёд солгин. Одамлар югуриб олдинга келади. Шунда кўкрагингдаги панжа изини кўриб, сенга мурид бўлади ва сен қашшоқлик балосидан қутуласан!

\* \* \*

Бир камбағал бир хасиснинг эшигига бориб, «шайн оллоҳ», дебди. Хасис ичкаридан туриб:

— Эртага кел, меҳмон чақирганман, яхшилаб қорнингни тўй-газаман,— дебди.

— Ҳой хўжайин, эртага етиш учун бугун бирор бурда нон бериб тур! — дебди.

\* \* \*

Уст-боши жулдур, юпун гадойга биров:

— Нима учун фалончи бойнинг эшигига бормайсан? Раҳми келиб сенга тўн-пўн бериши мумкин,— дебди. Гадой у бойнинг нечоғли хасис эканлигини биларкан, шундай дебди:

— Ҳечам-да, унинг олдига борсам, эгнимдаги жулдуридан ҳам ажралиб, пўст ташлаган илондай бўлиб чиқаман.

\* \* \*

Уст-боши юпун бир гадой бир бойга:

— Бой бува, эшигингда ўлиб қолсам нима қилардинг? — деса, бой:

— Кафанлаб кўмардим,— дебди.

— Майли, тириклигимда кўйлак кийдириб кўя қол, ўлганимдан кейин кафансиз кўмсанг ҳам розиман.— дебди гадой.

\* \* \*

Хусайн Бойқаро шоҳ Шужога бўлган талабини эслатиш нияти-да Шерозга одам юбормоқчи бўлибди. Давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб, бу вазифани ҳам гапдон ва ҳам ваъзхонликда машҳур бўлган, минбарга чиққанида одамларни йиғлатиб, чўнтақларини қоқиб оладиган мавлоно Аршадга топширмоқчи бўлибди. Уни чақиртириб:

— Шерозга, шоҳ Шужо ҳузурига одам юбориш зарурати туғилиб қолди. Мулозимлар сени тавсия қилишяпти. Лекин сенинг бу тиланчилик хулқинг барча яхши хислатларингни йўққа чиқаради. Агар уёққа бориб тиланчилик қилмасликка ваъда берсанг, қанча пул керак бўлса ўз хазинамдан бераман! — дебди.



— Уёққа бориб ваъзхонлик қилсам, камида йигирма минг динор туширар эдим. Майли, сенинг кўнглингга қараб, этак тутмасдан бориб келишга қасам ичаман,— дебди мавлоно Аршад.

Хусайн Бойқаро суюниб, хазинасидан йигирма минг динор нақд санаб беришни ва йўл харажати деб яна беш минг динор қўшиб беришни буюради.

Аршад Шерозга бориб ишни битказади. Қайтиш олдидан шоҳ Шужо ва давлат арбоблари: «Кўпдан бери ваъзхонлигингиз ҳақида таъриф-тавсифингизни эшитиб, бизларга ҳам ўша кун муяссар бўлармикин, деб орзу қилиб юрар эдик. Мана энди ўз оёғингиз билан келиб қолдингиз. Бир ваъзхонлик қилиб бизни хурсанд этсангиз нечук бўларкин?» — дейишибди.

Мавлоно Аршад шоҳ Шужонинг сўзларидан ийиб кетибди ва намоз жумадан кейин жоме мачитида ваъзхонлик қилишга ваъда берибди. Жума куни жоме мачити одамга лик тўлибди. Шоҳ Шужо ҳам Шерознинг аъён-ашрофлари билан ҳозир бўлибди. Мавлоно Аршад минбарга чиқиб, ҳаммани йиғлатиб ваъзхонлик қилганидан сўнг йиғилганлар ниҳоят даражада таъсирланиб кўзига ёш олибди. Аршад бу ҳолни кўргандан кейин эски касали кўзгаб, ўзини тутолмабди ва халойиққа қараб:

— Эй азизлар, илгари минбарга чиққанимда гоҳ-гоҳ табаррук одамлардан садақа оладиган одатим бор эди. Аммо бу ерга келаётганимда садақа сўрамасликка қасам ичган эдим. Мен садақа олмасликка қасам ичган бўлсам, сизлар садақа бермасликка қасам ичмаган бўлсаларинг керак-ку! — дебди.

Йиғлаб ўтирган одамлар бирдан кулиб юборишибди ва мавлоно Аршаднинг этаги пулга тўлибди.

\* \* \*

Бир ғилай кишининг олдида хўрозни боғлаб қўйишган экан. Биров ундан:

— Ғилай одамларнинг кўзига битта нарса иккита бўлиб кўринадидейишади, ростми? — деб сўрабди.

— Бўлмаган гап! — дебди ғилай,— шундоқ бўлганда мана бу икки хўроз кўзимга тўртта бўлиб кўринмасмиди?!

\* \* \*

Бир куни Эрон подшоҳи Хусрав ошпаз ғуломининг нон ёпаётганига кўзи тушиб, разм солиб қараса, тандир олдида терга пишган ғулом жичча хамирдан узиб терини артибди, кейин ўша хамирни қўшиб, нон ясайверибди. Хусрав индамай кўя қолибди. Эртасига ошпаз ғуломни чақириб:

— Қани, айт, таомлардан қайси бири лаззатлироқ? — деб сўрабди.

Ғулом анча зийрак экан, косанинг остида нимкоса борлигини фаҳмлаб:

— Дастурхонга келтириб қўйилган таомнинг қанақа тайёрланганига кўзинг тушмагани,— дебди ғулом.

\* \* \*

Бошқа бир подшоҳ ҳам ошпаз ғуломини айнан шундоқ қилганини кўриб, жазо бериш ниятида уни ҳузурига чиқиртирибди ва ундан:

— Қани айт, овқатлардан қайси бири яхшироқ? — деб сўрабди. Ғулом мақсад нималигини фаҳмлаб, шундай дебди:

— Овқатларнинг ичида энг яхшиси пешона тери тўкиб пиширилгани.

\* \* \*

Жабру зулм жонидан ўтган бир деҳқон подшоҳ олдига арзга борибди. Подшоҳ унинг арз-додига кулоқ солмабди ва бошқа бир иш билан машғул бўлибди. Деҳқон яна арз-ҳол қилибди, яна шоҳ илтифот кўрсатмабди. Учинчи маротаба оғиз ростлаганида подшоҳнинг ғазаби келибди ва деҳқонга қараб:

— Ҳой хира пашша, кўтар бош оғригингни! — дебди.

Шунда деҳқон:

— Шоҳим, бош сен бўлсанг, оғригини қаёққа олиб кетай? — дебди.

\* \* \*

Лайсининг ўғли Яъқуб камбағалгина одам экан. Салтанат тахтига ўтиргандан кейин сажистонлик бир бойнинг мол-мулкени тортиб олиб, ўзини бир бурда нонга зор қилиб қўйибди. Бир куни ўша одам Яъқубнинг ҳузурига келибди. Яъқуб ундан:

— Бугун аҳволинг нечук? — деб сўраса, ҳалиги одам:

— Кеча сенинг аҳволинг қандай бўлса, бугун менинг аҳволим шундай,— дебди.

— Кеча менинг аҳволим қандай эди? — деса, сажистонлик киши:

— Кеча сенинг аҳволинг менинг бугунги аҳволимга ўхшар эди! — дебди.

\* \* \*

Бағдод халифаси умрида шаҳар юзини кўрмаган ва бировнинг суҳбатида бўлмаган бир қишлоқи араб билан овқатланиб ўтирган экан, бирдан кўзи қишлоқи арабнинг лукмасидаги қилга тушиб қолибди ва унга:

— Меҳмон, қўлингдаги луқмангдан қилни олиб ташла, — дебди.  
Араб қўлидаги луқмани дастурхонга қўйиб, қўлини артаркан,  
шундай дебди:

— Меҳмоннинг луқмасидаги қилни кўрадиган даражада синчик-  
лаб қарайдиган одамнинг дастурхонидан таом еб бўладими?!

\* \* \*

Бир куни бир халифа барра кабоб емоқчи бўлиб, энди дастур-  
хонга қўл узатаётган экан, қишлоқдан бир араб келиб қолибди.  
Халифа уни дастурхонга таклиф қилибди. Араб, қорни оч бўлса  
керак, зўр иштаҳа билан барра кабобни ураверибди. Халифа ҳазил  
тариқасида:

— Нима бало, бу кўзичоқнинг отаси сени сузганмиди, бирпасда  
гўштини ямлаб ютдинг? — деса, араб:

— Ўзинг-чи, ўзинг бу кўзичоққа раҳму шафқат билан термилиб  
қараб туришингдан онасининг сутини эмиб катта бўлганга ўхшай-  
сан! — дебди.

\* \* \*

Бир хўжа билан бир фуқаро уришиб қолибди. Хўжа:

— Во Муҳаммадо! — деб фарёд кўтарибди. Фуқаро эса:

— Ҳой одамлар! — деб дод солибди.

Одамлар таажжубланиб:

— Во Муҳаммадо, деганинг нимаси? — деб сўрасалар, фуқаро  
шундоқ дебди:

— У ўз бобоси Муҳаммадни ёрдамга чақириб: «Во Муҳаммадо!»  
деди. Мен ўз авлодим, одамни ёрдамга чақириб: «Ҳой одамлар!» деб  
кичқирдим. У Муҳаммад авлоди эканини исботлаш учун қанча тер  
тўкиши керак. Менинг одам фарзанди эканлигимга ҳеч кимнинг  
шубҳаси йўқ.

\* \* \*

Луқмони ҳаким қоп-қора киши экан. Биров уни танимасдан  
ғулумликка олиб, бирмунча вақт эшигида хизмат қилдирибди.  
Кейин хизматкори илму хикматдан хабардор одамга ўхшаганини  
пайқаб, имтиҳон тарзида бир кун:

— Қўйни сўйиб, энг яхши жойини менга келтир, — дебди.

Луқмон қўйни сўйиб, юрак ва тилини хўжасининг олдига келти-  
риб қўйибди. Бошқа бир кун:

— Қўйни сўйиб, энг ёмон жойини пишириб кел,— дебди хўжайин.

Луқмон яна бир қўйни сўйиб, тили билан юрагини хўжасининг олдига келтириб қўйибди.

— Бу нима қилигинг? — деб хўжаси сўраса, Луқмони ҳаким шундоқ дебди:

— Эй хўжам, агар пок бўлса, тил билан юракдан тоза нарса йўқ, агар нопок бўлса, тил билан юракдан ифлос нарса йўқ!

\* \* \*

Бир ҳакимдан:

— Қайси таом яхшироқ ва лаззатлироқ,— деб сўрашса, ҳаким:

— Қорнинг оч бўлса, ҳар қанақа таом ҳам тотли ва лаззатли бўлади,— дебди.

\* \* \*

Бир ҳазилкаш табибдан:

— Бўса иссиқликми, совуқлик? — деб сўраса, табиб:

— Бунисини-ку билмайман, аммо кўпи кўнгил айнитишини биламан! — дебди.

\* \* \*

Ҳозиржавоблик даъвосини қилиб юрадиган бир хасис Абдурахмон Жомий олдига ҳазил тарзида:

— Уч ақчам бор, қандоқ қилиб шу пулга бир нима олиб тўйгунча есаму яна қолганини уч ақчага сотиб пулимни ундирсам деб ўйлаб ўтирибман,— дебди.

Бунга жавобан Жомий шундоқ дебди:

— Кушхонага бориб, уч ақча берсанг, битта қорин беради, ичидагини еб, қолганини яна уч ақчага сотасан-қўясан-да!

\* \* \*

Султон Маҳмуд Ғазнавий бир кун тўрт эшикли уйда ўтирган экан, Абурайҳон Берунийни чақириб:

— Қани, айт, мен бу эшикларнинг қайси биридан чиқиб кетаман? — дебди.— Агар сенинг айтганингни акси бўлса, шуни билгинки, бошингдан айриласан!

Ҳаким нима қилишини билмай, ҳайрон қолибди. Султон Маҳмуднинг раҳм-шафқатсизлигини билгани учун унинг талабини рад этишга журъат этолмабди. Чор-ночор устурлобни кўтариб, чуқур мулоҳаза билан, уёқ-бўёқни текширган бўлибди. Кейин қоғозга

бир нималарни ёзиб буклагач, султон Маҳмуднинг ёстиги остига кўйибди. Султон Маҳмуд шимоли шарқ томондан эшик очишни буюрибди ва ўша тешикдан чиқиб кетибди. Кейин ҳалиги қоғозни сўраб, очиб ўқибди. Қоғозда: «Султон ҳеч қайси эшикдан чиқмайди, балки деворни шимоли шарқ томонидан тешиб чиқиб кетади», деб ёзилган экан. Султон Маҳмуд Берунийнинг донишмандлигига қойил қолибди ва ўша мажлисда уч юз минг дирҳам мукофот ва зарбоф тўн ҳадя этибди.

\* \* \*

Ҳиротнинг шайхулисломи мавлоно Сайфиддин Аҳмаднинг қулогига Абдураҳмон Жомий Султон Ҳусайн Мирзога яқин бир кишининг уйига касал кўргани борибди ва унинг дастурхонидан таом ебди, деган хабар етгач, шайхулислом:

— Абдураҳмон Жомий ўша одамнинг дастурхонидан овқат еган бўлса, биз ислом динидан кўлимизни ювдик! — дебди.

Бу сўзни эшитган Жомий:

— Шайхулислом ўша бўлса, биз исломдан қўл ювдик! — дебди.

\* \* \*

Ўр шаҳрининг афту башараси қоп-қора, гавдаси йўғон ва ҳаммаёғини тук босган қозиси муҳим иш билан бирмунча вақт Ҳиротда қолиб кетибди. Бир куни Жомийнинг олдига келган экан, Жомий ундан:

— Нечук бунча узоқ юриб қолдинг? — деб сўраса, қози:

— Бизнинг ўлкада тўнғиз кўпайиб қолибди, шунинг учун боргим келмаяпти,— дебди.

— Шу кунлари анча камайиб қолган бўлса керак,— дебди Жомий.

\* \* \*

Бир давлатманд киши ҳаётлигида ўзига сағана курдирибди. Сағана битгандан кейин устани чақириб:

— Бу иморатнинг мукамал бўлиши учун яна нима даркор? — деса, уста:

— Фақат сизнинг муборак жасадингиз! — дебди.

\* \* \*

Товуси Яманий шундоқ хикоя қилади: Ҳажжож Юсуф олдида бир одамни кўрдим. У Ҳажжожга дадил муомала қилар, унинг саволларига мардона жавоб қайтарар эди. Ҳажжож Яман вилоятида ҳокимлик қилаётган биродарининг аҳволини ундан сўрабди:

— Қани, айт, сизларнинг ҳокимларинг — менинг биродарим Мухаммад бинни Юсуфнинг аҳволи нечук?

— Ўзи семиз, қадду баста филдай, ранг-рўйи хўроздай!— дебди.

— Мен сендан унинг ранг-рўйини эмас, адл-инсофини сўраяпман,— дебди Ҳажжож.

— Бераҳм, қонхўр, золим, фосик, бадахлок!

— Нега бўлмаса, ундан каттароғига арз қилиб зулмидан қутулмайсизлар?

— Ундан каттароғи бешбаттар бўлса-чи?

— Мени танийсанми?

— Албатта танийман. Сен Ҳажжож бинни Юсуфсан, у сенинг биродаринг бўлади.

— Нечук кўркмасдан-нетмасдан бу гапларни менга дангал айтяпсан?

— Ҳақ гапни гапирадиган одам ноҳақдан кўркмайди...

\* \* \*

Хурав Парвез фуқарога зулм қилган бир амалдорини хузурига чақиртирибди. Амалдор тезда келавермабди. Шунда Парвез ўша элнинг ҳокимига:

— Келишга гавдаси оғирлик қилаётган бўлса, енгилроқ аъзоси — калласини юбора қол,— деб хат ёзибди.

\* \* \*

Бир куни Кисро зиёфат берибди. Қариндошларидан бир одамшаванда зот олтин қадахни ўғирлаб, секин чўнтагига солибди. Кисро буни кўриб ўтирган бўлса ҳам ўзини кўрмаганга солибди. Ўтиришнинг пировардида соқий:

— Ҳеч ким ўтирган жойидан жилмасин! Битта олтин қадах йўқолибди. Ҳамманинг чўнтагини кўриб чиқиш керак,— дебди.

— Хожати йўқ,— дебди Кисро,— олган одам қайтиб бермайди, кўрган одам кўрдим, демайди.

Бирмунча вақтдан сўнг Кисро ўша қадах ўғрисини кўриб қолибди. Ҳалиги киши янги тўн, янги сарпо кийган, белига қилич такиб, олифта бўлиб олган экан. Кисро рамзий ишорат билан:

— Бу янги тўн ҳам ўшанданми? — деб сўрабди.

Ҳалиги одам этагини кўтариб:

— Бу кўйлак-иштон билан янги этик ҳам ўшандан,— дебди.

\* \* \*

Ота-болани ҳокимнинг олдига олиб келиб калтаклабдилар. Аввал отани юз калтак урибдилар. Ота «миқ» этмабди. Кейин ўғлини калтаклай бошлабдилар. Ўғлининг бошига биринчи калтак тушиши биланок ота дод-фарёд кўтарибди.



Ҳоким:

— Юз калтак урганда-ку, «миқ» этмаган эдинг, нега энди ўглингни бир таёқ урганда мунча дод-вой қиялсан? — деса, ота шундоқ дебди:

— У калтақлар бошимга тушганда сабр-бардош қилган эдим, энди жигарим бошига тушганда тоқатим тоқ бўлди!

\* \* \*

Бир бой ҳақимга:

— Юз динор олтиним бор, шуни сенга бермоқчиман, нима дейсан? — деб сўрабди.

— Берсанг,— дебди ҳақим,— сенга яхши, бермасанг менга яхши. Сенга яхшилиги шуки, шу восита билан менга марҳамат қилган бўласан. Бермасанг менга яхши бўлиши шуки, сенинг миннатингдан қутуламан!

\* \* \*

Бир подшоҳ ҳол-жонига қўймасдан бир ҳақимга шароб ичкизибди. Ҳақим ичгандан кейин алжиб қолибди. Ҳушёр бўлганидан сўнг, паст-баланд гапларни айтдинг, деб уни калака қилишибди.

— У гапларни мен эмас, мени ичишга мажбур қилган одам гапиртирди,— дебди ҳақим.

\* \* \*

Араблар орасида гапга чечанлиги билан машҳур бўлган Абулайнога бағдодлик бир улуғ зот тегишмоқчи бўлиб:

— Биз доимо сенинг ғийбатингни қиламиз,— дебди.

— Шу гапни айтмаганингда сенинг аҳмоқлигингни билмас эдим,— деб жавоб берибди Абулайно.

\* \* \*

Басралик бир араб бир бойга қул сотган экан. Бой уни мешқобчи қилиб тайинлабди. Қул эртадан-кечгача сув таширкан. Бир куни араб қўшалок мешни кўтариб, зўрға бораётган қулини кўриб қолади.

— Ҳа, аҳволинг нечук? — деб сўрабди эски хўжайин.

— Асти сўрама,— дебди қул.— Сув ташиганим ташиган. На қудуқдаги сув тамом бўлади ва на буларнинг чанқоғи босилади!

\* \* \*

Бир бой узум, анор, анжир, хурмо олиб келгин, деб кулини бозорга юборибди. Анча вақтдан кейин кул фақат узумнинг ўзини олиб келибди. Бой:

— Бир ишни буюрганда одам деган биратўла бир нечтасини битказиб келмайдими?! Шунча йўқолиб кетиб, битта ишни битказиб келасанми? — деб кулни уришиб берибди. Уч-тўрт кундан кейин бой касал бўлиб қолибди, қулига:

— Бор, табибни олиб кел, — дебди.

Кул тезда қайтиб келибди ва бир неча кишини эргаштириб келибди. Бой:

— Булар кимлар? — деб сўраса, кул шундай жавоб берибди:

— Уришиб берган ўша кун сен менга бир ишни буюрсам, бир нечтасини бажариб, тезда орқангга қайт, деб айтган эдинг. Ҳозир бориб сени даволаш учун табиб олиб келдим, тузалиб кетсанг сенга ашула айтиб, мусика чалиб беради, деб ҳофизни, ўлсанг ғассоллик қилади, деб ювғувчини, ўлганда марсия ўқийди, деб отинни, жаноза ўқиши керак бўлади, деб домла-имомни, гўр қазийди деб гўрковни, қабр устида хатми қуръон қилади, деб қорини олиб келдим ва буларнинг ҳаммасини бир йўла бажардим!

\* \* \*

Бир соддадан:

— Сен каттами, аканг? — деб сўраган эканлар, у:

— Акам катта, аммо бир йилдан кейин унга етиб оламан, — дебди.

\* \* \*

Бир содда биров билан шерикликка кул сотиб олган экан. Кулдан бир гуноҳ содир бўлибди. Шунда содда калтак олиб кулни урмоқчи бўлган экан, шериги:

— Нима қилмоқчисан? — деб сўрабди.

— Ўз тегишимни калтакламоқчиман, — дебди шерик.

\* \* \*

Бир содданинг бўйнига ковоғари кўнибди. Ўртоқлари бундан уни огоҳлантирибди. Содда арини еңги билан уриб ҳайдабди, кейин ўртоқларидан:

— Дурустрок қаранглар, чақмадимикин? — деб илтимос қилибди.

\* \* \*

Бағдодлик Баҳлул бир куни Басрага борган экан, унга басралик девоналарни санаб чиқ, дейишибди.

— Девоналарни санаб чиқиш қийин, чунки улар жуда кўп, аммо соғларни санаб чиқ, десаларинг бу бошқа гап, чунки уларнинг сони маълум, — дебди.

\* \* \*

Бир содда шахзода шахарга чиққан экан, бундай қараса, шахар қалъаси деворида лайлак ўтирганмиш. Дарҳол хонсолорни чақиртириб, унга эллик калтак урдирибди. Бунинг сабабини сўрашга ҳеч ким журъат этолмабди. Ниҳоят, хонсолорнинг ўзи:

— Шахзодам, нечук мени сабабсиз жазолайсиз? — деб сўрабди.

— Менинг туям шахар қалъасининг устида нима қилиб юрибди? Йиқилиб кетса оёғи синади-ку, деган гап наҳот хаёлингга келмаса? — дебди шахзода.

— Шахзодам, худо ҳақки, бу туя эмас, лайлак, ундан кейин мен охурсолор<sup>1</sup> эмас, хонсолорман! — дебди.

\* \* \*

Хон бир араб билан ҳамтовоқ бўлиб қолибди. Дастурхонга ҳалим ош келтириб қўйишибди. Араб товоққа разм солиб қараса, ҳамма ёр халифа олдида. Араб дарров бармоғи билан ариқча қилиб, ёғни ўз гомонига ҳайдабди. Халифа: «Қайикдагиларни сувга фарқ қилиш ниятида уни тешиб қўйдингми», деган оятни ўқибди. Араб ҳам бу оятга жавобан дарров: «Бахраманд бўлсин, тирилсин, деб сувни қақраб ётган ер томонга сурдик», деган оятни ўқиб берибди.

\* \* \*

Искандар Зулқарнайн Эрон шоҳи Дорога қарши урушмоқчи бўлганида унга:

«Шуни эсда тутингки, Доронинг саксон минг аскарлари бор», деб ёзиб Искандарни кўрқитмоқчи бўлибди. Искандар бунга жавобан шундай дебди:

— Қассоб қўйнинг кўплигидан ҳеч қачон ваҳимага тушмайди.

\* \* \*

Ҳабашистон шоҳи Яман ҳокими Сайфи Зиязанни Ямандан чиқариб ҳайдаганда у Анушервондан паноҳ истаб ёрдам сўрайди. Анушервон ёрдам тариқасида унга уч юз минг аскар юбормоқчи бўлади. Шунда Сайфи Зиязан Анушервонга шундай ёзади:

«Эй Кисро, уч юз минг аскар эллик минг кишига нечук қаршилик кўрсата олади?»

Кисро бунга шундай жавоб беради:

«... бир дунё ўтинни аланга олдириш учун озгина ўт кифоя...»

<sup>1</sup> Шоҳнинг отига мутасадди киши.

\* \* \*

Бир хасисга биров:

— Узугингни менга бер, қачон кўзим тушса, сени эслаб юраман ва шу восита билан сира унутмайман, — дебди.

Хасис бунга жавобан шундоқ дебди:

— Мени эслайдиган бўлсанг, фалончидан узук сўраган эдим, бермади, деган сўзни зинҳор унутма.

\* \* \*

Бир нечта киши хасис бойнинг олдига бориб, шундоқ дейишибди:

— Сен давлатман оиладан бўласан, бизлар эса камбағал оиладан бўламиз. Сенинг даргоҳингга биз фақирлар катта умид билан келдик. Сенга иккита илтимосимиз бор, ноумид қайтармассан деган умиддамиз.

— Қўлимдан келганича сизларга кўмак беришга тайёрман. Хўш, қанақа илтимос экан? — деб сўрабди ҳалиги хасис бой.

— Биринчи илтимосимиз шуки, мана бу одамга қарз тариқасида минг динор бериб турасиз. Биз ҳаммамиз гувоҳмиз.

— Иккинчи илтимосларинг қанақа?

— Иккинчи илтимосимиз шуки, бу қарзни қайтариб бериш учун бир йил муҳлат берасан.

— Эй азизлар, — дебди бой, — икки ҳожатдан биттасини чиқарган одам хайрли иш қилган бўладими-йўқми?

— Албатта!

— Мен икки илтимосдан бирини — қарз муҳлатини чўзишни қабул қилдим. Сизлар мендан бир йилга чўзишимни илтимос қилдиларинг, мен эса сизларни юз-хотирларингни қилиб ўн йил муҳлат бераман, майли, ўн йилдан кейин тўласин. Энди боринглар, биринчи илтимосни бошқа бировдан қилинглар, чунки мен бундан ортик лутфу марҳамат кўрсатишга ожизман.

\* \* \*

Ашъаб бинни Жобир деган киши таъмагирликда машҳур экан. Ундан:

— Сен қай даражада таъмагирсан? — деб сўрашса, шундоқ жавоб берибди:

— Таъмам шу даражадаки, қайси уйдан тутун чиқса, менга овқат пиширяпти, деб ўйлайман. Шу умидда ўрнимдан турман ва қок-сўқ нонларни йиғиб, қачон мени шўрвага таклиф қилса, шу нонларни тўғраб ейман, деб кутиб ўтираман. Агар умидим пучга чиқса-ю, ҳеч ким мени шўрвага таклиф этмаса, ночор бир коса сув келтириб, ўша нонларни ивитиб ейман.

Агар сополфуришликдан ўтиб қолсам ва бировни коса ё лаган сотиб олаётганини кўрсам, бу коса ва ё лаганда менга овқат пишириб берса керак, деб ўйлайман.

Мисгарлик растасидан ўтиб кетаётган бўлсаму мабодо мисгарнинг мис лаган ё мис коса ясаётганини кўрсам бирон кун зарф эгаси менга шу идишдан овқат юбормасмикин, деган умидда унинг олдига бораман ва лаган билан косани каттароқ қилиб яса, деб илтимос қиламан.

Кўчада кетаётган бўлсам, томданми, дарчаданми қўшни қўшнига бирор нарса ташласа, менинг этагимга тушиши мумкин, деб этагимни кўтариб юраман.

Агар кўчадан келин олиб кетмоқчи бўлсалар, мен адашиб келинни меникига олиб кирмасмикинлар деб дарров ҳовлимни супуриб-сидириб, сув сепиб, эшикни очиб ўтираман.

\* \* \*

Ҳирот донишмандларидан бўлмиш мавлоно Пиршамс бир куни кичкина ўғли Муҳаммадга шундоқ дебди:

— Болам, ваъзхонлик қилгим келяпти, чунки мен шаҳардаги ваъзхонлардан нотикроқ ва донороқман, бу соҳада мендан ўтадигани йўк.

Жума куни, намоз жумадан кейин ваъз айтаман, деб ҳаммага хабар берибди. Ҳиротнинг ёшу қари — ҳаммаси йиғилибди. Мавлоно Пиршамс шунча одамни кўргандан кейин уларнинг салобати босади-ю, минбарда узоқ тўхтаб қолади. Шунча қилса ҳам ҳеч нарса хаёлига келмайди. Охири ноилож:

— Эй азизлар, ўзларингга маълумки, мен донишманд ва нотикликда мумтозман, лекин минбарга чиқишим билан бутун биладиганларим хотирамдан кўтарилди.

Шу чоғ унинг ўғилчаси Муҳаммад ўрnidан туриб:

— Дадажон, ваъзни-ку, эсдан чиқарибсиз, минбардан тушишни ҳам унутдингизми? — дебди.

\* \* \*

Азҳари Жаммоз араблар орасида содаллик ва ҳафтафаҳмликда ном чиқарган ва унинг ҳақида кўп латифалар тўқилган экан. Масалан, бир куни у ўнта туяни ҳайдаб бораётган экан, уч-тўрт чақирим йўл босгандан кейин чарчаб, туялардан бирига миниб олади-ю, қолганини санаса, тўққизга чиқади.

— Ўнта туям бор эди, биттаси нима бўлди? — деб туядан тушиб атрофни қидиради, туя йўк. Қайтиб келиб санаса, яна ўнта чиқади. Суюниб яна йўлда давом этади. Бир оз юргандан кейин яна чарчаб, туяга миниб олади ва қолганини санайди, яна тўққизга чиқади. Яна туядан тушиб чор атрофни қидиради, туядан дарак йўк. Демак, туяга минсам битта камаяркан, пиёда юрсам туям йўқолмас экан, деб ахири пиёда кета бошлайди.

\* \* \*

Шогирдларидан бири Сукротдан сўрабди:

— Нега чехрангизда ҳеч қачон маҳзунлик аломатини кўрмаймиз? Ҳамиша димоғингиз чоғ?

— Чунки менинг йўқотганимда хафа бўладиган нарсам йўқ, — дебди Сукрот.

\* \* \*

Дарахтга осилиб турган аёлни кўриб Сукрот:

— Ҳай-ҳай! Қани энди ҳамма дарахтлар ҳам шунақа ҳосил берса экан! — дебди.

\* \* \*

Сукротни қатл қилишга олиб кетишаётган экан, бир аёл уни кўриб:

— Вой мен ўлай! Наҳотки, булар сен бечорани гуноҳсиз ўлдириб юбораверишса? — деб йиғлаб юборибди. Шунда Сукрот:

— Эҳ, тентак! Наҳотки сен менинг бирор гуноҳ қилиб, шу гуноҳим туфайли қатл қилинишим ва оламдан гуноҳқор бўлиб кетишимни истасанг? — дебди.

\* \* \*

Бир файласуфнинг қизи бор экан. Унга икки киши — бир бой ва бир камбағал совчи юборибди. Файласуф қизини камбағал йигитга берибди. Дўстлари ундан нега бундай қилдинг, деб сўрашса, шундай жавоб қилибди:

— Давлатли йигитнинг эси пастроқ кўринади, ҳадемай мол-давлатидан ажралиб қолиши мумкин. Камбағал йигит эса зийрак ва эсли-хушли экан. Эси бор одамнинг сал вақтда бойиб кетишига ишонса бўлади.

\* \* \*

Бир файласуфдан:

— Қандай ҳодиса мамлакатнинг аксарият аҳолисини бараварига хурсанд қила олади? — деб сўрашибди.

— Жохил подшоҳнинг ўлими, — деб жавоб берибди файласуф.

— Подшоҳ билан сенинг ўртангдаги тафовут нимадан иборат? — деб сўрашса, у шундай дебди:

— Подшоҳ хирсу хаваснинг гуломи, мен эса амириман.

\* \* \*

Афлотундан сўрабдилар:

— Бошига кулфат тушган одам ўзига қандай тасалли бериши мумкин?

Афлотуң бундай жавоб қайтарибди:

— Ақлли одам: шу воқеанинг содир бўлиши табиий деб ўзига тасалли берса, аҳмоқ: фақат мен эмас, бошқалар ҳам шу кунга гушиши мумкин, деб ўзига тасалли беради.

\* \* \*

Арасту Искандар Зулкарнайнга насиҳат қилибди:

— Ўз сирингни зинҳор икки кишига айта кўрма. Мабодо сиринг эшқор бўлиб қолса, бу икки кишидан қайси бирининг оғзи бўшлигини аниқлаш қийин. Иккаласига жазо берсанг, оғзи мустаҳкам одамни таҳқирлаган бўласан. Агар иккаласини кечирсанг, яна бегуноҳ одамларни ҳақоратлаган бўласан, чунки улар сенинг авфингга муҳтож эмас.

\* \* \*

Бир файласуф машғала кўтариб бораётган кизни кўриб:

— Қаранг! Ўтга ўт тушибди! — дебди.

\* \* \*

Файласуф соҳибжамол бир аёлни театрда кўриб:

— Хурилико, сен бу ерга томоша кўргани келдингми ёки томоша ўрсатганими? — дебди.

\* \* \*

— Бир файласуфдан:

— Нега султонимизнинг сенга унчалик хушлари йўқ? — деб ўрасалар, у шундай дебди:

— Чунки султонлар ўзларидан бир поғона баланд кишини қтирмайдилар! Барча султонларнинг хислати шу!

\* \* \*

Арастудан:

— Нега бахилларнинг кайфи бузук бўлади? — деб сўрабдилар.

Шунда у:

— Чунки улар фақат ўзларининг омадсизлигини эмас, бошқаларнинг омадини кўриб ҳам изтироб чекадилар,— деб жавоб берибди.

\* \* \*

Пифагорнинг узугига куйидаги сўзлар ўйиб ёзилган экан:

«Бир лаҳзалик омаддан кўра, бир лаҳзалик омадсизлик афзал».

\* \* \*

Бир файласуф шундай деган экан:

— Ақлли одам аҳмокни дарров танийди, чунки ақли киргунча бир вақтлар ўзи ҳам шу тахлитда бўлган. Аммо ақлсиз одам ақлли одамни таниши амри маҳол, чунки у ҳеч қачон ақлли бўлмаган.

\* \* \*

— Одамнинг табиати жуда ғалати-да,— дебди бир файласуф,— давлати кўлидан кетса қайгуради, аммо умри ўтиб кетаётганига парво қилмайди.

\* \* \*

Бир кун Диогендан:

— Оламда энг мушкул иш нима? — деб сўрашибди.

— Ўзлигингни билиш ва сирингни сақлай олишдан мушкулроқ иш йўқ,— деб жавоб берибди у.

\* \* \*

Одамлар Арастудан:

— Сен бошқалардан ниманг билан фарқ қиласан? — деб сўрашибди.

— Улар емоқ учун яшаса, мен яшамок учун ейман дебди Арасту.

\* \* \*

Сукрот бир бой билан йўлга чиққан экан. Йўлда, қароқчилар шу ўртада изғиб юрибди, деган хабарни эшитиб қолибди.

Бой:



— Ана ҳолос! Улар мени таниб қолса нима бўлади? — деса, Сукрот:

— Ана ҳолос! Улар мени танитай қолса нима қиламан? — дебди.

\* \* \*

Биров қаттиқ нонни сувга ивитиб ҳузур қилиб еб ўтирган файласуфни кўриб хайрон қолибди ва:

— Қаттиқ нонни ҳам маза қилиб ейиш мумкин эканми? — деб сўрабди.

— Албатта. Мен фақат қаттиқ нон мазали бўлиб туюлгунга қадар нафсимни тийиб ўтираман, — дебди файласуф.

\* \* \*

— Дунёда энг яхши илм қайси? — деб сўрашибди бир файласуфдан.

— Жоҳиллар ёқтирмайдиган илм, — деб жавоб берибди у.

\* \* \*

Афлотун шундай деган экан:

— Нодоннинг нодонлигини икки хислат айтиб туради: биринчидан, гапи тутуриқсиз, иккинчидан, жавоби пойма-пой бўлади.

\* \* \*

Бир файласуфдан:

— Қанақа тентакни гўрда тузаладиган тентак, дейиш мумкин? — деб сўрасалар:

— Ҳассасини икки марта йўқотган тентакни, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Арасту Искандарга қуйидагича насиҳат қилибди:

«Аскарларим менинг ҳақимда ёмон ўйга бормасин десанг, улар билан эҳтиёт бўлиб муомала қил, чунки биров ҳақида ёмон фикрга борган киши унинг ҳақида ёмон гапириши ҳам, унга нисбатан одобсизлик қилиши ҳам ҳеч гап эмас».

\* \* \*

Бир файласуф шундай дебди:

— Душманингдан пинҳон тутган сирингни дўстингга ҳам айтма, чунки дўстни душманга айланиши жуда осон.

\* \* \*

Бир подшоҳ Диогендан:

— Сенинг мол-давлатинг, ер-сувинг қаерда? — деб сўраган экан, у ўз шогирдлари ва ҳомийларига ишора қилиб:

— Мана бу кишиларда, — дебди уларга берган билимларни назарда тутиб.

\* \* \*

Бир киши:

— Ҳаётда кўзламаган воқеанг содир бўлиб қолса, шундан ёмони йўқ, — дебди.

— Кўзлаб юрган нарсанг сира амалга ошмаса, ундан ҳам ёмон-роқ, — дебди иккинчи киши.

\* \* \*

Арасту шундай деган экан:

— Маст кўрмасдан босган тиканнинг дардини сезмаганидек, нодон ҳам нодонлигидан нолимайди.

\* \* \*

Буюк файласуф Бузургмеҳрдан сўрашибди:

— Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?

— Камтарлик, — деб жавоб берибди у.

\* \* \*

— Одамнинг энг яхши хислати сабрли бўлиш, аммо узоқ вақт сабр қилиш учун бир умр кифоя қилмайди, икки умр керак, — деган экан Бузургмеҳр.

\* \* \*

Бузургмеҳр яна шундай деган экан:

— Ҳаёт ажойиб нарса-да: ким сени севса, унга нисбатан лоқайдсан; ким сени ёқтирмаса, унга парвона бўлгинг келади.

\* \* \*

Бир хирадманд шундай деган экан:

— Нодонга яхшилик қилган одам ё чўққанинг бўйнига дурру маржон тақаётган, ё заҳарли илонни асал билан боқаётган одамга ўхшайди.

\* \* \*

Бир донишманд бундай деган экан:

— Доно ризқини излаб дунёнинг нариги ёгига ҳам боришга тайёр, аммо нодон, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирган жойидан нари жилмайди.

\* \* \*

Анушервон шундай деган экан:

— Бекорчилик кишини беҳуда хаёлларга олиб боради, беҳуда хаёллар эса кишининг осойишталигини бузади.

\* \* \*

Бузургмеҳрдан:

— Нега дўстнинг душманга айланиши осону душманнинг дўст бўлиши қийин? — деб сўрабдилар.

— Иморатни бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топишдан осонроқда, — дебди у.

\* \* \*

Шоҳ Хусравга шундай савол беришибди:

— Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг?

— Душманларимга, — дебди у. — Ҳаммага маълумки, ақлли одам ёвузликдан қочади. Бўлар-бўлмасга юриш қилавермайди. Эси-пастандан сақласин. Аҳмоқларни бемаъни ишдан қайтариб бўлмайди.

\* \* \*

Бузургмеҳр зиндонда ётганда дўстлари ундан:

— Шундай қора кунга тушганингда ўзингга қандай тасалли беряпсан? — деб сўрашибди.

— Тўрт ҳикматни қайта-қайта такрорляяпман, — дебди у. — Биринчиси: буларнинг ҳаммаси пешонамда бор экан, кўряпман, демак тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Иккинчиси: бу кулфат минг оғир бўлса ҳам чидамасдан, сабр қилмасдан иложи йўқ. Учинчиси: ҳали бу ҳолва, бундан оғирроқ кунга ҳам тушиш мумкин. Тўртинчиси: эҳтимол бугун-эрта қутуламан, балки аллақачон қутулган ҳамдирману ўзим беҳабардирман.

\* \* \*

Бузургмеҳрнинг хотини эрига бир савол берган экан, у жавоб беролмабди. Шунда хотини:

— Сен подшоҳнинг маслаҳатчиси сифатида катта маош оласану

менинг биттагина саволимга жавоб беролмайсан,— деса, Бузург-мехр шундай дебди:

— Мен фақат билганларим учун маош оламан. Билмаганларим учун маош тўлаганда, эҳтимол, подшоҳнинг хазинасидаги барча олтинлар ҳам камлик қилар эди.

\* \* \*

Бир донишманд шундай деган экан:

— Найзанинг захми битиб кетади, ammo тилнинг захридан пайдо бўлган захм сира битмайди.

\* \* \*

— Дунёвий лаззатлар денгизнинг сувига ўхшайди, ичган сари чанқоғинг ошади,— дебди бир донишманд.

\* \* \*

Бир донишманд шундай деган экан:

— Шароб кишини тўрт кўйга салади, ичган замон киши гердайиб соллона-соллона қадам ташлайди. Бир оздан кейин маймун бўлиб ҳаммани кулдиради. Кейинроқ шер бўлиб атрофдагиларга ҳамла қилади. Охири чўчка бўлиб ботқоққа беланиб ётади.

\* \* \*

— Доно миясини тўлдиргани қайғурса, нодон қорнини тўйдиргани қайғуради,— дебди бир донишманд.

\* \* \*

Бир донишманд шундай дебди:

— Ўзини ҳам ва ўзгани ҳам безор қиладиган одамларнинг беш тоифаси мавжуд:

1. Бошқаларга таълим беришга бел боғлаган нодон.
2. Оти бору ўзи йўқ мақсадга эришмоқ учун жон куйдирадиган одам.
3. Надимлари билан маслаҳат қилмайдиган подшоҳ.
4. Қўлидан келмайдиган ишга тиш-тирноғи билан ёпишган одам.
5. Ҳаммани аҳмоқ қиламан, деб умид қилган.

\* \* \*

Қанақа одамни энг кучли ҳисоблаш мумкин? — деб бир файласуфдан сўрабдилар.

— Нафсини тия оладиган, эгри йўлдан ҳазар қила оладиган одамни,— дебди файласуф.

\* \* \*

Бир донишманд шундай деган экан:

— Хасминг минг заиф бўлса ҳам уни кучли деб бил ва ундан эҳтиёт бўл. Кучли дўстингга эса ҳамиша заиф деб қара. Акс ҳолда, сен дўстингнинг кучига ишониб бепарво бўлиб, ўзинг билан тенг бўлган душманнинг кучли зарбасига дучор бўлишинг мумкин.

\* \* \*

— Маккор душман яланғоч қиличга ўхшайди: зоҳиран кишини маҳлиё қиладию эҳтиёт бўлмасанг, сени майиб қилиб қўйиши мумкин,— дебди бир файласуф.

\* \* \*

— Майда-чуйда нарсаларга парво қилмаслик ҳар бир ақллига хос хислатдир,— дебди бир донишманд.

\* \* \*

Бир донишманд дебди:

— Ўзини ҳамиша олижаноб тутиб юрган кишининг виждони ҳеч қачон қийналмайди.

\* \* \*

Бир киши шундай деган экан:

— Такаллуфсизлик ҳурматингга путур етказади, ҳақиқий дўстлигингга раҳна солади.

\* \* \*

Бир донишманд шундай деган экан:

— Пашша яра чиққан аъзогагина қўнганидек, аҳмоқ ҳам одамларнинг фақат нуқсонини кўради.

\* \* \*

Бир киши шундай деган экан:

— Мен оғиз очмаганимдан кўра, оғиз очганимга кўп маротаба пушаймон бўлганман.

\* \* \*

Бир киши шундай деган экан:

— Оғзингдан чиқмаган сўз сенинг асиринг, оғзингдан чиқдими, бўлди — сен унга асир бўласан.

\* \* \*

Ҳорун ар-Рашиднинг икки хотинидан икки ўғли бор экан. Бирини Муҳаммад Амин бинни Ҳорун, иккинчиси Маъмун бинни Ҳорун. Халифа эса фақат Маъмунни яхши кўрар ва Аминдан устун кўяркан.

Бир куни Муҳаммад Амнининг онаси:

— Эй халифам, нечун Маъмунни Муҳаммад Аминдан юқори кўясан? Ахир иккиси ҳам ўз фарзандинг-ку! — дебди.

— Икковини ҳам имтиҳон қилиб кўрайлик, сабабини ўшанда тушунасан,— дебди Ҳорун.

У бир ходимни чақириб, Муҳаммад Амин ва Маъмундан бир нарсани сўраб келишни буюрибди. Ходим Муҳаммад Амнининг олдига бориб:

— Эй Муҳаммад Амин, бордию тожу тахт сенинг кўлингга ўтса, менга қандай иноят кўрсатасан? — дебди.

— Сенгамиз? — дебди Муҳаммад Амин, — сенга катта иноятлар кўрсатаман. Сени ўзимга энг яқин маслаҳатчи қилиб оламан.

Ходим келиб, худди шу саволни Маъмунга ҳам берибди. Бу саволдан Маъмуннинг жаҳли чиқиб кетибди, олдидаги олтин сиёҳдонни отиб, ходимнинг бошини ёрибди, фиғони фалакка чиқиб дебди:

— Қани, айт-чи, отамнинг ўлими сенга нима учун керак бўлиб қолди? Мен ҳамма хизматкорларини ҳам унинг битта фарзанди деб билардим. Сен муттаҳам хали унинг ўлимини кутиб юрган экансан-да.

Бошини қонатиб келган ходим, қиссани бошдан-оёқ гапириб берибди. Сўнгра Ҳорун ар-Рашид хотинига қараб дебди:

— Мен фарзандларимнинг ҳар қайсисига ўз фаҳми ва феълига қараб муомала қиламан.

\* \* \*

Бир донишманд шундай деган экан:

— Эл-аймоғи суймаган одам билан зинҳор ҳамхона бўлма, чунки улар бу киши билан кўпроқ охи-қатик бўлишган ва уни сендан яхшироқ билишади.

\* \* \*

— Бу қабиланинг бошлиғи ким? — деб сўрашибди бир мўътабар зотдан.

— Шўрлик қабиладонларим нешонасига мени бошлиқ қилиб сайлаш битилган экан, — деб жавоб берибди у.

\* \* \*

Бошқа бир донишманд шундай дебди:

— Ўзингдан катта билан ҳам, кичик билан ҳам зинҳор оғиз-бурун ўпишма: бу хулқинг каттага малол келиши, кичик эса бу ҳам ўзимиз катори экан, деб сени писанд қилмай кўйиши мумкин.



\* \* \*

— Икки ҳолатда кишининг иззат-нафсига путур етади,— дебди бир донишманд.— Ўзинг учун бир нима илтимос қилсанг ёки аҳмоқлар билан муомала қилишга мажбур бўлсанг.

\* \* \*

— Бўйин эгиб ҳадя сўрамаган кимса ҳадяга лойиқ эмас,— деган экан бир подшоҳ.

Бунга жавобан шу ерда ўтирган донишманд шундай дебди:

— Сўраб олган одам олган нарсасига нисбатан кўпроқ йўқотади. Ҳақиқий марҳаматли киши сўрамасдан беради.

\* \* \*

Бир донишманд:

— Гапирмоқдан эшитмоқ маъкул,— дебди.

— Нима учун? — деб сўрашибди ундан.

Шунда донишманд:

— Бўлмаса худо битта тилу иккита қулоқ бермас эди-да,— дебди.

\* \* \*

Бошқа бир донишманд:

— Сопол жомнинг бутунлигини чертиб билишганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо бериш мумкин,— деган экан.

\* \* \*

Бир донишманд султоннинг хотинига мурожаат этибди:

— Менинг илтимосим ҳақида эрингизга бир оғиз шипшитиб қўйинг!

— Мендан сўраб ўтиргандан кўра, ўзингиз султонга айта қолмайсизми? — дебди малика.

— Маликам! Дарахт учидаги мевани олиб ейиш учун пастки шохидан ушлаб эгиш керак-да! — дебди донишманд.

\* \* \*

Бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермаган. Эндиликда истардимки, менинг шогирдларим, барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин! Уларнинг билимлари ўшандагина мукамал бўлади.



Бир олимдан:

— Тутуриқсиз деб кимни айтса бўлади? — деб сўрашибди.

— Ёмонлашни ҳам, мақташни ҳам билмайдиган одамни, —  
деб жавоб берибди олим.

\* \* \*

Бир олим шундай деган экан:

— Нодонга нодонлиги туфайли тил теккиза кўрма! Акс ҳолда,  
сендан ибрат олиб, сени душман ўрнида кўради.

\* \* \*

Бошқа бир олим бундай деган экан:

— Китоблардаги фикрлар сенинг асосий маблағинг, калланг-  
дагиси эса ўша маблағнинг бир қисмидир.

\* \* \*

Бир гуруҳ навкарлар қуршовида кетаётган шохни кўриб бир  
каландар ўзича:

— Одамларга озмунча жабру ситам қилмаганга ўхшайди.  
Бўлмаса, улардан шунчалик кўрқармиди, — дебди.

\* \* \*

Бир каландар шундай деган экан:

— Кимки керагидан ортиқча бойлик йиғишга уринса, бошқалар  
учун жон куйдираётган бўлади.

\* \* \*

Бир мўйсафиддан:

— Нега хайр-эхсонни меъёридан ошириб юбординг? — деб  
сўрашибди.

— Янги манзилга кўчадиган одам эскисини тозалаб қўймайдими  
ахир? — дебди мўйсафид,

\* \* \*

Бир каландар шундай деган экан:

— Давлатманд кишига унинг давлатидан бирор фойда борми?  
Давлат кишини кўрқиб юришга, эҳтиёт бўлишга, қароқчилардан  
хавфсирашга, умуман, тинчлигини бузишга мажбур қилади; мерос  
туфайли ўз пуштикамаридан бўлган болаларини ўзига душман  
килиб қўяди.

\* \* \*

Бир подшоҳ каландарга:

- Тила тилагингни, ҳаммасини мухайё қиламан,— дебди.
- Мангу ҳаёт, абадий ёшлик, битмас-туганмас давлат, ҳеч қандай ғам-алам соя солмайдиган шодлик истайман.
- Булар менинг қўлимдан келмайди,— дебди подшоҳ.
- Бўлмаса, мени ўз холимга қўй. Қўлидан келадиганга мурожаат этарман,— дебди каландар.

\* \* \*

Эрон шоҳи Ардашер илон чақмаган ҳақимни ўз саройига қабул қилмас экан. Агар ҳақим илон захридан ўзини батамом қутқара олган бўлса, ўшандагина уни хизматга оларкан.

\* \* \*

Бир ҳақим шундай деган экан:

- Ошқозонда ҳазм бўлмаган овқат еган одамни ейди. Шунинг учун ҳам еган овқатинг ҳазм бўлсин десанг меъёрида егин.

\* \* \*

Бошқа бир ҳақим бундай деган экан:

- Меъёр — табиатнинг иттифоқдоши, соғлиқнинг кўриқчиси. Шунинг учун ичганингизда ҳам, еганингизда ҳам, ҳаракат қилганингизда ҳам, ҳатто ошиқ бўлганингизда ҳам меъёридан ошманг!

\* \* \*

Бир бемор ҳазилкаш табибнинг олдига бориб, санчикқа қарши дори сўрабди. Табиб:

- Тоғ дўланасининг тиканини чайнаб кўр,— деб маслаҳат берибди. Бемор чўнтагидан қоғоз-қалам чиқариб:
- Таксир, бошқатдан айтинг, ёзиб олай,— дебди.
- Бир қадок арпа билан тоғ дўланасининг тиканини чайна,— дедим.
- Ҳали арпа ҳақида ҳеч нарса демаган эдингиз-ку?
- Сенинг эшак эканлигингни илгари билмаган эканман,— дебди табиб.

\* \* \*

Ҳақим бир содда беморни кўргани борибди.

- Аҳволинг қалай, кўнглинг нима истайди? — деб сўрабди ҳақим.

— Худога шукур, аҳволим хийла дуруст. Бир озгина қор бўлса ер эдим,— дебди бемор.

— Қор сента бўлмайдди, томогинг оғриб қолиши мумкин.

— Мен фақатгина сузини сиқиб ичмоқчи эдим,— дебди бемор.

\* \* \*

Бир рассом сураат чичинни ташлаб, табибликни ихтиёр қилибди.

— Нега ўз касбингни ташлаб, табиблик қилиб юрибсан? — деб ундан сўрашибди одамлар.

— Рассомнинг хатосини ҳамма кўради, ҳамма танқид қилади, табибнинг хатосини эса ер яширади.

\* \* \*

Ҳаким бир беморга:

— Гўшт билан балиқ смагин, дебди.

— Эй биродар, гўшт билан балиқ сотиб олишга қурбим етганда эҳтимол сенинг олдинга келмаган бўлармидим,— дебди бемор.

\* \* \*

Бошидаги гуррасига туз билан зира сепиб ўтирган бир беморни кўриб, ҳаким:

— Ҳа, оғайни, қалла шиширмоқчимисан? — дебди.

\* \* \*

Бўри, тулки ва қуён бир кўзини овлаб келишибди-да, овни кимники бўлиши кераклигини билмай тангиб қолишибди.

Ниҳоят шундай қарорга келишибди, кимки ёши катталигини исботлай олса, кўзини ўна ейди.

Биринчи бўлиб қуён сўз бошлабди:

— Мен оламга келганимда ҳали еру осмон пайдо бўлмаган эди.

— Тўғри,— унинг сўзини тасдиқлабди тулки,— мен унга доя бўлган эдим.

— Икковининг ҳам гапинг ҳақ, аммо менинг бўй-бастим ва тиш-тирногим ёшим удуғлигини исботлай олмайдимиз? — дебди бўри.

— Исботлаганда ҳам қандай,— дебди тулки билан қуён бир овоздан, кўзининг қорини ёриб ямлаб ютаётган бўрига қараб.

\* \* \*

Овчининг қонқонига тушган икки тулкидан бири:

— Энди қаерда учрашарканмиз? — деб қўйибди.

— Қаерда бўлар эди? Уч кундан кейин пўстак бозорида бўлса керак-да,— дебди иккинчиси.

\* \* \*

Бир подшоҳ бир донишманд ҳамроҳлигида харобазорга айланган қишлоқдан ўтиб бораётган экан, кўкқисдан подшоҳнинг кўзи ўзаро нима ҳақдадир суҳбатлашаётган икки бойўғлига тушиб қолибди.

— Сен кушларнинг тилини билар эдинг шекилли,— дебди подшоҳ донишмандга,— булар нима ҳақда гапиришяпти, тушундингми?

— Тушунишга-ку, унча-мунча тушундим-а, аммо сизга айтгани тилим бормайди.

— Айт, нимадан истиҳола қиласан?— дебди шоҳ.

— Ғазаб қилмайсизми?— сўрабди донишманд.

— Мутлақо.

— Бойўғлилардан бирининг вояга етган ўғли, иккинчисининг бўйга етган қизи бор экан. Булар ўзаро қуда бўлишмоқчи. Иккинчи бойўғли — қизнинг сепи учун юзта харобазорга айланган қишлоқ бермоқчи, қувёнинг онаси эса буни камлик қилади, деб кўнмаяпти. Иккинчи бойўғли қудани кўндириш мақсадида шундай деяпти:

— Хотиржам бўл, ҳозирги подшоҳ омон бўлса, бир йилдан кейин мен сенга мингта харобага айланган қишлоқни ҳадя қиламан.

\* \* \*

Този ит оҳуни қувибди.

— Менга етиб бўпсан! — дебди оҳу.

— Нега? — деб сўрабди ит.

— Чунки мен ўзимни қутқаргани югураман, сен эса хўжайинингга ёкиш учун югурасан!

\* \* \*

Ит тулкини ушлаб олибди.

— Сен мени кучли бўлганинг учун эмас, заифлигим туфайли қўлга киритдинг,— дебди тулки.— Агар ишонмасанг, бор, бўрини ушлаб кел-чи.

\* \* \*

Бир қуш сайёднинг тузоғига илиниб қолибди.

— Мени нима қилмоқчисан? — сўрабди қушча сайёддан.

— Нима қилардим, сўйиб ейман,— дебди сайёд.

Қушча ёлвора бошлабди:

— Мени жувонмарг қилма, яхши одам! Мени еб, барибир тўймайсан. Ундан кўра қўйиб юбор, мен сенга учта фойдали маслаҳат бераман, улар сенга менинг гўштимдан кўра кўпроқ фойда келтиради. Биринчи маслаҳатимни ҳозир, сенинг қўлингда турганимда эшитасан. Иккинчи маслаҳатимни учиб, мана шу дарахтнинг шоҳига



қўнганимда эшитасан, учинчисини эса хув анави харсанг тошга бориб қўнганимда айтаман.

— Қани, эштайлик бўлмаса,— дебди сайёд.

— Биринчи маслаҳатим шуки, қўлдан берган нарсанга ҳеч қачон афсусланма.

Бу маслаҳат сайёдга хуш ёқибди ва у қушчани қўйиб юборибди.

— Иккинчи маслаҳатим шуки, бўлмаган нарсага зинҳор ишонма! — дебди қушча дарахт шохига қўниб. Кейин қанотларини қоқиб, шундоқ дебди:

— Эй хом сут эмган инсон! Мени сўйганингда-ку, ичимдан икки дона бебаҳо марварид топардинг!

Сайёд нима қилишни билмай, оёғи куйган товукдай бетоқат бўла бошлабди.

— Учиб кетмасингдан учинчисини ҳам айта қол,— деб илтижо қилибди қушчага сайёд.

— Бирпасда биринчи ва иккинчи маслаҳатни унутган одамга учинчисининг нима кераги бор?! Қўлдан берган нарсанга афсусланма, бўлмаган нарсага зинҳор ишонма, деб ҳозиргина сенга айтмадимми? Сен эса мени қўйиб юборганинга ачиниб, ичимда марварид борлигига ишониб ўтирибсанми?! Қушнинг ичида марварид бўлади, деган гапни ҳеч қачон эшитганмидинг! Эй лақма, марварид баҳрнинг қаърида бўлади-ку!

\* \* \*

Бир камбағал туш кўрса, тушида туянинг қумалоғини қовураётган экан. Таъбирини айтиб бер деб, муаббирнинг олдига борибди. Муаббир:

— Бир мири берсанг, тушингнинг маъносини айтиб бераман,— дебди.

Камбағал:

— Эй биродар, бир мири пулим бўлса туянинг қумалоғи ўрнига балиқ қовуриб емасмидим,— дебди.

\* \* \*

Бир муаббир Таҳрит деган шаҳардан Бобилга кўчиб кетмоқчи бўлибди. Ундан:

— Сенга нима бўлди? У ерда муаббирлар жуда кўп, бу ерда сен ўзинг якка-ёлғизсан-ку,— деб сўрашса, муаббир: — Таҳрит халқига чивин уйку бермаса нима қилай? Ухламагандан кейин қандай қилиб туш кўриш мумкин? — дебди.

\* \* \*

Бир сахий одамнинг хотини эрига шундай дебди:

— Сенинг ака-укаларингга ўхшаган нонкўрларни сира кўрганим йўқ. Ишинг юришганда улар кеча-кундуз шу ерда, ишинг сал юришмай қолдимн — қорасини кўрсатишмайди.

Бунга жавобан эри шундай дебди:

— Бу уларнинг ўта одобли эканлигидан далолат беради. Улар бунақанги пайтларда ортиқча ташвиш бўлишини исташмайди.

\* \* \*

Бир хасиснинг кечалари туриб, болалари қандай ётганидан хабар оладиган одати бор экан. Агар улар ўнг томони билан ётган бўлишса чап томонга ағдариб:

— Ҳа, падар қусурлар. Чап томонга ётсаларинг ўласанларми! Наҳотки ўнг томонини босиб ётганда овқат дарров ҳазм бўлишини билмасаларинг! — дер экан.

\* \* \*

Бир хасис баққолнинг олдига бориб:

— Бир мирилик пишлоқ бер,— деган экан, баққол:

— Бир мирига фақат пишлоқни ҳидлатишим мумкин,— дебди.

\* \* \*

Уч хасис битта хонани ижара олишибди. Лампа мойини ҳар доим бирга олишаркан. Бир кун лампа мойи олгани биттасининг пули етмабди. Иккитаси нима қилибди денг? Пул бермаган ҳам-хоналарининг кўзини боғлаб чирокни ёқишибди, фақат чирокни ўчириб, ўринга кирганларида унинг кўзини очишибди.

\* \* \*

Бир ёзувчи хасисликни мадҳ этиб асар ёзибди-да, уни хасисликда ном чиқарган султонга тақдим этибди. Султон мадҳияни ўқиб, шундай дебди:

— Таксинга сазовор асар. Лекин афсуски, сенинг бу меҳнатингни тақдирлай олмайман. Акс ҳолда, сенинг ибратомуз ва фойдали маслаҳатларингга амал қилмаган бўламан.

\* \* \*

Хасис бир камбағални ишга олмоқчи бўлиб:

— Хизматинг бадалига нима сўрайсан? — дебди.

— Қорнимни тўйғазсанг бас,— дебди камбағал.

— Бўлмади! Жуда қиммат!

— Бундан арзони қанақа бўлади? Нима, ҳар чоршанба ва жума кунлари рўза тутайми бўлмаса?

\* \* \*

Бир хасис шундай дебди:

— Фаришталарга ҳеч ким: «Беринг! Тўйдириг! Кийинтиринг!» — демайди. Фақат шунинг учун ҳам фаришта бўлсанг арзийди.

\* \* \*

Бир хасис фақат ярим кечада овқат ер экан.

— Нега шундай бемаҳалда овқат ейсан? — деб сўрашибди ундан.

— Аввало бу маҳалда пашша бўлмайди. Иккинчидан, бу вақтда ҳеч ким эшигингни тақиллатиб келмайди.

\* \* \*

Бир хасис қаттиқ оғриб қолибди. Шунча дори-дармон беришса ҳам терламабди. Хизматкорлари нима қилишларини билмай ҳақимга мурожаат этишибди.

— Унинг олдида ёғли қатлама енглар. Буни кўриб, ҳеч қандай дорисиз, дарҳол терлайди, — дебди ҳақим.

\* \* \*

Хасис бир мири пулни тушириб юборибди. Дарҳол уни ердан олиб ўпибди ва силаб-силаб чўнтагига соларкан, шундай дебди:

— Отам ҳам, онам ҳам, дўсту ёрим ҳам сенсан! Сен қанчадан-қанча шаҳарларни кездинг, қанчадан-қанча денгизларда суздинг! Қанчадан-қанча бойларни хонавайрон, камбағалларни бой қилдинг. Қанчадан-қанча қизларнинг номусини барбод этдинг, санамларни йўлдан оздирдинг! Мана энди жойингни топдинг! Энди ҳеч кимнинг роҳатини бузолмайсан! Бу ердан сени омбур билан ҳам суғириб ололмайди ҳеч ким!

\* \* \*

Бир баққол куппа-кундузи чироқ ёқиб ўтирган экан, ундан:

— Сенга нима бўлди? — деб сўрашибди.

— Нима қилай! Ҳамма баққолларнинг дўкони харидорга тўла, аммо менинг олдимга ҳеч ким келмайди. Шояд чироқ ёруғида мени кўришса, деб ёқиб қўйдим.

\* \* \*

Бир ҳазилкашдан:

— Нега хўроз эрталаб турганда бир оёғини кўтариб туради? — деб сўрабдилар.

— Иккала оёғини кўтарганда йиқилиб кетади-да, — дебди у.

\* \* \*

Бир машшоқ дўсти билан овқатланиб ўтирган экан, тўсатдан тап этиб томдан бир кесак тушибди. Сал ўтмай бу ҳол яна такрорланибди.



Машшоқ чӯрисини чақириб:

— Томга чиқиб қара-чи, кун ботибдими? — дебди.

Канизак томга чиқиб, анчадан кейин тушибди ва хўжайинига:

— Ҳа, кун ботибди,— дебди.

Меҳмон таажжубланиб, дўстидан:

— Шом бўлдию ўзинг кун боtgанини билмайсанми? Нега бечора кизни овра қилиб томга чиқардинг? — деса, дўсти шундай жавоб қилибди:

— Билишга-ку биламан-а, аммо бу қиз тушмагурни томга, хуштори олдига чиқариш учун бирор баҳона ҳам керак эди-да, бўлмаса у эрталабгача тошбўрон қилиб, бизни безор қиларди.

\* \* \*

Бир қизиқчидан:

— Биров бир динор пул берса олармидинг? — деб сўрашибди.

— Йигирма калтак урмасдан беришса олар эдим,— дебди у.

— Бунга йигирма калтакнинг нима алоқаси бор? — деб сўрашибди ундан.

— Бизнинг даврда ҳеч нарсани бекорга беришмайди,— дебди қизиқчи.

\* \* \*

Бир қизиқчини ит қопган экан, дўстлари унга шундай маслаҳат беришибди:

— Итнинг қутурган-қутурмаганлигини билмоқчи бўлсанг, баҳори ундан ёпилган нон бериб кўр. Агар еса, қутурмаган, емаса, қутурган бўлади.

— Унда маҳаллада мени қопмаган ит қолмадику,— дебди қизиқчи.

\* \* \*

Бир ҳазилкашга:

— Бугун бозорда уннинг нархи ошибди,— дейишибди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Мен бозордан ун эмас, фақат ёпилган нон оламан,— дебди ҳазилкаш.

\* \* \*

Бир содда киши таниши вафот этганини эшитибди ва кўчада унинг укасини учратиб:

— Ким ўлди? Сенми ё акангми?— дебди.

\* \* \*

Бир дехқоннинг буғдойини дўл уриб, ер билан яксон қилибди.  
— Эй худо! — дебди, осмонга қараб.— Бир-бировларингга озор берманглар, деб одамларга-ку ўзинг буюргансан! Мана бу қилмишинг ҳақида ўзинг нима дейсан? Ўз сўзингга ўзинг амал қилмаганинг учун сенга ким жазо беради?

\* \* \*

Бир содда ўгли ўлган одамнинг уйига бориб:  
— Худога шукур! Худога шукур! — дебди.  
Ўтирганлар ҳангу манг бўлиб:  
— Нега ундай деясан? — деб сўрашибди.  
— Мен ўзи ўлибди, деб эшитган эдим. Худога шукур, ўзи тирик экан. Танаси бутун бўлса, бўпти, яна шох чиқарар,— деб жавоб берибди содда.

\* \* \*

Шифохонага кирсам,— деб сўз бошлабди бир содда,— бир телбани занжирбанд қилиб қўйишибди. Мен унга тилимни кўрсатиб, кўзимни олайтирган эдим, девона осмонга қараб шундай деди:  
— Худоё тавба! Нега бу шифокорлар бир девонани занжирбанд қилиб қўядию бонкаси билан ишлари йўк!

\* \* \*

Бир содда миноранинг тагига бориб:  
— Бир мири берсаларинг, шу миноранинг учига чиқар эдим,— дебди.  
Одамлар бир мири беришибди. Ҳалиги одам нарвон сўрабди.  
— Нарвон билан чиқаман, деган гапни айтмаган эдинг-ку.  
— Нарвонсиз чиқаман, деб ваъда берганим ҳам йўқ эди шекилли! — дебди содда.

\* \* \*

Бир содда йўл бўйида йиғлаб ўтирган экан.  
— Каеринг оғрияпти, нега йиғлайсан? — деб сўрашибди ўт-кинчилар.  
— Нега йиғламай, қиш келяпти, на оёғимда бор, на эғнимда,— дебди у.  
— Ноумид бўлма. Ҳали қишгача узок, худо берар.  
— Э, ўша ўзим биладиган худо бўлса, ҳеч нарса бермайди. Бултур мени ҳатто яктаксиз, белбоғсиз қолдирган эди,— дебди содда.

\* \* \*

Бир соддага болалар тош отишибди. Содда болалардан қочиб бораётганида, ёш бола кўтариб келаётган аёлга рўпара келиб қолибди. У ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ аёлниг қўлидан болани тортиб олиб, кетига тушира кетибди.

Аёл:

— Ҳой ноинсоф! Норасида гўдакнинг гуноҳи нима? — деса, содда киши шундай дебди:

— Бефаҳм! Наҳотки тушунмасанг! Бу ҳам катта бўлса анави менга тош отган акаларидан бешбаттар бўлади!

\* \* \*

Бир содда пулини ўғирлатиб қўйган экан, одамлар унга тасалли беришибди:

— Хафа бўлма! Қиёмат куни ҳамма тирилганда, пулингни худо ўғридан ундириб беради.

— Гапинг-ку тўғри-я, лекин буни жуда узоқ кутиш керак-да,— дебди содда.

\* \* \*

Биров пулини йўқотиб, одамларга:

— Шу бугунги кундан машғум кун йўқ,— деб ҳасрат қилибди. Ўғри эса:

— Ҳамма учун эмас,— дебди.

\* \* \*

Бир содда азон айтиладиган минорани кўриб, дўстига:

— Бу минорани солган одамларнинг бўйи жуда баланд бўлса керак-а? — дебди.

— Эй ҳафтафаҳм! Одамнинг бўйи шунчалик баланд бўлар эканми! Бу миноранинг гиштани ерга ётқизиб теришган, ана ундан кейин кўтариб, тиклаб қўйишган! — дебди дўсти.

\* \* \*

Бир содда худога ёлворибди:

— Эй худо! Беш минг қумуш танга берганигда мингтасини гадойлارга хайр қилардим. Лекин агар менга ишонмасанг, майли, тўрт мингни бергину бир мингини ўз қўлинг билан гадойларга тарқат!

\* \* \*

Диогендан:

— Нега ҳамиша бозорда овқат ейсан? — деб сўрашса, у шундоқ дебди:

— Бошқаларнинг овқат ейишини кўриб иштаҳам очилади.

\* \* \*

Искандар Зулқарнайннинг сарбозлари орасида Искандар исмли бир йигит бор экан. Бу йигит уруш вақтида ҳамиша қочар экан. Зулқарнайн унга шундай дебди:

— Ё ботир бўл, ё исмингни ўзгартир, адашлигимиз одамларнинг бошини айлантриб қўйди.

\* \* \*

Бузургмеҳр шундоқ деган экан:

— Мева мизонда<sup>1</sup>, гул найсонда<sup>2</sup> яхши бўлади, аммо қиз латофати, ёшлик ғайрати, келгиндининг камтаринлиги йилнинг тўрт фаслида ҳам зарур.

\* \* \*

— Эри йўқ хотинни нимага ўхшатса бўлади? — деб бир файласуфдан сўраган эканлар, у:

— Сувсиз дарёга,— деб жавоб берибди.

\* \* \*

Бир бой бир дарвишдан сўрабди:

— Нега сенинг афтингга қараган одам дунёда бундан бахтлироқ одам йўқ деб ўйлайди, наҳот ҳаётингдан шу даражада мамнун бўлсанг?

— Шундоқ ҳам бўлмоғи даркор,— дебди дарвиш,— мен хурсанд бўлишим, тантана қилишим керак, сен эса ичингни еб, қон йиғлашинг лозим, чунки умринг тугаши билан даври-давронинг ҳам тугайди, мен эса ҳаётим тамом бўлиши билан бу дунёнинг ташвиш-тахликасидан батамом қутуламан.

\* \* \*

Қабристонда манзил қурган бир дарвишдан:

— Бу ерда нима қиласан? — деб сўрабдилар.

<sup>1</sup> Октябрь, ноябрь.

<sup>2</sup> Апрель, май.

— Ўлганларнинг жасадини ўрганяпман. Шунча ҳаракат қилдим, ҳукмдорнинг жасади билан уларнинг қўллари орасидаги тафовутни тополмадим, ҳаммаси бир хил,— дебди.

\* \* \*

Бир хазилкаш уйига кирса, тўшагида ғалвир ётганмиш. Дарров девор тагига бориб, козиққа осилиб олибди. Шунда хотини:

— Нима бало, жинни бўлдингми? — деса, эри:

— Нима қилай, ўрнимда ғалвир ётгандан кейин мен ҳам унинг ўрнини эгаллаб олдим-да,— дебди.

\* \* \*

Бир соддага:

— Эшагингни ўғирлаб кетибдилар,— деса, у:

— Худога шукур, хайриятки, эшакка миниб олмаган эканман! — дебди.

\* \* \*

Бир содда чўлда баланд товуш билан бакириб бораётган экан, ундан:

— Бу нима қилганинг? — деб сўрашса, у:

— Овозим қаергача боришини билмоқчиман,— дебди.

\* \* \*

Бир ҳароми бола ўткинчиларга қараб тош отаётганини кўриб, бир файласуф шундай дебди:

— Ҳой бола, эҳтиёт бўл! Отаётган тошинг яна ўз отангга бориб тегмасин!

\* \* \*

— Нотиқнинг вазифаси нимадан иборат? — деб бир файласуфдан сўрасалар, у шундай дебди.

— Бир чақага арзимайдиган одамни кўкка кўтариб, буюк шахсларнинг хизматини ер билан яксон қилиш.

\* \* \*

Шоҳ Ҳусравдан:

— Ўғилларингдан қайси бирини кўпроқ сеvasан? — деб сўрашибди.

— Тартиб-интизомга риоя қиладиган, ор-номусини кўз қорачидай сақлайдиган, жамиятда олий рутбани ишғол этиш учун ҳамиша жон куйдирадиган ўғлимни кўпроқ яхши кўраман,— дебди у.

\* \* \*

Шоҳ Шоҳпур шундай деган экан:

— Беш нарса ҳар қандай шаҳарнинг ҳам чиройини очиб юборади, яъни: одил қози, тўкин-сочин бозор, ҳозиқ табиб ва сув тўла дарё.

\* \* \*

Бузургмеҳр шу сўзларни яхши кўраркан:

— Бошингда бир-бирига тескари икки хил фикр пайдо бўлиб, қайси бирини амалга оширишни билмай қолсанг, хотинингга маслаҳат солиб, у айтган гапнинг тескарисини қил!

\* \* \*

Бир донишманд шундай деган экан:

— Офтоб соғлом кўзга яхшироқ кўришга ёрдам бериб, касал кўзни кўр қилиб қўйганидек, илм ҳам ақлли одамнинг ақлини ошириб, ақли қисқа одамни тентак қилиб қўяди.

\* \* \*

Бир ҳинд донишманди шундай деган экан:

— Беш нарса ўз табиатига кўра доимий бўлолмайдиган, яъни вафо қилмайдиган. Биринчиси, аҳмоқнинг рафоқати; иккинчиси, булутнинг сояси; учинчиси, ноинсоф подшоҳ; тўртинчиси, беҳисоб давлат; бешинчиси, сохта шухрат.

\* \* \*

— Аҳмоқ билан кўрнинг орасида қандай фарқ бор? — деб бир файласуфдан сўрабдилар.

— Кўр кунни тундан фарқ қилолмаганидек, аҳмоқ ақл-идрокни бемазагарчиликдан фарқ қилолмайди,— деб жавоб берибди у.

\* \* \*

Бир шаҳзода гўдаклик чоғида таълим олиб юриб, бир сўзни нотўғри ёзган экан, устози унга танбеҳ берибди, шунда бола:

— Мунча ғазабланмасангиз? Яхши от ҳам қоқилиб кетади-ку! — деса, муаллими:

— Гапинг дуруст-ку, аммо от қоқинса, қайта такрорламаслиги учун қамчи билан урадилар, аммо сени...

— Аммо от баъзан қамчилаган одамни тепиб, қаншарини синдириб қўйиши ҳам мумкин,— дебди бола.

\* \* \*

Бир қаландар шундай деган экан:

— Қирқ йилдан бери бир нарсани орзу қиламан.

— Нима ўша орзуинг?

— У ҳам бўлса, фойдасиз нарсалар ҳақида ўйламаслик.

\* \* \*

Эчки баланд иморатнинг томига чиқиб, ўша ердан бўрига дўк ура бошлабди.

Бўри унинг ингичка овозига бирпас қулоқ бериб турибди-да, кейин шундай дебди:

— Ҳой эчки полвон, бунчалик чиранма! Бу жасоратли сўзлар сенинг оғзингдан эмас, ўтирган ерингдан чиқяпти!

\* \* \*

Бир хасиснинг ҳусну латофатда тенгу тимсоли йўқ хотини бор экан. Аммо эрининг хасислиги туфайли уйда ҳамиша жанжал бўлиб тураркан. Бир кун эр, хотини пул деб жонидан безор қилганидан кейин, уни талоқ қилиб, уйдан ҳайдаб юборибди.

Хотиннинг гўзаллиги подшоҳнинг қулоғига етибди ва подшоҳ уни олмоқчи бўлиб, совчи юборибди. Хотин шундай деб шарт кўйибди:

— Битта шартим бор, агар подшоҳ шу шартга кўнса тегаман. Шартим шуки, подшоҳ мени ўзининг тахтиравонида олиб борсин ва тахтни кўтариб боришни менинг собиқ эримга топширсин.

Подшоҳ бунга рози бўлибди.

Аёлнинг собиқ эри тахтни кўтариб бораётганда аёл атайлаб бир динор пулни ерга ташлабди-да, эрига:

— Бир мири пулни тушириб юбордим, олиб бер,— дебди.

Эгилиб пулни олган хасис:

— Бир мири эмас, бир динор-ку,— деса, хотини:

— Йўқолган бир мири пулим ўрнига бир динор олтин берган худодан ўргилай-а! — дебди икки пулга арзимайдиган эрни йўқотиб, малика бўлиб қолганига ишора қилиб.

\* \* \*

Бир содда одамнинг хотини ўғил туғибди. Қўшнилари қуллук бўлсинга киришса, содда ташаккур баён қилиб:

— Аввало бу худодан, қолаверса сизлардан... Менинг ҳеч қанақа хизматим йўқ,— дебди.

\* \* \*

Бир содда шундай дебди:

— Аввало худо мени бутунлай яратмаса бўлар эди, яратганда ҳам кўр, қўл-оёқсиз қилиб яратса бўлар эди. Ўшанда ҳамма менга ачиниши мумкин эди. Ҳозир бўлса, фақат танбех беришади холос.

\* \* \*

Бир файласуф шундай дебди:

— Кайфу сафо, яъни хузур-халоват тўрт хил: бир лаҳзалик, куни бўйи давом этадиган, бир ойга чўзиладиган, бир умрга етадиган бўлади. Муҳаббат туйғусидан вужудга келган кайфу сафо бир лаҳзалик бўлади. Ўғил туғилганда киши то боланинг вақ-вақи меъдасига теккунча — куни бўйи хурсанд бўлиб юради, янги уйланган куёв келин ҳомиладор бўлгунга қадар кайфу сафо қилиб юради. Катта давлат умр бўйи давру даврон суришга имконият беради.

\* \* \*

Ҳикоя қилишларича, Искандар Зулкарнайн захарланган винони ичиб, ўлими яқинлашганини сезгач, онасига хат ёзибди. Хатида онасидан дастурхон ёзиб, ҳеч кими ўлмаган, ўлим доғини кўрмаган одамларни чақириб меҳмон қилишни сўрабди.

Бу ишни у дунёга устун бўладиган одам йўқлигини онасига кўрсатиш ва шу йўл билан унга тасалли бериш мақсадида қилган экан.

\* \* \*

Бир ҳакимнинг ўқиш-ўрганишга сира уқуви йўқ бир ўғли бор экан.

Хотини эрига:

— Нега бунақа экан-а? Сендек олим, фозил одамдан туғилган бола кип-қизил аҳмоқ бўлди-я? — деса, эри шундоқ дебди:

— Истеъдод ирсий бўлмайди, унинг жони меники эмас, ўзиники-дир!

\* \* \*

Юнон ҳокимлари ҳакимлари касал бўлиб қолса, дарров уларнинг моянасидан маҳрум қилишаркан.

\* \* \*

Сахийликда ном чиқарган бир бойнинг олдига бир камбағал келиб, хайр сўрабди. Тасодифан камбағал хассасининг учи билан бойнинг оёғини босибди ва ҳатто хассага таянибди. Қўли очик бой хайр қилибди, камбағал кетибди. Шу аснода ҳозир бўлган одамлар ундан сўрашибди:



— Ҳассаси бармогингни босганда нечук чидадинг?  
— Оёғимни босганини айтсам, хайримни олишдан уялади деб қўрқдим,— дебди бой.

\* \* \*

Бир файласуфдан:

— Ҳақиқий сахийлик нимадан иборат?— деб сўрабдилар.  
— Оғир кунда лутфу марҳамат қўлини чўзишдан иборат,— дебди файласуф.

\* \* \*

Бир косибдан сўрабдилар:

— Сен подшоҳ бўлсанг нима қилар эдинг?  
— Ҳар куни кунжутли нон билан асал ер эдим,— дебди косиб.

\* \* \*

— Кимни энг кучли деб ҳисобласа бўлади? — деб бир файласуфдан сўрасалар, у шундоқ дебди:  
— Нафсини тия оладиган, эгри йўлдан ҳазар қиладиган одамни.

\* \* \*

Биров ўғлига шундай насихат қилибди:

— Мабодо камбағал бўлиб қолсанг, дўстларингга ҳам оғиз оча кўрма: чунки сени назар-писанд қилмай қўйишлари мумкин.

\* \* \*

Бир донишманддан:

— Даҳшатнинг қўркувдан нима фарқи бор? — деб сўрабдилар.  
— Даҳшат номақбул бирор нарсага ҳавас пайдо бўлганда содир бўлса, қўркув ўша ният амалга ошганда содир бўлади,— деб жавоб берибди донишманд.

\* \* \*

Биров шундоқ деган экан:

— Гўшти овқатга ишлатиладиган ҳайвонлар инсон сингари ўз ажали билан ўлганда биз ҳеч қачон ёғли гўшт ёмас эдик.

\* \* \*

Бошқа биров шундай деган экан:

— Ўз камчилигини тузатиб, бировларнинг гуноҳини санаб ўтирмайдиган одамнинг жони ҳамиша роҳатда!

\* \* \*

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Худонинг марҳамати билан лаънатининг моҳияти нимадан иборат?

— Йигит киши ақл ва фаросатда чолларга ўхшаб кетса, бу худонинг марҳамати бўлади. Агар чоллар ақл ва фаросатда йигитларга таассуб қилишса, бу худонинг лаънати ҳисобланади.

\* \* \*

Бир ҳоким шундоқ деган экан:

— Биздан олдин ўтган ҳокимларни унчалик кўкка кўтармаслигимиз керак. Бу билан биз ўз фазилатларимиздан кўз юмган бўламиз.

\* \* \*

Бир донишманд шундоқ деган экан:

— Майда савдогар — беғам, косиб — меҳнатқаш, катта савдогар — ҳасис бўлади. Мирзо эса, буларнинг барини идора қилади.

\* \* \*

Бир подшоҳ эрталаб ўғилларидан бирини ҳузурига чақирган экан, ўгли отаси ҳузурига бир нимани чайнаб кирибди.

Подшоҳ хайрон бўлиб:

— Юзингни ювмасданок овқат ейсанми? — деб сўрабди.

Бола ўсал бўлибди. Шундан сўнг подшоҳ муаллимини чақириб сўрабди.

Муаллим:

— Балли, шахзода ҳар куни юз ювмасданок овқат сўрайдиган одат чиқарган, — дебди.

Подшоҳ дарғазаб бўлиб:

— Нон еган тишларини арралаб ташланглар! — дебди.

Устки тишлари арралангандан кейин шахзода йиғлаб отасига ёлворибди:

— Олампаҳоқ, остки тишларимни арралашмасин, иккинчи мартаба ғазабланганингизда керак бўлиб қолар!

\* \* \*

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Сенинг лутфу марҳаматингни ҳад-худуди борми?

— Одамлардан қанчайин дарғазаб бўлмайин, кўнглимнинг бир четида ҳамиша муросага ўрин қолдираман, — дебди донишманд.

\* \* \*

— Бир олим зиёфатда меҳмонлар сут билан асални маза қилиб ичиб ўтирганини кўриб, хизматқорига:

— Бўлмаса, киши жонини берадиган, бўлса, одам кадрига етмасдан тўкиб исроф қиладиган ичимлик келтир!

\* \* \*

Бошқа бир олим шундоқ деган экан:

— Тўрт тоифа одамларга хизмат қилиш фойдадан холи эмас.

Тақдирлаш қўлидан келадиган одамларга.

Билим олишинг мумкин бўлган одамларга.

Сени дуо қиладиган одамларга.

Сенга зарар етказиш қўлларидан келадиган одамларга.

\* \* \*

Амир Хусрав замонида бир ҳақим кўчада:

— Уч ҳикматли сўзни минг динорга оладиган одам борми? Келинг, кеп қолинг, сотаман! — дея жар солиб юрган экан.

Бу гапни подшоҳ эшитиб, ҳалиги одамни чақирибди.

— Қани айт, ўша ҳикматларингни, — дебди подшоҳ.

— Аввал пулни тайёрланг, кейин айтаман, — дебди ҳақим.

Пул олдига қўйилгандан кейин у шундоқ дебди:

— Биринчи ҳикмат шуки, сенинг салтанатингда бирорта дуруст одам топилмайди.

— Иккинчи ҳикмат шуки, одамларнинг ҳаммаси шунақа бўлсада, улардан қочиш ва уларсиз яшашнинг иложи йўқ.

— Учинчи ҳикмат юқорида зикр этилган гаплардан келиб чиқади: подшоҳ одамлар қай даражада ёмон эканлигини билиши керак, ўшандагина озми-кўпми уларга чап бериши мумкин.

Бу ҳикматли сўзлар подшоҳга ёқади. Подшоҳ ҳақимни мақтайди ва тайёрлаб қўйилган пулларни унинг этагига солишни буюради, бироқ ҳақим пулни олмайди.

— Айтадиган ҳикматингни айтмасдан пулни талаб қилган эдингку, нечук энди олмайсан? — деб подшоҳ ҳайратда қолади.

Шунда ҳақим шундоқ дейди:

— Бизнинг замонда ҳам ҳикматни олтинга оладиган одам топилмаслиги йўқми, шуни билмоқчи эдим холос!